

**ЭРНАЗАРОВА ГУЛНОРА ОБЛАҚУЛОВНА  
ИСЛАМОВА МАФТУНА ШАРОФИДДИНОВНА**

**ҮҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА  
ТАЙЁРЛАШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ  
МОНОГРАФИЯ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**ЭРНАЗАРОВА ГУЛНОРА ОБЛАҚУЛОВНА  
ИСЛАМОВА МАФТУНА ШАРОФИДДИНОВНА**

**ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА  
АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ**

**Монография**

**ЧИРЧИҚ - 2020**

Ушбу монография Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти кенгашининг 2020 йил «01» майдаги №15 - сонли мажлисида муҳокамадан ўтказилган ва тасдиқланган.

### **Муаллифлар:**

**Эрназарова Г.О.**

– “Педагогика ва менежмент” кафедраси профессори,  
педагогика фанлари доктори

**Исламова М.Ш.**

– “Педагогика” факультети мустақил тадқиқодчиси

### **Тақризчилар:**

**Махкамов У.М.**

Тошкент вилояти чирчиқ давлат педагогика институти  
“Педагогика ва менежмент” кафедраси профессори,  
педагогика фанлари доктори

**Тоғсиеев М.**

ЎзР ОЎМТВ ҳузуридаги ОТРТИТТЭМ бўлим бошлиғи,  
педагогика фанлари доктори, профессор

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	4
<b>I боб. АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МУАММОСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1.1. Касб-хунар таълимида ўқувчиларни акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш муаммо сифатида.....	10
1.2. Педагогик категория сифатида акмеологиянинг моҳияти ва мантиқий жиҳатдан таҳлили.....	26
1.3. Касб-хунар коллектида акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик-психологик омиллари.....	42
<b>II боб. ЎҚУВЧИЛАРНИ АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИЛЛАРИ</b>	
2.1. Акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни оптималлаштириш .....	62
2.2. Акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг дидактик модели.....	79
2.3. Касб-хунар таълимида акмеологик ёндашувни жорий этишнинг педагогик шарт-шароитлари.....	94
<b>III боб. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ</b>	
3.1. Назарий ва амалий касбий таълим жараёнида (“Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитиш мисолида) акмеологик ёндашувни жорий этишнинг шакли, методи ва воситалари.....	111
3.2. Акмеологик ёндашув асосида мустақил таълим ва аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этиш.....	129
3.3. Касбий таълимда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш методикаси.....	147
3.4. Касбий таълимда акмеологик ёндашув самарадорлиги ва уларнинг таҳлили.....	170
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....179</b>	
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>192</b>

## **КИРИШ**

Жаҳонда касбий таълим соҳасидаги ривожланиш тенденциялари акмеологик ёндашув асосида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг касбий компетентлиги, мантиқий-мустақиллик, фаол-ижодий фикрлаш қобилиятини таркиб топтириш ва индивидуал касбий шакллантириш даражасини ошириш ҳамда замон талабларига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлаш долзарблигини кўрсатмоқда. Дунё ҳамжамиятининг меҳнат бозорида рақобатлаша оладиган, касбий креатив қобилиятга эга бўлган, касбий акмешахс, фаол мутахассис кадрлар тайёрлаб халқаро жамиятда муносиб ўрин эгаллаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Илмий тадқиқот муассасалари ва олий таълим даргоҳларида акмеологик ёндашув асосида шахсни ривожлантириш, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш технологияларини ривожлантириш, касбий етукликка эришиш жараёнини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Халқаро миқёсда фан ва техника ривожи, илғор ишлаб чиқариш тажрибалари, амалиётга жадал суръатлар билан кириб келаётган жамият ва табиатда юз бераётган ўзгаришлар, касбий тайёргарликка бўлган талабларни орттиради, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашнинг педагогик-психологик механизмларини такомиллаштирилиши аҳамиятли ҳисобланади. Интенсив касбий тайёргарликни амалга ошириш, ўқитишида таълимнинг педагогик-психологик-акмеологик вазифалари интеграциясини таъминлаш, ўқув-билиш фаолиятида акмеологик касбий йўналтириш усулларини ишлаб чиқиш аҳамиятли ҳисобланади. Акмешахс мутахассисни шакллантириш, акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёргарликни такомиллаштириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш ва илмий-методик таъминотини яратишга имкон бериши билан мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Мамлакатимизда касб-хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида

“Узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup>, “Касб-хунар колледжлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассислар қилиб тайёрлашни такомиллаштириш”<sup>2</sup> каби устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда касбий таълимда акмеологик ёндашув асосида мутахассислар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли ва 2018 йил 25 январдаги 5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2829-сонли “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашда акмеологиянинг назарий ва амалий масалаларидан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар Liverpool Hope University (Англия), Maastricht University (Нидерландия), Nebraska University (АҚШ), Mara Technology University (Малайзия), Belfield pedagogical University (Германия), Fatih University (Туркия), University of Waterloo Ontario (Канада),

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони/Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. - №6 (766) -70-модда, -Т.: Адолат, 2017. -Б.38.

<sup>2</sup> Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2829-сонли қарори. 2017 йил 14 март Халқ сўзи газетаси. 2017 йил, 16 март, №53(6747), 1-2 бетлар..

Mangalayatan University (Хиндистон) ва Россия давлат касбий-педагогика университет, Россия давлат таълим академиясига қарашли акмеология фанлари халқаро академиянинг акмеологик тадқиқотлар маркази (Россия), Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда<sup>3</sup>.

Шахс ривожланишида акмеологияни қўллаш муаммоси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида, жумладан, қўйидаги натижалар олинган: касбий ривожланиш ва ижтимоий ўзгаришларнинг таълимий шартлари ишлаб чиқилган (Liverpool Hope University); шахс ривожланишидаги психологик-акмеологик муаммолари ишлаб чиқилган (Maastricht University); акмеологик ёндашув асосида шахсни ривожлантириш муаммоси ишлаб чиқилган (Nebraska University); ўқувчиларда мулоқот компетентлигини кучайтиришнинг педагогик, психологик ва акмеологик масалалари назарий асосланган (Mara Technology University); эрта ўсмирикда касбий ривожланиш бўйича акмеологик илмий изланишлар олиб борилган (Belfield pedagogical university); шахсни ривожлантиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган (Fatih university); акмеологик тренинг технологияларининг шахсни ривожлантиришдаги аҳамияти илмий асосланган (University of Waterloo Ontario); шахсият ва ижтимоий психология таълим олувчиликнинг ижодкорлиги, ўсмир ва ўспириналар таълими ва оиласвий муносабатларнинг таъсири, акмеологияни татбиқ этишда тадқиқотга йўналтирилган таълим назарий ва амалий асосланган (Mangalayatan University); акмеологик ёндашувли таълим асосида мутахассисларнинг индивидуал компентентлигини шакллантириш муаммолари ўрганилган (Центр акмеологических исследований); бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини

---

<sup>3</sup> <http://sunny.ccas.ru/library.html> – Жаҳон кутубхоналари сервери; Educational research for modern scholars. Nigeria: Fourth Dimension Publishing Company, Ltd Scott, D. (1996). Methods and data in educational research. In D. Scott & R. Usher (Eds), Understanding Educational Research, (52-73). New York, NY: Routledge; <http://en.wikipedia.org/wiki/Creative Commons>; Case Studies on Technical and Vocational Education in Asia and the Pacific: An Overview. By A. R. Haas.Bangkok, UNESCO/PROAP, 1996. 28 pp.ISBN 974-680-057-4.; <http://www.icsti.ru> – илмий ва техник ахборотлар халқаро марказининг сервери ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

ривожлантириш илмий тадқиқ этилган (Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти).

Дунёда акмеологик таълим муҳити ва унинг илмий-методик таъминотини шакллантириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг педагогик-психологик механизмларини такомиллаштиришга оид қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: акмеологик ёндашувли таълим асосида мутахассисларнинг индивидуал компентентлигини шакллантириш; эрта ўсмириликда касбий ривожланиш бўйича акмеологик илмий изланишлар; акмеологияни тадбиқ этишда тадқиқотга йўналтирилган таълим; акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш.

Касб-хунар коллажлари ўқувчиларининг касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш, ўсмирилик ва ўспиринлик даврида шахсни оптимал ривожлантиришни акмеологик ёндашув асосида такомиллаштириш муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ўзбек олимларидан Ш.Т.Халирова, Ш.С.Шарипов, Г.Ҳ.Тиллаева, Х.А.Шайхова, А.Ш.Салиев, М.Бекмуродов ва Ў.Мавлоновлар<sup>4</sup> акмеология ҳақида илмий фикрлар юритганлар. Б.Б.Маъмуроев бўлажак ўқитувчиларни акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришни илмий тадқиқ этган.

Касбий педагогиканинг назарий-услубий асослари бўйича Р.Ҳ.Джўраев, Ҳ.Ф.Рашидов, У.И.Иноятов, таълим мазмуни ҳақида В.А.Скакун, С.Я.Батышев;

---

<sup>4</sup> Халирова Ш.Т. Жаҳон тилларини ўрганиш жараёнида талабаларда ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, -Т.; 2008, 49-б; Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти 13.00.08 – касб-хунар таълими назарияси ва методикаси, педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, -Т.; 2012, 307-б; Акмеология асослари: ўкув қўлланма / Г.Ҳ.Тиллаева. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. -Т.: «Тафаккур бўстони», 2014. —192 б.; Шайхова Х.А. Маънавият — камолот кузгуси. — Т.: Фоур Ғулом номидаги НМИУ, 2009. 115-б.; Салиев А.Ш. Ёшлиларнинг интилувчанлитигини аниклашда акмеограмманинг аҳамияти//Ёшлиларнинг акмеологик қарашларини шакллантиришда соғлом турмуш тарзининг ўрни.--Т: Фалсафа ва хукуқ институти, 2008.-Б.227.; Бекмуродов М., Мавлонов Ў. Акмеология фани ва комил инсон тарбияси // Жамият ва бошқарув. – 2006. – №1. – Б. 18 – 20.; Маъмуроев Б.Б. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш. педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, -Т.; 2018, 49-б.

таълимни бошқаришнинг жамият ривожланиши билан боғлиқлиги ҳақида Ш.Э.Курбонов ва Э.Сейтхалилов, Р.Ш.Ахлидинов, М.А.Белякова;

Касб-хунар колледжларида таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича О.А.Абдукудусов ва Х.Ф.Рашидов, О.Б.Акимова, Л.И.Анишева, А.В.Дружкин, И.И.Зокиров, Г.У.Ибрагимова, Г.П.Исаева, Н.К.Камалова, Е.Г.Лопес, К.Т.Олимовлар, М.Н.Скаткинларнинг ишларини қайд этиш мумкин.

Касб-хунар коллежида таълим - тарбия жараёнини ривожлантиришга оид Н.Р.Ашурев, Ш.М.Зуфаров, Ш.Ш.Олимов, И.Р.Сафарбаева ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган.

МДХ мамлакатлари олимларидан Б.Г.Ананьев, Т.В.Зобнина, В.И.Зинченко ва Е.Б.Моргунов, А.Т.Некрасова, В.О.Рамонова, М.М.Шехтерлар таълимда акмеологик ёндашув муаммосини илмий тадқиқ этганлар. Акмеологик ёндашувда шахс ривожланиши, касбий шаклланиши масалалари А.А.Бодалев, Н.В.Кузьмина, Н.А.Рибников ва бошқаларнинг ишларида муайян даражада тадқиқ қилинган.

Касбий таълимда акмеология ва акмеологик ёндашув муаммосини А.М.Деркач, Г.В.Миронова, А.С.Глинский, Л.Г.Грибенюк, Н.В.Курбет, Н.А.Некрасова, А.М.Леонтьев, В.П.Медведевлар<sup>5</sup> илмий тадқиқ этганлар.

Хорижий мамлакатларда Boele de Raad, Gregory K.Patton, Wendell R.Gamer, Thomas Deißinger, Peterson C., M.E.F.Seligman ва G.E.Vaillant, Zullow H.H., Oettingen G., Peterson C., Seligman M.E.P., Drapeau Patti, Albert Bandura ва Richard Walters, Louis Cohen, Thomas K, Susan Zaparzan, Hull J.G., van Treurenнн

---

<sup>5</sup> Миронова Галина Васильевна. Концепция акмеологического развития личности в период ранней юности (15-20 лет). Докторская диссертационная работа. Тамбов. 2012г. -200 с.; Глинский, Александр Сергеевич. Развитие познавательной активности учащихся с применением акмеологического подхода. диссертации и автореферата по ВАК 13.00.01, к.п.н., Омск. 2007.-169 с.; Грибенюк, Людмила Григорьевна. Акмеологический подход в проектировании гимназического образования. Дис.раб. для получ.к.п.н., тема диссертации и автореферата по ВАК 13.00.08., Калуга. 2004, -197 с.; Курбет Н.В. Акмеологические условия и факторы развития образа профессии у студентов политехнического колледжа : дис. ... канд. психол. наук : 19.00.13 : 19.00.13 / Курбет, Надежда Викторовна ; РАГС при Президенте РФ, Кафедра акмеологии и психологии профессиональной деятельности. - М., 2007. - 176 с. - Библиогр.: с. 134-146. ; Некрасова А.Т. Акмеологический подход как основа повышения качества профессионально-педагогического образования // Вестник КГУ им. Гендерная психология. – Кострома, 2007. – № 6. – С. 194 – 199.

Медведев В. П. О роли акмеологии в современном профессиональном образовании // Фундаментальные исследования. – 15.05.2011. – С. 32–34.

R.R., Propsom P.M., J.K.Khanna<sup>6</sup> каби олимларнинг тадқиқотларида психолигик–акмеологик масалалар илмий-педагогик жиҳатдан асослаб берилган.

Қайд этилган тадқиқотларда касбий тафаккурни ривожлантириш, ўкувчиларда касбий ижодкорликни таъминлаш, шахс касбий фаолиятига нисбатан ижобий муносабатни таркиб топтиришнинг айрим жиҳатлари очиб берилган, бироқ “Касб-хунар коллежи ўкувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш” мустақил тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган.

Ёшларни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлган, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар қилиб камол топтириш<sup>7</sup>, касб-хунар коллежларида акмеологик ёндашув асосида ўкувчиларда касбий ижодий қобилиятларни, касбий компетентликни шакллантириш, касбий шаклланиш даражасини ошириш, таълимнинг фаоллаштирувчи омил (шарт-шароитлари, шакллари, усул ва восита)ларини амалиётта кенг кўламда жорий этиш билан ҳал этиш зарурияти тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

---

<sup>6</sup> Boele de Raad. Five Big, Big Five Issues, content, structure, status, and crosscultural assessment European psychologist, 1996. Vol3, №2; Gregory K. Patton. The Five-Factor Model of personality: Theoretical perspectives, Jeny S. Wiggins (ed.). Contemporary psychology. N.Y., 1998. -234 p.;Wendell R. Gamer. Reductionism reduced. Contemporary psychology. N.Y., 1999. Vol.44. №1,20-22p.p.;Thomas K “Conflict and Negotiation Processes in organizations”, in M.D.Dunnette and L.M. Hough (eds.), Handbook of Industrial and Organizational Psychology, 2 nd ed., Vol.3 (Palo Alto CA: Consulting Psychologists Press, in press). With permission), NSCC, Canada, 2003.;Prof. Dr. Thomas Deißinger, Dipl. Hdl. Silke Hellwig Structures and functions of Competency-based Education and Training (CBET): a comparative perspective. (University of Konstanz) ISBN 3-937235-49-3 second in December 2011 p 11-14.;Peterson C., Seligman M.E.F., Vaillant G.E. Pessimistic Explanatory Style is a risk Factor For Physical Illness: A Thirty-five-year Longitudinal study // Journal of Personality and Sosial Psychology.1988.V.55.P.23-27.;Zullow H.H., Oettingen G.,Peterson C., Seligman M.E.P. Pessimistic exsplanatory style in the historical record // American Psychologist.1988.V.P.637-682.;Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. P.602.;Albert Bandura, Richard Walters. Teenage aggression. Studying of influence of education and family relations. Publishing house: Eksmo-Press, Aprel-Press ISBN: 5-04-004214-0 Year of the edition:-2000.;Khanna J.K. & Vashisht K.K.Knowledge: Evolution, Structure and Research Methodology. Ess Publications. New Delhi.. 1999, 324 p.

<sup>7</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент.-“Ўзбекистон”-2016 йил, -59 б.

## **І БОБ. АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МУАММОСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **§.1.1. Касб-хунар таълимида ўқувчиларни акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш муаммо сифатида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сонли Фармонида, мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённи янги педагогик шакллар ва усуллар асосида ташкил этиш вазифалари қўйилган. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сонли Президент Фармонида ижтимоий соҳани ривожлантиришга йуналтирилган, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш белгиланган. Бу касб-хунар коллежларида муайян касбкор эгаси бўлиш, таълим ва меҳнат фаолияти узлуксизлигини таъминлаш, таълим-тарбия борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш, ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш муаммоси аниқ назарий–методологик ёндашувларни талаб этади.

Фикримизча, касб-хунар коллежида акмеологик ёндашувнинг зарурити ўқув-тарбиявий ва бошқариш жараёнида жамият томонидан қўйилган заковатли фикрловчи, муваффақиятларга эришишга ҳаракат қилувчи ва мустақил индивидуал ривожланиш йўлини режалаштирувчи, давлат, жамият ва иш берувчилар талабларига жавоб берувчи, ижодкор, мулоқотга киришувчан, кадрлар тайёрлаш талабини бажаришни амалга оширишда кўринади.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да: “...миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидағи жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган, ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига,

ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равища мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқболли вазифаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги вакилларини шакллантиришга йўналтирилган касб эгалари тайёрлаш”, каби мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга ушбу тадқиқот иши маълум даражада хизмат қиласди. Ушбу хужжатлар узлуксиз таълимда - ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Касб-хунар коллажларида ўқувчиларни тарбиялаш ва таълим бериш, уларни касб-хунарни эгаллаши ва муваффақиятли ижтимоийлашувни амалга ошириш, ҳар томонлама уларнинг соғломлигини мустаҳкамлаш ва сақлаш, касбий фаолиятга тайёргарлигик даражасини ошириб бориш зарур. Ушбу вазифани бажаришда акмеологик ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки, у касб-хунар коллажлари учун келажакли ва истиқболли ҳисобланади. Ушбу сабаб мазкур диссертация мавзусини танлашга асос бўлди.

Таълим муассасалари жумладан, касб-хунар коллажида акмеологик ёндашувнинг зарурияти ўқув-тарбиявий ва бошқариш жараёнида жамият томонидан қўйилган мустақил фикрловчи, муваффақиятларга эришишга ҳаракат қилувчи ва мустақил индивидуал ривожланиш йўлини қура оладиган, давлат, жамият ва иш берувчилар талабларига жавоб берувчи, ижодкор, мулоқотга киришувчан, битирувчи шахсини тайёрлаш талабини бажаришни қанчалик амалга оширишда кўринади. Бунда, акмеологик усуллар, акметехнологиялар шахсий ва касбий муваффақиятларга тегишли саволларни ечишга амалий ёрдам беради.

Касб-хунар коллажлари битирувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашни акмеологик ёндашув асосида такомиллаштириш вазифасининг бажарилиши таълим сифатининг оширишга шарт-шароит яратади.

Докторлик диссертацияси мавзуси доирасида истиқболли акметехнологиялар ва таълим сифатини оширишга қаратилган, акмеологик ёндашув 12

асосида касб-хунар колледжларида таълимни ташкил этиш, ўқувчилар шахсини ривожлантириш ва шакллантириш, соғлом фикрли ёш авлодни келгуси ҳаётга тайёрлаш муаммоларини кўриб чиқиш мумкин. Бу ерда акмеологик ёндашув асосан таълим сифатини оширишга хизмат қиласи.

Касб-хунар колледжларида таълим олувчилар шахсини ривожлантириш, меҳнат бозори, шахс, давлат ва жамиятнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг талаб даражасида меҳнат фаолиятини юритиш учун етарли бўлган касбий билим ва кўникмаларни шакллантириш зарур.

Бу ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг 2017 йил 11 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 октябрдаги мажлис баёни ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 451-сонли буйруғида, 1046 та ва умумтаълим мактабларида ташкил этилган 484 та ўқув ишлаб чиқариш мажмуаларида касбга тайёрлаш жараёнини самарали ташкил этиш, ўқувчиларни касб-хунарга бўлган қизиқишлигини психологик тайёрлаб бориш каби республика бошқарув идоралари хужжатларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони касбий таълим жараёнида янги самарали ўқитиш методлари, шакл, воситаларини такомиллаштиришни тақозо этади.

“...Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлик”. Албатта бугунги кунда, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда педагогларнинг акмеологик позицияси муҳим ўрин тутади. Замонавий билим бериш учун аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи “Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2829-сонли Қарорида “Касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассислар қилиб тайёрлашни такомиллаштириш” каби вазифалар белгиланган бўлиб, бу вазифанинг акмеологик ёндашув асосида касбий таълим жараённида амалда бажарилишига ҳисса қўшиш мумкин. Ҳар бир шахснинг тараққиёт даврларига мос равища ривожланиши ва меҳнатининг маҳсулдорлигига эришишни таъминлайди, шахснинг жамиятдаги мавқенини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарорида белгиланган талабларга кўра таълим жараёнини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Хозирги даврда таълим-тарбия жараёнини модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш устувор вазифалардан бири бўлиб, касбий билимларни шакллантириш, касб фаолиятига тайёргарликни такомиллаштириш муаммоларини кенгроқ ўрганиш, ўқувчининг имкониятларини ривожлантириш мақсадлари, ўқув мазмунини танлаш ва тузишга ижодий ёндашувни талаб этади. Ушбу вазифани акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий шаклланиш фаолиятини такомиллаштириш орқали бажариш мумкин.

Касбий шаклланиш тушунчаси Н.А.Муслимов, М.Ҳ.Усмонбоевалар томонидан қуидагича таърифланган: “Касбий шаклланиш шахс камолотининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, шахснинг фақатгина меҳнат ва касбий фаолиятини танлаш билан боғлиқ эҳтиёж ва қизиқишлигини ифодалайди. Умумий ривожланиш барча эҳтиёжлар мажмуасини, унинг борлиққа, ўзига нисбатан муносабатлари тизимини ифода этади”.

Шахс фаолиятининг бир қатор маҳсулдор концепциялари ва уни ўрганишга методологик ёндашувни К.А.Абульханова-Славская, Б.Г.Ананьев,


В.В.Давидов, В.И.Зинченко, В.В.Знаков, Е.П.Ильин, Т.В.Карсаевская, С.Л.Рубинштейн ва бошқалар ишлаб чиқишиган.

Фаолият кишиларнинг ижтимоий-тариҳий турмушининг ўзига хос шакли бўлиб, у инсонларнинг табиий ва ижтимоий борлиқни мақсадга йўналтирилган ҳолда ўзгартиришидан иборат. Субъект амалга оширадиган ҳар қандай фаолият ўз ичига мақсад, восита, ўзгартириш жараёни ва унинг натижасини олади. Фаолиятни бажаришда субъектнинг ўзи жиддий ўзгаради ва ривожланади. В.В.Давидов, А.Н.Леонтьевлар ва бошқалар асос солган фаолият тузилмаси назариясини В.С.Леднев томонидан давом эттирилиб, унинг ноёб тузилмаси ишлаб чиқилган ва у “инвариантли” деб номлаган. В.С.Леднев инсон фаолиятининг иккита йирик базис ташкил этувчиликарини яъни инвариант ва морфологик ташкил этувчиликарни қараб чиқиши таклиф этган. Инвариант ташкил этувчиликар деганда- “Аниқ фаолиятнинг исталган кўринишини ифода этувчи фаолиятнинг алоҳида кўринишдаги реал мавжуд бўлмаган компонентлари” -тушунилади. “Инсон фаолиятнинг морфологик турлари эса - бу ижтимоий ҳаётда реал мавжуд бўлган ва нисбатан мустақил фаолият кўринишидир”.

Тизимли ёндашувга кўра В.С.Леднев ўзи ажратган фаолиятнинг инвариант ва морфологик кўринишлари мураккаб ўзаро алоқа ва боғлиқлиқда бўлишини таъкидлаган. Уларнинг ўзаро алоқасининг асосий тури инсоннинг фаолият субъекти сифатидаги бутунлигига асосланган, яъни индивид фаолиятнинг муаллиф томонидан ажратилган ҳар бир инвариант жиҳати бошқаларидан ташқари мавжуд эмас ва фақат инсон фаолиятнинг проекциясини, унинг алоҳида жиҳатини ўзида ифодалайди.

В.Д.Шадриков меҳнат фаолиятнинг моҳиятини қўйидагича талқин этган: “Меҳнат энг аввал шундай жараёнки, унда инсон ўзининг шахсий фаолиятини бевосита ифодалайди. Ўзи ва табиат ўртасидаги моддалар алмашинувини мувозанатлайди, тартибга солади”. В.Д.Шадриков меҳнат фаолиятини қўйидаги уч жиҳатнинг бирлигига қараб чиқиши таклиф этган: “Предметли-таъсирчан” (“Инсон меҳнат воситалари ёрдамида меҳнат предметида олдиндан

мўлжалланган ўзгаришларни вужудга келтирадиган жараён сифатида”); физиологик (инсон организми функцияси сифатида); психологик (онгли мақсадни амалга ошириш, мутахассиснинг иродаси, диққати, интеллектуал хоссаларини намоён қилиш ва бошқалар сифатида” .



#### 1.1.1-расм. Коллеж ўқувчисини касбий йўналтириш

Демак, меҳнат фаолияти индивидуал шахсий фаолият бўлиб, унинг самарали ташкил этилиши шахсни касбий шакллантириш даражаси билан узвий боғлиқ, яъни коллеж ўқувчиси шахсини касбий акмеологик йўналтириш сифати муҳим аҳамиятга эга (1.1.1-расм).

1. Касбий мотивация- инсон эҳтиёжларининг ортиши, унинг фаолияти мураккаблашиши ва илмий-техник тараққиёт туфайли имкониятлар ва мотивларнинг кенгайиши, таълим жараёнида касбни эгаллаш мотивациясини шакллантириш;

2. Касбий компетентликни шакллантириш- касб-хунарни эгаллаш билан боғлиқ бўлган эҳтиёжини ривожлантирувчи, унга нисбатан маъсуллиятли ҳамда ижодий ёндашувни, меҳнат мотивациясини тарбияловчи ҳамда мутахассисликка қаратилган йўналиш касб этувчи жараёнлар алоҳида таркибий қисмларининг ўзаро интеграциясида касбий шаклланишга эришиш лозим;

3. Касбий креатив қобилиятни шакллантириш- коллеж ўқувчисини касбий тайёргарлиги, махсус назарий билим, амалий кўникма ва малакалар, шунингдек, маънавий-ахлоқий касбий сифатларни ўзлаштириш асосида шахснинг муайян касбий фаолиятни мустақил ўз билим ва заковатига ишонган ҳолда муваффақиятли олиб боришга, ижодий касбий фикрлашга нисбатан физиологик, психологияк ва жисмоний тайёргарликни шакллантириш (1.1.1-расм).

Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг ўқиётган ихтисослиги бўйича касбга тайёргарлик даражасининг ҳолати, битиувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашганлик кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда, касбга йўналганлик ҳолатлари, мазкур касб-хунар коллежлари иш берувчи ташкилотлари томонидан қўйилган малака талаблари, касб даража (разряд)лари бўйича кўрсаткичларни ошириш, касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг самарали касбий шаклланиши, касбий фаолият ва ишлаб чиқаришга нисбатан ижодий муносабати ҳамда онгли ёндашувини қарор топтириш, уларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишувларини таъминлашга ҳисса қўшиш мумкин.

Аниқланган кўрсаткичлардан шундай хулоса қилиш мумкин: бўлажак мутахассисларнинг касбий лаёқатларини, касбий фаолиятга тайёрлашни ривожлантириш масаласига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Шунингдек, касбий шакллантириш жараёни мураккаб бўлиб, у бир қатор психологик-акмеологик-педагогик шарт-шароитлар ва омилларни талаб этади. Бу муаммо ҳозирча тадқиқотларда тўла-тўқис ўз ифодасини топганича йўқ.

Бугунги кунда, таълим жараёнини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш ва унинг мазмунини доимий равишида янгилашиб бориш, касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, педагогик жараённи янги педагогик шакллар ва усуслар асосида ташкил этиш, инновацион ғоялар, акметехнологияларни қўллаш, касбий таълим жараёнини такомиллаштириш муҳим ва долзарбdir.

Шунинг учун касбий билимларни ошириш, касб-хунар коллежлари битиравчиларини касбий тайёргарлик даражасини оширишни акмеологик ёндашув орқали ташкиллаштиришнинг методологик, дидактик ҳамда методик функцияларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш; касб-хунар коллежларида битиравчилар бандлигини касбий билимларни шакллантириш орқали ташкиллаштириш мақсадида ўқув-услубий мажмуалар яратиш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш; касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун касбий-йўналтирилганлик технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; ишлаб чиқилган методлардан фойдаланиб синов-тажрибалар ўтказиш ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашни ташкиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Касб-хунар коллежи ўқувчисининг мутахассис сифатида касбий камол топиши, ривожланиши ўз моҳиятига кўра жараён тарзида намоён бўлади. Касбий етуклик инсон онтогенезининг муҳим даврларида касбий камол топиш, ривожланиш ғояларининг қарор топиши (14-17 ёш)дан бошланиб, касбий фаолиятнинг якуnlаниши (55-60 ёш)гача бўлган жараёнда кечади. Ижодкор шахснинг шаклланиши ва ривожланиши унинг ички ва ташқи олами ўзгаришининг ўзаро мос келиши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда инсон онтогенези – туғилишидан бошлаб то умрининг охирига қадар узлуксизлик, ворисийликни тақозо этадиган фаолият мазмунига боғлиқ.

Шахс интеллектида акмеология жуда муҳим ўрин эгаллайди. Касб-хунар коллежи ўқувчиҳи ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўзи хоҳлаган касб-хунарни эгаллаши ҳозирги глобаллашув даврида асосий аҳамият касб этади.

Акмеология янги йўналиш бўлиб, инсоннинг янги қирраларини очиб беради.

Акмеология грекча акме – чўққи, такомил, ниманингдир юқори босқичи, гуллаган даври мъяноларини англатади.

Акмеологияга оид асарларда таъкидланишича: акмеология атамаси, эвриология (П.Энгельмейер), эргонология (В.Мясищев), рефлексология

(В.М.Бехтерев) каби соҳалар сингари илмий-амалий билимларга эга бўлиб, ўтган асрнинг 20-йилларида пайдо бўлган. Акмеизм сифатида Н.Гумилев, С.Городецкий, А.Ахматова ва бошқаларнинг асарларида қайд этилган ва XX аср бошларида ижтимоий-маданий акмеология пайдо бўлган. Ижодий фаолият ёш даврлари қонуниятлари томонидан Ф.Гальтон ва В.Освальдоларнинг турли психобиологик омиллар маҳсулдорлиги билан боғлиқлигини ўрганишга оид табиий-илмий тадқиқотлари акмеологиянинг келиб чиқишига олиб келган, фан сифатида Б.Г.Ананьев, А.А.Бодалев, Н.В.Кузьминалар, 1928 йилда Н.А.Рибников томонидан ўрганилган.

Акмеология - грекча “акме”-энг юқори босқич, гуллаган давр, энг юксак даражага эришиш, инсоннинг ўзига берилган барча имкониятлари ва иқтидорини намоён этиш маъносини англатади ва касбий камолотда мукаммаллик босқичига етишнинг объектив ва субъектив омиллари, унинг ўқишида ютуқларга эришиши ва ривожланиши, шахс фаолиятида, касб-хунар таълими тизимида, таълим жараёнида юксак даражага эришишини ўрганади.

Акмеологияда тадқиқот обьекти – шахс бўлиб, унинг ривожланишида объектив ва субъектив омиллар, унинг шахсий ҳаёти жараёнида юксак мэрраларга эришиши ўрганилади.

Акмеологиянинг предметида шахс индивидуал фаолиятининг барча соҳаларида эришган максимал етукликка эга бўлиши лозим деган концепция юзага келган. Максимал етуклик шахс ривожининг юқори чўққиси ва индивидуал фаолият билан боғлиқ экан, демак ана шу чўққи юончада “акме” дейилади ва бу соҳа акмеология деб юритилади. Акмеология изчиллик, яъни мукаммаллик чўққисига интилиш, бу - инсон ҳаётининг ажralmas хусусияти бўлиб, бу ибора орқали шахсий, касбий ривожланиш ва ўзини-ўзи такомиллаштиришга мойиллик англаради.

Б.Г.Ананьевнинг фикрича, акмеологиянинг илмий асоси, инсоннинг ривожланишида индивид, шахс, индивидуаллик ва субъектнинг ҳаёт фаолияти ҳақидаги фанлар интеграциясидан ташкил топган. Акмеология предмети-инсоннинг ижодий салоҳияти бўлиб, у инсон томонидан ўзига иноят этилган

барча имкониятлар ва иқтидорни қандай қилиб, қандай шарт-шароитларда, қайси қонуниятлар таъсирида рүёбга чиқаришини комплекс тарзда ўрганади.

Акмеологияда инсоннинг касбий фаолияти ва ўз ҳаётини ўзи белгилаши, ўзини-ўзи ривожлантириши ва ижодкорлик қобилиягини шакллантириши, унинг ҳаётий фаолияти субъект сифатида қараб чиқилади.

Акмеология фанининг асосий вазифаси онгли фаолият субъекти бўлмиш шахсни турли фаолият жараёнларида, хусусан, танлаган касби, ихтисослиги доирасида ўз ижодий салоҳиятини тўла очиш ва амалда намойиш этишига боғлиқ бўлган билимлар, амалий қўникмалар, малакалар, технологиялар билан таъминлашдир.

В.Зазикин ва А.Деркачларнинг фикрича, акмеология предмети – инсоннинг етилиши феноменидир. Бу фан соҳасининг диққати–индивид, шахс, фаолият субъекти ва индивидуаллик сифатида инсоннинг юқори маррага эришиш жараёнини ва натижасини ўрганишдир. Бунда ақлий етилиш, эмоционал ва шахсий улгайишни ҳам тушуниш мумкин.

В.Каримова -ҳар бир тараққиёт даврининг ўзига хос аҳамиятли томони бор, охирги йилларда акмеология фани пайдо бўлди, у айнан етукликка эришишнинг шарт-шароитлари ва омилларини ўрганади, давр нуқтаи назардан айни муҳокама қилинаётган ёш даврларининг хусусиятларини ўрганади, деб таъкидлайди. Демак, ҳар бир ёш даврларида шахсда турли динамик хусусиятдаги акмеологик ривожланишни башорат қилиш мумкин.

М.М.Кашапов инсон ёш даврларида психик ва касбий ривожланиш босқичларини қуидаги босқичларга ажратган:

### I.Касбгача бўлган ривожланиш

- 1.1.Ўйиндан олдинги ривожланиш (Зёшгача);
- 1.2.Ўйин босқичи (мактабгача болалик 3-7 ёшгача);
- 1.3.Ўқув фаолиятини ўзлаштириш босқичи (7-8 дан 11-12 гача бўлган ёш)

### II.Касб танлаш давридаги ривожланиш

- 2.1.Оптация босқичи (ҳаётга онгли тайёргарлик, меҳнат, касб йўлини режалаштириш, касб танлаш даври 13-13 дан 14-18 ёшгача)

### III.Касбий тайёргарлик ва келгуси касбий маҳоратга эришиш давридаги ривожланиш

- 3.1.Касбий таълим босқичи (15-19 дан ёки 16-23 ёш);
- 3.2.Касбий мослашув босқичи (17-21 дан 24-27 ёшгача);
- 3.3.Касбий маҳоратнинг ривожланиш босқичи (21-27 дан 45-50 ёшгача);
- 3.4.Касбий маҳоратни намойиш этиш даври (46-50 ёшдан 60-65 ёшгача);
- 3.5.Сустлашиш босқичи (61-65 ёш).

Шунингдек, М.М.Кашапов белгилаган босқичларда 3-босқич мухим аҳамиятга эга бўлиб, унинг биринчи буғинини касбий таълим босқичи эгаллаган, яъни 15-19 ёшгача бўлган даврдаги касбий тайёргарлик босқичида акмеологик касбий йўналганлик юқори бўлса, у келгусида касбий маҳорат учун асосий мезон бўлиб хизмат қиласи. Бундан касб-хунар коллежида ўқувчиларни акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш зарурлиги келиб чиқади.

Акмеологияда ёшлик даврларида инсоннинг ижодий етук мутахассис бўлиб шаклланиши ва ўз касбий акмесига эришиш йўлларини ўрганишда инсонни ривожланиши, етукликка этишидаги пиллапоялари ва унинг энг юксак даражага эришиши, бу ривожланишда, фаолиятнинг субъекти - шахс сифатида, унинг касбий шаклланиши, юқори ютуқقا эришиши мотивацияси сифатида қаралади.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асосини фанда ишлаб чиқилган тизимли, генетик, умумпедагогик, акмеологик ва компетентли ёндашувлар ташкил этади. бунда:

-тизимли ёндашув (Г.Берталанфи, В.В.Краевский, Э.Г.Юдин ва бошқалар) фуқароликнинг тизимли кўриб чиқилишини назарда тутиб, унда тизим ва тизим остининг алоқалари, элементлари ва қисм тизимлари акс эттирилган, бу эса фуқаролик тизимишнинг ташкил этувчиларини тақдим этиш учун айниқса мухимдир.

-генетик ёндашув фуқароликнинг пайдо бўлишига ва унинг қарор топиши, ривожланиши жараёнига имкон берувчи шароитларни тадқиқ этишни ва ишлаб чиқиши назарда тутади (А.В.Брушлинский, Н.И.Чуприкова ва бошқалар).

-умумпедагогик ёндашув (В.Г.Караковский, Б.Т.Лихачев, А.В.Мудрик, В.А.Сластенин ва бошқалар), асосида тарбиянинг асосий тамойиллари, ёндашувлар, унинг қонуниятлари ва хусусиятлари ишлаб чиқилган.

-акмеологик ёндашув (А.А.Бодалев, А.А.Деркач, Н.В.Кузьмина, Н.А.Рибников ва бошқалар), инсоннинг ривожланиши ва унинг шахсий касбий шаклланиши, юқори мэрраларни эгаллаш қонуниятларини қайд этиб, акмеология йўлида “Шахснинг таълим йўналиши” сифати мезонларини белгилаб беради.

-компетентли ёндашув (И.А.Зимняя, Л.А.Степнова, В.Д.Шадриков ва бошқалар) шахсий сифатларни мураккаб кўп даражали компетентликлар сифатида кўриб чиқишини назарда тутади.

Ушбу масалада илмий ва амалий ишлар, жумладан: педагогик бошқарувнинг яхлит тизим сифатидаги хоссалари тўғрисида - У.Н.Нишоналиев, Ў.Қ.Толипов ва Ш.С.Шариповлар; таълим муассасаси раҳбари бошқарув фаолияти ҳақида - Р.Ш.Ахлидинов, У.И.Иноятовлар; таълим муассасасининг кадрлар билан таъминланганлигини режалаштиришни ташкил этиш, рейтинг тизимида баҳолашни ташкил этиш ҳақида – Б.Л.Фарберман, Б.П.Беспальколарнинг ишларини қайд этиш мумкин.

А.Р.Ходжабоев, Ҳ.Ф.Рашидов, О.Абдуқудусовлар таълим-тарбия ишини такомиллаштиришнинг илмий асосланган ўкув-услубий мажмуа асосида ташкил этиш методикаси; Джураев Р.Ҳ., А.Абдуқодировлар томонидан таълимда инновацион технологияларни қўллаш тадқиқ этилган. Сайтда кўрсатилишича: Ж.К.Аксакалова-психологик тренинглар ёрдамида ўсмирлар шахсини ривожлантириш; Г.Р.Алиматова колледж ўкувчиларини математик тайергарлигини касбга йўналтириш; Н.Н.Алимов касб-хунар колледжлари ўкувчиларини техник ижодкорлик фаолиятига тайёрлаш; М.Т.Ахмедова касб-хунар колледжларида ўкув амалиётини такомиллаштириш; Ф.У.Жуманова касб-

хунар колледжларида ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш; С.Н.Жўраева талаба шахсига касбий шаклланиш таъсирининг психологик жиҳатлари; З.К.Исмоилова маънавий-ахлоқий тарбиянинг назарий ва экспериментал-методик асослари; Н.Д.Қосимова ўсмирлар ижтимоийлашувида ибрат ижтимоий психологик хусусиятларининг аҳамияти каби касбий шакллантириш билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Касб-хунар колледжи ўқувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, ўсмирлик ва ўспиринлик даврдаги шаклланишни ҳар томонлама илмий тадқиқ этиш акмеологик ривожлантириш муаммолари комплекс ўрганилмаган.

Ўқувчини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёни, яъни унинг шахсий сифатлари, касбий қобилият ва кўникмаларини ривожлантирувчи динамик жараёндир. Касбий тайёргарлик фаолиятида таълим оловчининг, изланувчанлик қобилиятини ривожлантириш, креативлик, ижодий потенциалини шакллантириш ҳамда таълим берувчилар ижодий топшириқларни бажаришнинг асосий методлариiga эга бўлиши, илмий методологияни билиш кабиларга эришиш талабини мос равишда амалга ошириш лозим.

Шахсни касбий шаклланиш муаммосини мазмун жиҳатдан физиологик, тиббий, психологик, педагогик, акмеологик, касбий ва бошқа жиҳатларга ажратиш мумкин.

Педагогик нуқтаи назардан – бу шахс хусусиятларига боғлиқ ҳолда касбийлаштириш жараёнида касбий фаолиятни шакллантириш, шунингдек касб ўйлининг турли босқичларида шахс ривожининг муаммоси (унинг мотивлари, қизиқишлиари, қобилиятлари, касбий муҳим сифатлари) ҳисобланади.

Акмеологик нуқтаи назардан – шахснинг психологик ва касбий етуклигини, инсоннинг ҳаётидаги ҳар бир ёш даврларида юксак даражага эришиши қонуниятларини ўрганиш ҳисобланади.

Шахс ривожланишини З.Фрейд психодинамик, А.Маслоу гуманистик, К.Г.Юнг эса амалий, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, К.А.Абульхановалар томонидан ўрганилган.

Инсоннинг ривожланиши муаммосига оид умумназарий саволларнинг жавоблари С.Л.Рубинштейн, А.М.Леонтьев, А.К. Марковаларнинг ишларида акс этган.

Инсоннинг турли ёш даврларида шунингдек, ўсмирилик ва ўспиринлик даврларида шахсни тадқиқ этиш Б.С.Волков, Г.В.Миронова, В.И.Зинченко Э.Ф.Зеер, Е.Hubbard, J.G.Hull, Славская К.А., Франк Венгёфер каби олимлар томонидан олиб борилган.

Ўсмирилик ва ўспиринлик даврида шахсни оптимал ривожлантиришни акмеологик ёндашув асосида такомиллаштириш муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бу даврда таълим оловчилар шахсини ривожлантиришнинг турли ёндашувлари дунё олимлари томонидан тадқиқ этилган. Масалан: А.А.Богданов, Г.Берталанфи, Б.С.Гершунский, Б.Ф.Ломов, Э.Г.Юдинлар бу ёшда шахсни ривожланиши кўп томонлама жараён, яхлит ташкил этишни, яъни тизимли ёндашувни;

Б.Г.Ананьев, В.А.Сластенинлар шахсни акмеологик ривожлантириш жараёни муҳимлиги асосини аниқловчи аксиологик ёндашувни;

В.Л.Зинченко онтогенезда субъект ривожланишининг қонуниятларини; К.А.Абульханова, О.С.Анисимовлар акмеологик ривожланиш жараёни субъекти эрта ўспиринлик даврида шахсга субъектив ёндашувни; И.Н.Семенов эрта ўспиринлик даврида шахсни акмеологик ривожлантириш учун рефлексив кўникмаларга бўлган эҳтиёжларга бўлган талабларни аниқлашни, рефлексив ёндашувни;

А.М.Леонтьев, Л.А.Степнова, Н.Ф.Тализиналар шахсни фаол ўқув-касбий фаолиятда ривожлантириш йўлини таъминловчи, акмеологик ривожлантириш шартларини қамраб оловчи фаолиятли ёндашувни;

М.А.Акопян, Ш.А.Амонашвили, Б.С.Гершунскийлар, индивидуал хусусиятлар, қизиқишлиар, қадриятлар, мақсадлар, шахсий мотивлар ҳосил

қилувчи, ўқув-касбий фаолият марказида ўсмирилик даврида шахсда акмеологик ривожлантиришни таъминлашни талаб этувчи шахсга йўналтирилган ёндашувни;

В.М.Розин, В.С.Степинлар ўсмирилик даврида шахсни акмеологик ривожлантириш концепциясини яратишида ўрганилаётган жараённи умумилмий даражада кўриб чиқувчи ёндашувлар ва методлар мажмуидан фойдаланиш имконини берувчи парадигмал ёндашувни;

В.А.Зашихин, Drapeau Patti, Baumol W.J., Н.Ю.Ящуклар бўлғуси ёшларнинг рақобатбардош бўлиб етишишига хизмат қилишга имкон яратувчи, шахсни акмеологик ривожлантириш жараёнида ижодкорлик, янгиликларни яратувчанлик элементларини ҳосил қилувчи инновацион ёндашувни;

В.Л.Зинченко, Е.Б.Моргуновлар шахсни акмеологик ривожлантириш асосида салбий одатларни нейтраллаштириш ва ижобийларни ривожлантириш қобилиятига эга бўлган, таълим-тарбия орқали камчиликларни бартараф этишига имкон берувчи акмеологик ёндашувни илмий тадқиқ этганлар.

Е.А.Климов, Н.В.Кузьминалар таълим муассасаларида шахсни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар ҳақида фикр юритганлар. Акмеология ва психологияда Susan Zaparzan, А.А.Деркачлар, педагогикада К.В.Петров, А.В.Петровскийлар томонидан шахс ривожланиши илмий йуналишда назарий жиҳатдан таҳлил этилган.

Касб-хунар коллежида таълим тарбия жараёнини ривожлантиришга оид И.И.Зокиров, Ш.М.Зуфаров, Г.У.Ибрагимова, У.И.Иноятов, Г.П.Исаева, Н.К.Камалова, Н.В.Курбет, Е.Г.Лопес, В.П.Медведев ва бошқаларнинг олиб борган илмий изланишларини қайд этиш мумкин. Ҳозиргача олиб борилган тадқиқотлар таълимда бир қатор муҳим масалаларни ечимини топган бўлсада, лекин бугунги кун замонавий технологиялар ва таълим тизимининг жамиятдаги ўзгаришлари, таълим сифатини юксак даражасини таъминлаш муаммоларига ечим бўла олмайди.

Таҳлил этилган илмий тадқиқотларда акмеологияни таълим жараёнида қўллаш, инновацион, рефлексив, парадигмал, тизимли, аксиологик каби

ёндашувлар асосида шахсни ривожлантиришнинг самарали йўлларидан фойдаланилган. Касбий таълимда акмеологияни тадқиқ этиш, акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиш тизимида интенсив касбий тайёргарликка йўналтирилган ўқув жараёнини такомиллаштириш, ўқитишда таълимнинг педагогик-психологик-акмеологик вазифалари интеграциясини таъминлаш асосида мунозарали акметехнология, ривожлантирувчи акметехнология, тренингли акметехнология ва ўйинли акметехнологияларни қўллаш, касб-хунар коллежи ўқувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашни ривожлантириш масалалари илмий-услубий тадқиқ этилмаган. Республикамиз касб-хунар коллежларидағи олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш масаласи ёритилмаган, касбий таълимда акмеологияни тадқиқ этиш методикаси яратилмаган.

Акмеология ўзида кенг объект-барча ёш даврларини қамраб олган шахснинг ривожланиш психологияси билан жипс боғланган ва жадал ривожланаётган шахснинг етук ривожланишининг юқори даражасини ўрганади. Акмеологиянинг технологик йуналиши нафақат унинг техник фанлар билан ўзаро алоқадорлигида, балки кибернетика, информатика, тизими техникаси ва бошқа амалий фанлар, амалда алгоритмик аниқ стандартли амалий билимларга ҳам асосланади. Инсон омилларини техникада (масалан, автоматлаштирилган одам-машина тизимли бошқарувда ва бошқалар) оптималлаштиришни эътиборга олади. Шунингдек, акмеологияга замонавий праксиологиянинг икки томонлама жараёнда таъсир этишини ҳам эътиборга олиш керак. Масалан, гуманитар фанларнинг технологиялашуви, яъни психотехника ва ўйинтехникалари, инноватика ва рефлексия сингари, шунингдек, техник фанларнинг инсонпарварлашуви (бионика, соционика, синергетика ва бошқаларнинг пайдо бўлиши), акмеология ва унга яқин фанлар томонидан ўрганиладиган барча маълумот шахснинг манбаатига, унинг ривожланиши ва муносабатларини ўйғуллаштиришга йўналгандир.

Акмеологияда синергетик ёндашувнинг қўлланиши ушбу саволларга жавоб беришга имкон беради: кишининг ўзини-ўзи тарбиялаши, фаоллашиш қандай боради, эътироф этилган юксакликка у қандай эриша олади ва моделини ясашга имкон яратади ва шу жараёнда мувафақиятга эришишига олиб келади. Демак, акмеология ёшларда билим чўққиларини эгаллашда, камол топишда, жамият ҳаётида ўз ижодларини намоён эта олишга шароит яратиб беради.

### **§.1.2. Педагогик категория сифатида акмеологиянинг моҳияти ва мантиқий жиҳатдан таҳлили**

Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан таълим муассасаларида, жумладан касб-хунар коллежларида ўқитиш сифати, замонавий ўкув услубларини жорий этиш каби масалаларни ечиш, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга этишига, фарзандларимизнинг ҳаётда нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишга боғлиқ ...”лиги, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарорида ҳам, касб-хунар таълими мазмуни ва сифатига, таълим муассасаларининг ўқувчилари ва битиравчиларининг малакасига қўйиладиган талаблар, ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишларининг устуворлиги, ўқув-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш белгиланган.

Ушбу масалалар ривожланган мамлакатларда ҳам асосий такомиллашув диққат марказида, жумладан: Америкалик психологлар Boele de Raad, Gregory K.Patton эрта ўсмирликда касбий ривожланиш шахс муаммолари ва замонавий психологик-акмеологик масалалар бўйича акмеологик илмий изланишлар олиб борилган, Wendell R. Gager, акмеологияда-шахс ривожланишини, Канадалик педагог-психолог олим K.Thomas шахсни педагогик-психологик акмеологик

ривожлантиришнинг самарали усуллари, Thomas Deißinger шахсни ривожлантиришда акмеологик тренинг технологияларининг аҳамияти, C.Peterson, Seligman M.E.F, G.E. Vaillant шахсият ва ижтимоий психология, Zullow H.H., Drapeau Patti таълим олувчиларнинг ижодкорлиги, Albert Bandura, Richard Walters шахсият ва ижтимоий психология таълим олувчиларнинг ижодкорлиги, ўсмир ва ўспириналар таълими ва оиласи муносабатларнинг таъсири, Ҳиндистонлик йирик олимлардан Khanna J.K. акмеологияни татбиқ этишда тадқиқотга йўналтирилган таълим назарий ва амалий асосланган, таълим олувчилар шахсини ривожлантиришнинг оптимал йўллари қизғин ўрганилаётганлигидан далолат беради.

Хорижий тадқиқотларда шахсни ривожлантириш, касбкорликка эришиш, касбий таълимда акмеологик ёндашувдан фойдаланиш каби муаммоларни аниқлаш имконини беради. Масалан: илмий педагогик ходимларни ўқитишида акмеологиянинг аҳамияти Абай номидаги Қозоқ миллий педагогика университетида, акмеологик таълим асосида мутахассисларнинг индивидуал компентентлигини шакллантириш; Українанинг Киев давлат университетида, касбий таълимда акмеологиянинг муаммолари; Россия давлат касбий-педагогика университетида, акмеологияда ўзини-ўзи ривожлантириш ва ўзини-ўзи бошқариш; Россия федерацияси Президенти ҳузуридаги давлат хизмати ва Россия халқ хўжалиги академиясида илмий муаммо сифатида ўрганилмоқда. Россия давлат таълим академиясига қарашли акмеология фанлари халқаро академиянинг акмеологик тадқиқотлар марказида ва унда ташкил этилган “Акмеология” илмий-амалий журналида акмеологиянинг назарий ва амалий масалалари атрофлича ёритилмоқда.

Дунёда бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашни ривожлантиришда акмеологик ёндашувдан кенгроқ фойдаланиш, касбий компетентликни ривожлантириш, касбий тайёргарликни модернизациялаш, касбий таълим шароитида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашнинг педагогик-психологик механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шахсий ўсишнинг акмеологик-психологик масалалари, касбий ривожланиш шартларининг илмий таҳлили Liverpool Hope University (Англия); инсоннинг акмеологик шахсий ривожланиш режалари Maastricht University Gollandiya (Нидерландия); болаларнинг эрта ўсмириқда касбий ривожланиши: жараёнлар, муаммолар, тадқиқот зарурияти йўналишида акмеологик илмий изланишлар Небраска университети тадқиқот марказида Susan M. Sheridan раҳбарлигига (Nebraska University, Lincoln City, Nebraska State USA); ўқувчиларда мулоқот компетентлигини кучайтиришнинг (педагогик, психологик, акмеологик) масалалари, Suriani Binti Mohd Kasim раҳбарлигидаги илмий тадқиқот (Mara Technology Universi, Малайзия) марказида; Belfield pedagogical university (Germaniya) Fatih Universiteti Istanbul (Туркия) каби илмий даргоҳларда шахсни ривожлантиришга оид муаммолар кенг миқёсда ўрганилмоқда.

Демак, ривожланган давлатларда ҳам таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш, мустақил фикрлаш, касбий вазифаларни бажара олиш, ҳосил бўлган муаммоларни ижодий ечиш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, демак таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш масаласи долзарбдир.

Акмеология-бу инсоннинг етуклик босқичидаги ривожланиши, айниқса, бу ривожланишининг энг юқори даражасига эришишдаги механизм ва қонуниятларни ўрганадиган табиий, ижтимоий, назарий ва гуманитар фанларнинг “туташган жойида” пайдо бўлган янги фан.

Акмеология грекча “акме”-чўққи, такомил, ниманингдир юқори босқичи, гуллаган давр маъноларини англатади. У илм фаннинг шундай тармоғики, инсонни ўз тараққиёт динамикасида, такомили ҳамда ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида инсоннинг энг қучли қобилиятларини намоён қилишнинг комплекс масалаларини ўрганади, яъни у шахсни ўз такомили жараёнида, ана шу тараққиёт ва юксалишнинг объектив ҳамда субъектив омиллари доирасида тадқиқ этади.

Акмеология фанининг асосий вазифаси онгли фаолият субъекти бўлмиш шахсни турли фаолият жараёнларида, хусусан, танлаган касби, ихтисослиги доирасида ўз ижодий салоҳиятини тўла очиш ва амалда намойиш этишига боғлиқ бўлган билимлар, амалий кўникмалар, малакалар, технологиялар билан таъминлашдир. Акмеологик ёндашув эса, бўлажак мутахассисларда касбий ижодкорликни шакллантиришнинг илмий асоси сифатида таълим муассасаларида мазкур жараён иштирокчиларининг, касбий фаолиятнинг етук шахси ва фаол субъектлари тарзида намоён бўлишларига асосланади ҳамда уларнинг субъект ва мутахассис сифатида босқичма-босқич, узлуксиз ўзини-ўзи такомиллаштириш учун шароит яратади.

Касб-хунар колледжида акмеологик ёндашувнинг зарурияти ўқув-тарбиявий ва бошқариш жараёнида жамият томонидан қўйилган заковатли фикрловчи, муваффақиятларга эришишга ҳаракат қилувчи, мустақил индивидуал ривожланиш йўлини режалаштирувчи, давлат, жамият ва иш берувчилар талабларига жавоб берувчи, ижодкор, мулоқотга киришувчан, кадрлар тайёрлаш талабини бажаришни амалга оширишда кўринади.

Таълимнинг янги парадигмаси: “Акмеология фани кенг доирада, объектив ва субъектив омиллар, яъни бир-бирига ўзаро таъсир этувчи, таъсирашув ёки ўзаро қарама-қаршиликларда унинг ривожланиши, шунингдек қонуниятлари ва механизmlар, “акме” атамаси билан аталувчи, инсоннинг ривожланишида унинг ўз юқори мэрраларни эгаллашига имкон берувчи ҳисобланади. Шунингдек, Л.В.Антропова, мактаб ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги бўйича акметехнологиялар, А.А.Бодалев, акмеология ва замонавий тарбия муаммолари, Н.В.Курбет, политехника коллежи ўқувчиларида касбий таълимни ривожлантириш омиллари ва акмеологик шароитлари масалалари бўйича илмий ишлар олиб борган.

В.Н.Максимова тадқиқот ишида педагогик акмеология аспектига асос солган ва “Акмеология: янги таълим сифати”; “Акмеология – инсон сифати ва ҳаёт сифати ҳақидаги фан; акмеологик таълим, ўз навбатида, таълим тизимида юқори сифатларга эришиш шарт-шароитлари ва таълим жараёни субъектлари

бўлган: таълим оловчи ва ўқитувчининг ривожланишини тадқиқ этади” деб кўрсатади. У замонавий мактаблар мисолида акмеологик ёндашувнинг таълим жараёни учун долзарблигини таълим сифати муаммоси сифатида тадқиқ этган.

Акмеологик ёндашув бўйича: А.М.Деркач касб-хунар таълимида акмеологик ёндашув, А.С.Глинский, акмеологик ёндашув ёрдамида ўкувчиларнинг билим олиш фаолиятини ривожлантириш, Л.Г.Грибенюк, гимназия таълимини лойиҳалашда акмеологик ёндашув, А.Т.Некрасова, акмеологик ёндашув касбий таълим сифатини оширишнинг асоси, В.О.Романова бўлғуси ўқитувчи-психологларнинг касбий дунёқарашини акмеологик ёндашув асосида шакллантириш, И.Н.Семенов, рефлексив-акмеологик ёндашув асосида узлуксиз таълимни инсонпарварлаштиришнинг методологик муаммолари, М.М.Шехтер, бўлғуси мутахассис-психологларнинг олий таълимда рақобатбардошлигини шакллантиришда акмеологик ёндашув каби масалалар юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Г.В.Миронова 15-20 ёшдаги илк ўспиринлик давридагилар шахсини акмеологик ривожлантириш, А.Г.Михайлов бўлғуси муҳандисларнинг касбий-креатив қобилиятини шакллантиришда акмеологик ёндашувни қўллашда дуал-амалий йўналтирилган ўқитиш, А.М.Леонтьев, акмеологик ёндашув-булғуси ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқитувчиси касбий тайёргарлиги сифатини ошириш сифатида мақсадли ўқув дастурлари, фаол ўқитиш методлар ёрдамида интегратив шахсий сифатларни шакллантириш ғоясини илгари сурган.

Таҳлил этилган илмий ишларда акмеологик шарт-шароитларда таълим оловчиларни назарий билим, амалий кўникма ва шахсий фазилатларини турли йўллар билан акмелогик билимлар асосида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, илмий изланишга йуналтириб ўқитиш, ўкувчиларда мотивацияларини ошириб бориш каби қўплаб услублар тадқиқ этилган, лекин акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиш тизимини ташкил этиш, ўкув-билиш фаолиятида акмеологик касбий йўналтириш усулларини ишлаб чиқиш, ўқитишда таълимнинг педагогик-психологик-акмеологик

вазифалари интеграциясини таъминлаш, таълим-тарбия жараёнида акмешахс мутахассисни шакллантириш масаласи ўрганилмаган.

Касб-хунар таълими ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялаш, уларни муваффақиятли ижтимоийлашувга тайёрлаш, танлаган касб йўналиши бўйича замон талабларига жавоб берадиган мутахассис қилиб етказиш борасида “Акмеология” қўйидаги тамойиллардан келиб чиқади:

Биринчидан, мамлакатимизда демократик ҳукукий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишда баркамол авлод тарбияси катта аҳамият касб этади. Келажагимиз пойдевори бўлган ёшларни тарбиялашда соғлом ижтимоий-ахлоқий муҳитни яратиш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклаш ва эъзозлаш, ахлоқан пок, интеллектуал етук, юксак малакали мутахассис, илғор фикрли, салоҳиятли, билимли, жаҳон стандартларига жавоб берадиган юксак ғояли кадрларни тайёрлаш ҳозирги пайтда устувор вазифалардан бўлмоғи лозим.

Иккинчидан, замонавий тафаккур ривожида акмешахс қиёфасига ахлоқий муносабат зарур. Зеро, юрт равнақи, миллат ривожи, барқарорлигини акмешахсларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, Ўзбекистонда баркамол авлод тарбиясида жисмоний, ақлий, маънавий каби уч асосий жиҳатга эътибор бериш ўта муҳим ва долзарб масала бўлиб, ижтимоий жараёнларнинг фаол кечишида муҳим омиллардан ҳисобланади, шахснинг интеллектуал бой, юксак маънавиятли акмешахс бўлиб етишиши “вақт ўзаги” элагидан ўтган маънавий меросга боғлиқлиги ёшлар онгига сингдириб борилиши лозим.

Учинчидан, Республикаизда янгиланиш ва тараққиёт жадал давом этаётган бир даврда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан бир қаторда ёшлар муаммосини республика олдидаги умумий вазифалардан айри ҳолда кўриб чиқиши мумкин эмас. Шу боис, ёшлар шахснинг шаклланиши, камол топиши муаммосини ўрганишда акмеологик билимлардан фойдаланиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Акмеология шахс ривожланишининг етукликка эришиш даражаси босқичларининг феноменологияси, қонуниятлари, механизмларини ўрганади.

Шахснинг индивидуал ривожланиш йўлини, юқори ривожланиш босқичини ва унга эришиш шартларини ўрганувчи фанлар йиғиндиси:

– феномен [грек тилидан, *phainomenes* – пайдо бўлиш, руй бериш, ҳодиса]; акмеологик феноменлар–бу, биринчидан, одамнинг индивид сифатида мураккаб организм эгаси бўлиб дунёга келиши, шунингдек, жамиятда эгаллаган фаолиятига кўра ўрни, роли, турмуши, ҳаёт тарзига кўра шахс сифатида намоён бўлиши, шахс мураккаб тирик организм эгаси эканлиги, шахснинг ҳар томонлама объектив реалликда шаклланиши; иккинчидан, инсоннинг турмуш тарзи, ҳаёт фаолияти, жамиятдаги ўрни, акмеологик ҳодисалар.

Кўплаб фанлар классификациясида, жумладан онтогенез фан тармоғида инсоннинг ривожланиши болалик, етуклиқ ва кексайиш даврларига бўлиб ўрганилади.

**Онтогенез-организмнинг юзага келгандан бошлаб то умрининг охиригача индивидуал ривожланиш йўлини ўрганувчи фан тармоғи.** У қўйидаги фан тармоқлари билан узвий боғлиқ:

– педология[ грек тилидан. *pais* (*paidos*) – болалар+ логия, болалар хақидаги фан] – психологик, биологик, социологик, педагогик концепциялар йиғиндиси бўлиб боланинг ривожланиши ўрганилади;

– геронтология [грек тилидан *gerontos* – кексалик+ логия, кексайиш хақидаги фан] – тиббий-биологик ва психологик фанлар бирлашмаси бўлиб, инсоннинг кексайиш ҳодисаларини ўрганади;

– акмеология[ грек тилидан, акме– юқори босқич– бирор нарсанинг юқори босқичи, шахс камолотининг энг юксак даражаси, логия-фан маъносида] – шахснинг юқори ривожланиш босқичларини ўрганувчи фандир.

Юонлар инсоннинг нимагаки қодир бўлса, қобилияти ва имконияти қирраларини кўрсатишга хизмат қиласиган барча етуклиқ белгилари намоён бўлган умрининг шу қисмини “Акме” деб атаганлар. Акме –юонча (“юксалиш”, “чўққи”) камолот, етуклиқ маъноларини англатади. X.Шайхова акмеология ҳақида шундай дейди: “Акмеология-замонавий янги фан, унинг

муҳим вазифаси муайян касбкорликнинг юксак поғонага қўтарилишидаги турли жиҳатларни ўрганишдир.

Акмеологиянинг асосий мазмун-моҳияти-инсоннинг ҳар бир касб-хунарни илм-билим орқали чуқур эгаллаши, унинг жамият ривожи, миллат равнақи, турмуш фаровонлиги ҳамда ижтимоий тараққиётнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-хуқуқий жиҳатларига ижобий таъсирини кучайтиришга хизмат қилишини чуқур англаши, ўз ижодий фаолиятини, касб-хунар соҳасидаги бурч ва маъсулиятини адo этишга сарфлаш мақсадида мукаммаллик ва камолотга эришиш жиҳатларини фанлар билан уйғунликда ўрганишдан иборат бўлиб, у инсоннинг ижтимоий-иктисодий, маънавий дунёсида юксакроқ чўққиларга, касбий камолотнинг мукаммаллик босқичига эришиш муаммоларини ўрганади.

Акмеологиянинг вазифалари:

1.Етуклика эришиш босқичида инсоннинг ривожланишини комплекс ўрганиш;

2.Инсонларда микро-, макро- акманинг, микро- макро- оптимумнинг вужудга келиши;

3.Мехнатнинг барча соҳаларида касбий моҳирликнинг вужудга келиши.

Ҳар бир инсонда ўзига хос етуклик ва ўзининг “акме”сига етиш вақти, унинг юқорилиги турлича бўлиб, уни қанча вақт давом этиши ҳам, ҳар бир инсонда ҳар хил бўлиши мумкин. Етуклика эришиш поғонаси қанчалик баланд, кўп қиррали, бой, ижтимоий улуғ ва новаторлик оригинал натижага эга бўлиши, унинг ҳаёт йўлига, яъни у ўз “акме”сига етиб келгунга қадар босиб ўтган ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий, ижтимоий-психологик каби етуклика қўтарилишда тушган ҳолатларига боғлиқ.

Шу билан бирга унинг “акме”сини миқдор ва сифат қўрсаткичлари, инсондаги дунёқараш, шаклланган умумий ва маҳсус интеллект, маънавият, мафкура, ғоя кабиларнинг, креатив қобилиятни ривожланганлиги билан аниқланади. Инсонлар фикрлари, қобилият, қўнишка ва малакалари билан бир-бирларидан тубдан фарқ қиласди. Шунга кўра уларнинг ҳосил бўлувчи ва баҳоланувчи “акме”си ҳам ҳар доим ҳар хил қўрсаткичларга эга бўлади.

Инсон касбни эгаллаш жараёнида акмеология илмий жиҳатдан уни етукликка эришишини таҳлил қилар экан, бунда албатта унинг касбни эгаллаши ва моҳирлик даражасига эришишини назарда тутади. Шу нуқтаи назардан, касб-хунар коллежи ўқувчисини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида акмеологик ёндашувни қўллаш асосида таълим ва тарбияни ташкил этиш уни маҳоратли касб эгаси даражасига эришиши йўлида илмий иш олиб бориш назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Акмеология ёш даврларининг турли босқичларида ижтимоий англаш, шахсий муваффакият, ижодий ютуқ каби кўринишдаги касбий фаолият маҳсулдорлигига эътибор қаратган ҳолда турмушдаги воқеа-ҳодисалар аспектини ўрганар экан, унинг вазифаси – ҳаёт фаолиятини касбий маҳоратини энг юқори даражагача ривожлантириш ва такомиллаштириш воситасини ишлаб чиқишидан иборат.

Ўсмирнинг бошқа ёш даврларидан фарқланадиган ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар ҳис-туйғу ва иродавий сифатларда ўз ифодасини топади. Ўсмир ҳаётни илк бор шахс сифатида фаол илмий билишда иштирок эта бошлайди, биринчи навбатда фақат нарса ва ходисаларнинг аломатларини эмас, балки уларнинг умумий ва объектив қонунларини англаб этиш, тушуниш имкониятига эга бўлиб боради.

Инсоннинг илк ўспиринлик даврида яхлит ривожланишнинг интеграл сифат кўрсаткичлари сифатида касб-хунар коллежининг битирувчисини онтогенез ва социогенез жараёнлари ўзаро таъсир шарт-шароитлари ижтимоий етукликка эришишига олиб келади.

Замонавий таълим муассасаси учун акмеологик ёндашув бугунги кунда келажакли ва истиқболли бўлиб, унинг моҳияти шундан иборатки, юқори мэрраларга эришишга таъсир этиш мумкин бўлиши учун субъектга комплекс текширув ўтказилиши ва яхлитлигини қайта тиклаши, етукликка эришишга ўтишда, унинг индивид, шахс ва субъект сифатида-фаолият характеристикаси барча ўзаро алоқадорликлар ва вужудга келтирувчи сабаблар билан биргалиқда ўрганилади .

Бу таълимдаги инновацион ёндашувлардан бири бўлиб, ўқувчи ўз, шахсий акмесини аниқлаб олиши учун унда ўша танлаган ихтисослигига нисбатан

кучли ундовчи мотивлар, ҳаётда эса муваффақиятларга эришиш мотиви ёки ютуқларга эришиш эҳтиёжи кучли ривожланади. Ўқувчини касбий фаолиятга тайёрлашда, ундаги шахсий сифатлар ва фазилатлари, унинг индивидуал қиёфасида намоён бўлади.

Касб-хунар коллежи ўқувчисини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш, миллий истиқлол ғояларида баркамол шахс, комил инсон ғояси етакчилари сифатида берилган экан, бунга ўқувчининг ўз имкониятларини ривожлантиришга ўзлигини англаш орқали, ҳар бир тараққиёт босқичида ўз “акме”си - баркамоллик маррасининг нималар ва қандай омиллар ҳисобига ривожланиш мумкинлигини аниқлашимиз лозим.

Касб-хунар коллежларида таълим-тарбия жараёнида акмеологик ёндашув асосида таълим сифатини ошириш, битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги даражаларини ошириш муаммосини ечишга қўшиш мумкин.

Акмеологик ёндашув касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг самарали касбий шаклланиши, уларда касбий фаолият ва ишлаб чиқаришга нисбатан ижодий муносабат ҳамда онгли ёндашувни қарор топтириш, уларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишишига ёрдам беради.

Акмеологик ёндашув - таълим мазмуни, таълим технологиялари ва ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш, таълим муассасасини бошқаришда функционалликдан ривожланишга ўтишига, таълимнинг барча субъектларида тизимлаштирилган билиш мотивлари, таълим олиш ички эҳтиёжга айланиши, ижодий тафаккурда асосий бошловчилик эвазига таълим сифатини салмоқли ошишига ҳисса қўшади.

Акмеологик мукаммаллик чўққисига интилиш бу-инсон ҳаётининг ажралмас хусусияти бўлиб, бу ибора орқали шахсий, касбий ривожланиш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга мойилликни англатади.

Касб-хунар таълимида акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари:

-касб-хунар коллежларида замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни шакллантиришда, ҳаётий талаблар даражаси, илмий

билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чукурлашиб бориши, мантикий фикрлаш каби талабларнинг қондирилишини;

-коллеж битиравчиларида касбий фаолият ва ишлаб чиқаришга нисбатан ижобий муносабат ҳамда онгли ёндашувни қарор топтиришда, касбий шакллантиришга эришиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишишини таъминлашни қамраб олади.

Акмеологик йўналтирилган таълим жараёнида назарий касбий билимлар, амалий касбий қўникмаларни ҳосил қилишда акметехнологиялардан унумли фойдаланилади, касбий креатив қобилият ва компетентлик шакллантирилади ва ривожлантирилади, ўқувчида касбий акме йўналганлик ҳосил қилинади. Бунинг натижасида касбий акмешахсни шакллантиришга эришилади (1.2.1-расм).

Касб-хунар коллежи ўқувчисининг касбий-шахсий ривожланиш жараёнини технологик таъминоти ва назарий-методологик жиҳатларини ишлаб чиқишини тақозо этади. Бу вазифани ҳал этилиши, касб-хунар коллежи ўқувчисини яхлит касбий фаолиятни эгаллаши, яъни унинг касбий харакатчанлик ва рақобатбардошлик асосида муваффақиятли ижтимоий-касбий йўналтириш омилини таъминлайди.



1.2.1.-расм.Ўқувчини касбий фаолиятга тайёрлаш

Акмеологиянинг асосий категорияларидан мукаммаллик, юксаклик, олий даража каби тушунчалар кундалик турмушда ишлатилиб келинган бўлсада, ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий нуқтаи назардан махсус илмий тадқиқот сифатида тўла ўрганилмаганлиги Г.Тиллаева томонидан эътироф этилади.

Ҳар бир таълим оловчи шахсида жамиятнинг долзарб муаммоларини, мақсад ва вазифаларини тасаввур қилиш, билим, кўникмаларни ривожлантириш ҳамда ўз фаолиятида акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш мумкин.

Акмеологик ёндашув тушунчаси кўп қиррали бўлиб, ҳар бир шахс фаолиятининг аниқ ҳолатларини кўриб чиқади ва шахс ривожланишини ёритиб беради. Шахснинг ўсмирлик ва ўспиринлик давридаги шаклланишини ҳар томонлама илмий тадқиқ этишда, акмеологик ёндашув шахсни акмеологик ривожлантириш муаммоларини комплекс ўрганишни таъминлайди.

Акмеологик ёндашувда субъектнинг ёш давлари босқичларида, унинг индивидли, шахсий ва субъектив-фаолиятли тавсифи биргаликда ўрганилади, субъектнинг яхлитлигини тиклаш, юқори даражага эришиши учун таъсир қилиш ва комплекс тадқиқот олиб боришни ўз ичига олади [88,95,156]. У таълим мазмунига, таълим технологияларига ва ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитишга, таълим муассасасини бошқаришда функционалликдан ривожланишга ўтиши, бунда таълимнинг барча субъектларида тизимлаштирилган билиш мотивлари, таълим олиш ички эҳтиёжга айланиши, ижодий тафаккурда асосий бошловчилиги эвазига таълим сифатини салмоқли ошишига ҳисса қўшади.

Э.Ф.Зеер шахснинг касбий ривожланишини қўйидаги босқичларга ажратган: касбий тайёргарлик, касбий мослашиш, касбга эга бўлиш ва маҳорат. Ҳар бир шахснинг тараққиёт давларига мос равишда ривожланиши унинг меҳнати маҳсулдорлигига эришишни таъминлайди, шахснинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлайди.

И.Ч.Лернер, В.А.Сластенин кабиларнинг илмий ишлари таҳлилидан қўйидаги хуносага келиш мумкин: таълим оловчиларни касбий фаолиятга

тайёрлашда, уларда касбий фикрлашни ривожлантириш, интеллектуал жараёнлар кечишининг хусусиятларини, ўқув жараёнининг кўп омиллигини ҳисобга олиш, таълимда ўқувчилар шахсини янада самарали ривожланишларига имкон берувчи шакл ва методларнинг қўлланилишига ёрдам беради ҳамда унинг касбий тайёргарлигининг зарурый шарти ҳисобланади.

Шунга кўра, касб-хунар таълимида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни ривожлантириш ишларини янги боскичга кўтариш, ўқитувчиларнинг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан юксалтириш, касб таълими мазмунини қайта куриб чиқиш, замон ва истиқбол талабларига уйғулаштириш, модернизациялаш зурурияти (ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Модернизация” тушунчасига - “замонавий талаб ва дидга мослаб ўзгартириш, замонавийлаштириш” - деб изоҳ берилган) келиб чиқади.

Бу ўқувчиларнинг ижодий салоҳияти намоён бўлиши ва фаоллашишига кўмаклашувчи, индивидуал истеъдодларни ва ҳар бир ўқувчининг қобилиятлари ҳамда хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда билимларни эгаллаб олиш жараёнида мустақил фаолият кўникмаларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш, ўқув жараёнига ўқитишнинг инновацион технологияларини, илғор услубларни кенг жорий этиш, таълим жараёнини муттасил ривожлантириб боришни талаб этади.

Акмеологияда инсоннинг онтологик ўзига хос хусусияти шундаки, унинг моҳирлик даражаси унинг биологик, ижтимоийлик, фаоллик ва руҳий ҳолати билан боғлиқ. Инсоннинг физиологик-психологик етуклиги, унинг ақли, сезги, иродаси, шахсий етуклиги, интеллекти билан боғлиқ, ҳамда субъект сифатида қобилиятлар ва юқоридаги қўрсаткичлар билан умумий алоқада бўлади. Уларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида инсоннинг ижодий фаолиятда индивид, шахс, субъект сифатида “акме” даражасига чиқиш вақти доимий равишда тўғри келмайди, баъзи ҳолларда нисбий мос келиши мумкин.

Шунинг учун акмеология етукликнинг барча босқичлариға эришишга объективлаштирган табиий ҳаёт тарзини ташкил этиш ҳамда оила, давлат, жамият, ўқув ва меҳнат жамоаларида макро-, мезо-, микроижтимоийлик натижалари ва механизмлариға босқичма-босқич ўтади. Шу сабабли акмеология нұқтаи назардан касб-хунар коллежи ўқувчисини ривожланиш жараёнини, етукликка эришишнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари, жамиятдаги кўп йўналишли фаоллиги, бутун ҳаёти давомида давом этадиган ўзаро боғлиқ бўлган, юқори касбий малакага эришиши лозим.

Акмеология – интегратив (инсонни ўрганувчи бир неча фанларни ўзаро боғланган, умумлаштирувчи) фан бўлиб, шахснинг психологик ва касбий етуклигини, инсоннинг ҳаётидаги ҳар бир ёш даврларида энг юксак даражага эришиши қонуниятларини ўрганади. У шахснинг акме даврида психик ривожланиш (акме -грек. тилидан-чуққи, энг юксак даража, яъни жисмоний, (интеллектуал) ақлий, ахлоқий даражаси), қонуниятларини тадқиқ этади, ҳамда инсонни ривожланиши, етукликка етишидаги пиллапоялари ва унинг энг юксак даражага эришиши, фаолиятнинг субъекти -шахс сифатида ўрганади.

Акмеология илмий нұқтаи назардан касбкорлик ва ижодкорлик муносабатида олиб қаралади. Бунда қуйидаги категориялар фарқланади:

- ижодий индивидуаллик;
- индивидуал ўсиш ва такомиллашиш жараёни;
- ўз имкониятларини амалга ошириш сифатидаги креативлик.

Ўқувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- интеллектуал-ижодий ташаббус;
- билимлар кенглиги ва чуқурлиги интеллектуал қобилияти;
- зиддиятларга нисбатан хушёрлик, ижодга танқидий ёндашув, вужудан яратувчиликка курашчанлик қобилияти;
- ахборотларга ташналик, муаммолардаги ғайри одатийликка ва янгиликка бўлган ҳис-туйғу, маҳоратли касб эгаси бўлишга, билишга бўлган чанқоқлик.

Ижодкорлик фан ва амалиётда маълум бўлмаган янги ғояларни ўқувчининг таҳлил қилиши, турли янги техник, ижодий ечимларни ўрганиши, ишлаб чиқиш, синаб кўриш ва таққослаш каби тадқиқотчилик тавсифидаги вазифаларни амалга оширишни ифодалайди.

Бу жараён ўқувчининг билим савиясини оширувчи ва мустаҳкамловчи, фаол ва мустақил фикрлаш хислатлари, маънавий-маърифий савиясига сезиларли ўсишига ва келажакда ҳақиқий ижодкор шахс, аkmешахс бўлиб этишишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Аkmешахс**-акмеологиянинг асосий предмети бўлиб, унинг мазмун-моҳияти-инсоннинг ҳар бир касб-хунарни илм-билим орқали чуқур эгаллаши, унинг жамият ривожи, миллат равнақи, турмуш фаровонлиги ҳамда ижтимоий тараққиётнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-ҳуқуқий жиҳатларига ижобий таъсирини кучайтиришга хизмат қилишини чуқур англаши, ўз ижодий фаолиятини, касб-хунар соҳасидаги бурч ва масъулиятини адо этишга сарфлаш мақсадида мукаммаллик ва камолотга эришиши жиҳатларини фанлар билан уйғунликда ўрганишдан иборат бўлиб, у инсоннинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий дунёсида юксакроқ чўққиларга, касбий камолотда мукаммаллик босқичига эришиш муаммоларини ўрганади.

Бу ерда ёшларни аkmешахс сифатида тарбиялаш, ўқувчиларнинг касб-хунарни чуқур эгаллаши, ҳар бирининг юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигига ўз ҳиссаларини кўшишлари лозимлигини чуқур англаши, касбий етукликнинг юқори даражасига, ижодий фаолиятда, ижтимоий-иқтисодий, маънавий дунёсида юксакроқ чўққиларга, касбий тайёргарликда мукаммалроқ босқичларга эришишини таълимда акмеологик ёндашув асосида таъминлаш мумкин.

Тадқиқотлар кадрларни тайёрлашда шахснинг қасбий шаклланишини ўрганишга қаратилган ёндашувларни бешта асосий йўналишга ажратиб кўрсатади:

1. Касб танлаш билан боғлиқ ёндашувлар. Мазкур ёндашув мактаб ва касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари таълимига оид бўлиб, уларнинг

турли касбларга бўлган қизиқишиларини ўрганиб чиқиш, шу қизиқишиларни ривожлантириш борасида ишларни қамраб олади.

2. Фаолиятли ёндашув асосида ўқувчининг бўлажак касбий фаолият шароитлари билан боғлиқ қобилиятларни шакллантириш муаммоси масаласи ўрганилади. Айнан шу касбни танлаш асосида муҳим касбий жиҳатларнинг шаклланишида ўқувчи шахсида юзага келган психологик ўзгаришлар даражаси аниқланади.

3. Компетент ёндашув касб таълимида кадрларни тайёрлашда асосий эътиборнинг тайёрланаётган кадрнинг сифатли мутахассис бўлиб етишишига қаратилиши билан ажралиб туради, бугунги кунда бу борадаги муаммолар ечимини ишлаб чиқиши алоҳида долзарблик касб этади. Касбий таълим мазмунининг такомиллашиб боришида таклиф этилаётган акмеологик ёндашув касб-хунар коллежи битиравчисининг касбий аҳамиятли сифатларини белгилаб беришга хизмат қиласди.

4. Акмеологик ёндашувда энг юқори касбий малакалар ва натижаларга эришиш муаммолари тадқиқ қилинади. Касб-хунар таълими жараёнида акмеологик ёндашувнинг моҳияти касбий мотивацияни кучайтириш, ижодий потенциални рағбатлантириш, касбий фаолиятда муваффақиятга эришиш учун шахсий имкониятларни аниқлаш ва унумли фойдаланишга интилиш билан билан белгиланади.

5. Комплекс ёндашув. Шахснинг комплекс шаклланиши ўрганилади – бир томондан, касб ва билим эгаллаш фаолиятига, иккинчи томондан, касбий таълим самарадорлигига таъсир этувчи фаолиятли ёндашиш, касб танлаш ва эгаллашга бўлган ёндашувда касбга қизиқтиришда ўқувчиларнинг қизиқиши ва эҳтиёжларидан келиб чиқиш зарурлиги эътироф этилади.

Акмеологик ёндашув асосидаги касбга йўналтирилган ўқитишида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш қўйидагилар асосида таъминланади:

а) ўқитишининг узлуксизлиги, фанларни ўзлаштириш самарадорлиги ошади;

б) ўқитишини жадаллаштириш бунинг натижасида ахборотнинг кўп қисми, индивидуал ва мустақил ишлаш пайтида, компьютер тармоқлари орқали ўзлаштирилади;

в) ўқиши мувофиқлаштириш, ўқувчи ўз қобилиятига кўра билим олиш имкониятига эга бўлади;

г) мутахассислик учун энг зарур бўлган билимларни чуқурлаштириб ўқитиши, ўкувчиларни иқтидорига қараб йўналтириш ва уни ривожлантириш мумкин бўлади.

Фикримизча, ўқувчини касбий фаолиятга тайёрлашда юқори мэрраларга эришишини таъминлашда акмеологик ёндашув асосида касбий йўналган ўқитиши тизимини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конунида “Ўқитишининг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш” ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида “Таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқувтарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш” белгиланган ва ҳозирда меҳнат бозорини шакллантириш босқичида мутахассисларнинг етуклиги аҳамияти ортиб бормоқда. Бунда мутахассислар фаолиятининг йўналишини кенгайтириш зарурати юзага келади, катта ахборот интеграциялашган билимлар ҳажмидан энг аҳамиятлisisини танлаш муҳим бўлиб, битирувчилар ундан турли касбий вазиятларда самарали фойлана олишлари учун уларнинг фаолиятларига оид билимлар ва усуллар тизими, шахсни ҳар томонлама шакллантирилиши лозим.

### **§.1.3. Касб-хунар коллежида акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик-психологик омиллари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017

йил 14 мартдаги қарорига мувофик, бугунги кунда касб-хунар колледжларидан қайтадан шакллантиришда замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни шакллантириш, ҳаётий талаблар даражаси, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чукурлашиб бориши, мантиқий фикрлаш каби талаблар қондирилишини акмеологик ёндашув асосида таъминлаш мумкин.

Касбий билимларни шакллантириш, касб фаолиятига тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини кенгроқ ўрганиш, касбий фаолиятга тайёрлашни, ўқувчининг имкониятларини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадлари, ўқув мазмунини танлаш ва тузишга ижодий ёндашувни талаб этади. Ушбу вазифани акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш орқали бажариш мумкин.

Акмеологик ёндашув:

- таълим олувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва сақлаш, касбни муваффақиятли эгаллашга эришиш, ижтимоий ва меҳнат фаолиятига тайёрланиш ривожи, таълим ва тарбия масалаларини муваффақиятли ҳал этиш;

- қайта фикрлаш, ижодий тафаккур қилиш, таълимнинг ички эҳтиёжга айланиши, барча субъектларда таълимнинг тизимлаштирилган билиш мотивлари бўлиши, касб-хунар колледжини функционалликдан ривожланишга ўтишида таълим сифатини ошириш имконини беради.

Инсоннинг шахс, индивид, фаолият субъекти сифатида шаклланишида муҳим ижобий ҳолатларни белгилаш мумкин:

-ёш авлоднинг жисмоний соғломлиги таъминланади;

-таълим орқали ҳар бир инсонга табиат, жамият, инсон ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳақидаги билимлар берилади, ушбу билимларни амалиётда бутун умри давомида қўллашнинг кўникма ва малакалари шакллантирилади;

-тарбия орқали ёшларда ўз-ўзига, жамиятга, ўз юрганишга, меҳнатга, бошқа инсонларга бўлган муносабатлари, миллий ғоя ва мафкура, ифтихор туйғулари, комил инсон сифати шакллантирилади.

Акмеологик ёндашув муаммоси бўйича Н.В.Кузьмина - таълим тизимини ўрганишга тизимли ёндашув, мураккаб турли билиш жараёнларида ёндашувлар интеграцияси; Б.Ананьев-инсонни индивид сифатида ўрганишда яхлит ёндашув масаласини тадқиқ этган.

Н.В.Кузьмина ва Б.Ананьевлар акмеологик ёндашувни касбий фаолият субъектига қўллаб, турли касб эгалари касбийлашув даражасига эришиш мумкинлиги, ёш даврлар аҳамиятга эга эканлиги ва инсон ўзини-ўзи ижодий ривожлантириши, ўзини-ўзи намоён қилиш ҳолатларини, аниқ ёш даврларида билимларга, фаолиятга тайёргарлик тизимини яратиш имконини беришига ишонч ҳосил қилишган.

Акмеологик ёндашувнинг аҳамияти шундаки, у шахсни индивидуал ўрганишга, инсонни фаолияти тавсифи билан биргаликда, ўзаро алоқадорликда, уни ривожланишида юқори даражаларга эришишига ёрдам беради.

В.Г.Зазикин касбий фаолиятга тайёрлашда-акмеологик ёндашувни акмеологик муаммоларни ечиш имконини берувчи усуслар, методлар, тамойиллар мажмуидан иборат деб қарайди.

Акмеологик ёндашув, эрта ўспиринлик даврида шахсни акмеологик ривожлантириш муаммоларини комплекс ўрганишни таъминловчи ёндашувлар мажмууда кўриб чиқади: муаммоли-интегратив (К.В.Петров), субъектли-фаолиятли ёндашув, субъект-субъектнинг ўзаро таъсири ва маҳсулдор мулокот (С.Л.Толстов); рақобатбардошли, муҳандис-психологик, рефлексив-қадриятли, ижтимоий-психологик, омилли, функционалли, қиёфавий, функционал-ролли, шахсий-фаолиятли (И.Л. Логова); рефлексли-акмеологик, қуидаги жиҳатларни ажратиб кўрсатувчи: ёш даврлари, таълимий, касбий, креативли, рефлексивли (И.Л.Семенов).

Акмеологик ёндашув доирасида асосан, М.М.Шехтер, А.Г.Михайлова, И.Н.Семенов томонидан педагогик, Г.Р.Сибигатулина томонидан давлат

хизматчилари, Н.Гришина, А.Ляшенко, Г.Флипповалар томонидан ижтимоий ходимлар, И.Базанов юристлар, А.Деркач, В.Григорьевлар бошқарув кадрлар соҳасида касбга муваффақиятли эришиш масаласини тадқиқ этган.

Касбий ривожланишнинг асосий жиҳатлари: О.В.Москаленко томонидан, касбий ўз-ўзини англаш; А.А.Степанова, М.А.Щукина томонидан касбий ўз-ўзини такомиллаштириш мазмуни ўрганилган.

Юқорида қайд этилган илмий изланиш йуналишларида, ўкув-касбга тайёргарлик фаолиятида шахсни акмеологик ривожлантириш бўйича асосан педагогик фаолият, педагог касбида шахс ривожлантирилишига оид илмий изланишлар олиб борилган. Бу илмий изланишларда ўкув-касбга тайёргарликни маҳсус шакллантириш фаолиятининг бошланғич синов ҳолати (15-16 ёш), ўзини-ўзи ривожлантириш фаолиятини йўлга қўйиш (17-18 ёш) ва касбий фаолиятни бошланғич старти (19-20 ёш) деб белгиланган.

Чет эл психологлари томонидан бир қатор пухта илмий-методологик негизга эга бўлган шахснинг ривожланиши назариялари ишлаб чиқилган:

Л.И.Божович шахс шаклланишини муайян давларга бўлишда мотивларга асосланади ўз ўрнини белгилаб олиш (топиш) даври - 15 ёшдан 17 ёшгacha деб белгилайди;

Д.Б.Эльконин шахс шаклланишида катта ўсмирлик ёки илк ўспиринлик ёш даври - 16 ёшдан то 17 ёшгacha; асосий фаолият - ўқиш-касб танлаш даври деб белгилаган;

А.А.Люблинская шахс тараққиётини муайян босқичларга ажратишда педагогик психология позициясидан турган ҳолда фаолият нуқтаи назардан унга ёндашади у юқори синф ўкувчиси даври - 15 ёшдан то 18 ёшгacha деб кўрсатган.

Таниқли психолог А.В.Петровский инсон тараққиётида шахсни таркиб топтиришнинг социал-психологик нуқтаи назардан ёндашиб, ўзига хос оригинал классификациясини яратди. Ушбу назария негизида болалик, ўсмирлик, ўспиринлик давларида юксалиш, етукликка интилиш ғояси ётади. Д.И.Фельдштейн бошқа тадқиқчилардан фарқли ўлароқ, ўсмирлик даврини уч

босқичга ажратади. Унинг мулоҳазасига кўра, биринчи босқич (10-11 ёш) ўзига муносабатни қашф қилишдан иборат бўлиб, ўзини шахс сифатида ҳис қилиш ва қатъий қарорга келиш билан якунланади. Иккинчи босқич 12-13 ёшдаги ўсмирларни ўз ичига олиб, бир томондан, ўзини шахс сифатида тан олиш, иккинчи томондан, ўзига салбий муносабатда бўлиш хусусиятига эга. Учинчи босқич 14-15 ёшли катта ёшдаги катта ўсмирлардан иборат бўлиб, тезкорликда ўзини-ўзи баҳолашга мойил муносабати билан тавсифланади. Д.И.Фельдштейннинг шахс ривожланиши назарияси онтогенезда юз берадиган барча психологик ҳолат ва фазилатни изоҳлаб бериш имкониятига эга эмас. Лекин у таълим-тарбия сифатини оширишга ва такомиллаштириш жараёни (фаолияти) га ижобий таъсир ўтказиш хусусияти билан амалий аҳамият касб этади.

И.В.Дубровина, шунингдек Э.Фозиев томонидан ўсмирлик ва ўспиринлик даврида шахс ривожланиши, ўсмирлар муаммосига эътиборни кучайтириш зарурлигининг асосий сабаблари қуидагилар деб кўрсатилган:

- 1.Фан ва техника ривожланиши натижасида маданият, санъат ва адабиёт, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгараётгани;
- 2.Оммавий ахборот кўламининг кенгайиши туфайли ўсмирлар онглилиги даражасининг кўтарилганлиги;
- 3.Ўғил ва қизларнинг дунё воқеаларидан, табиат ва жамият қонунларидан, тарихдан етарли даражада хабардорлиги;
- 4.Уларнинг жисмоний ва ақлий камолоти жадаллашгани;
- 5.Ошкоралик, ижтимоийadolat, демократия муаммоларининг ижтимоий ҳаётга кириб бораётгани.

Ушбу ёш даврларида шахсни акмеологик ривожлантириш механизмлари унинг шахсий психологик ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини шаклланиши билан боғлиқ. Бунда шахснинг акмеологик ривожланиши турли ва ҳар хил тезлиқдаги ривожланиш компонентларига эга бўлиши мумкинлиги эътиборга олинади.

Акмеологик ёндашувда мутахассиснинг имкониятларини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадлари ўқув мазмунини танлаш ва

тузишга ижодий ёндашувни талаб этади. Унда фақат маълум ахборотлар ва далилларни ўзлаштириш, қонун-қоидаларни ёд олиш, амалий масалалар ва муаммоларни ҳал этиш уқувларини ўргатиш эмас, балки энг аввало бўлажак касбий маҳорат фаолиятининг унинг қонуниятлари, муаммолари, ўзаро алоқалари ва ривожланиши истиқболлари билан биргаликдаги тарбиявий жиҳатларини амалга ошириш даражасига мансуб бўлган хусусиятлар ажралиб турган жараён устун бўлади.

Акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиш тизимида интенсив касбий тайёргарликни амалга ошириш, касб-хунар коллежи ўкувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш масаласи, таълим ва тарбия узвийлигида амалга оширилади. Таълим жараёни ўз мазмун-моҳиятига кўра бўлажак мутахассис учун касбий фаолиятни муваффақиятли амалга оширишда зарур бўлган билим, қўникма ва малакаларни эгаллаш ҳамда ўз-ўзини касбий ва шахсий шакллантириш даври ҳисобланади. Касбий таълимнинг мазкур даврида бўлажак мутахассис касбий, интеллектуал, ижодий ва инновацион шаклланиш босқичларида фаол субъект сифатида иштирок этади.

Касбий таълим жараёни бўлажак мутахассисда касбий ва шахсий тайёргарликни шакллантириш, уни меҳнатга, мустақил ҳаётга тайёрлаш жараёни бўлиб, унда қуидаги шахсий фазилатлар, яъни унинг иймон – эътиқоди, дунёқарashi, билими, ижтимоий эҳтиёжи ва фаоллиги, юксак маданияти, одоб – ахлоқи, фуқаролик бурчларини ҳис қилиши, маънавияти, талабчанлиги, масъулиятилиги мақсадга интилиши, инсонпарварлиги, дунёқарashi, ҳукуқий ва иқтисодий билимдонлиги ва бошқалар шаклланиши лозим. Бу ўкувчига шахсий ва касбий хусусиятларни ўзида тарбиялаб боришга кўмаклашади.

Касб-хунар коллежида ўқитишнинг дастлабки даврида ўкувчилар содда бошланғич қўникмаларни эгаллайди, меҳнат ҳаракатларини номукаммал, секин бажаради, ҳар бир ҳаракатни онгли равишда кузатиб назорат қилиб боради. Дастлабки кўринишдаги қўникма ҳаракатни мақсадли равишда тақрорлаши натижасида малакага ўта боради, бунда бир шароитнинг ўзида ўша ҳаракатлар

енгил ва осон, бажарилишини онгли назорат қилмасдан, худди автоматик ҳаракатлардек бажарилади.

Малака шакллантирилган қўникманинг машқлар давомида ҳосил бўлган автоматлашган компонентидир. Ҳар бир янги қўникма ҳар доим ҳам анализ ва синтез натижаси, илгари маълум бўлган билимларга янгиларни қўшилишидир, малака эса бир ҳаракатнинг ўзини кўп марталаб тақрорлаш натижасидир.

Касб-хунар коллежи ўқувчисини муайян мутахассислик йуналиши бўйича етарли билим, қўникма ва малакага эга бўлиши, унинг касбий компетентлигини белгилайди. Компетентлик - шахснинг ўзлаштирган муайян билим, қўникма ва тажрибасини ижтимоий-касбий соҳадаги аниқ вазиятлардаги муаммо ва вазифаларни ечишга қодирлик даражаси, яроқлилиги.

Касб-хунар таълимида акмеологик ёндашувни жорий этишнинг педагогик шарт-шароитларидан бири - компетентлик ҳисобланади. “Компетентлик” сўзи (унинг илдизлари лотинча competens - яъни мос келувчи, қобилиятли) ўз семантикасида икки хил маънога эга:

- 1) чуқур билимга эгалик, пухта биладиган;
- 2) компетент, маълум соҳадаги янгиликлардан хабардорлик.

Педагогикада компетент сўзи (лотинча competere - эришиш, мос келиш, тўғри келиш) мазкур шахс эга бўлган билимлар, тажриба масалалари доираси сифатида аниқланади ва лавозим йўриқномаларида ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланади. Педагогик луғатда «компетентлик» - шахснинг маълумоти даражаси бўлиб, у билишга оид ёки амалий фаолиятнинг назарий воситаларини эгаллаш даражаси билан белгиланади. М.А.Белякова ўз тадқиқотларида ҳозирги вақтда ёш мутахассисларнинг ишга жойлашишига таъсир этувчи энг жиддий омиллар сифатида уларнинг мустақиллиги, ташаббускорлиги, коммуникабеллиги, ишга жойлашишига интилиш ва бошқа шу каби касбий компетентлик ва шахсий сифатлар иштирок этишига далиллар келтиради.

Н.А.Муслимов, компетент шахснинг маълум предметлар ва жараёнлар доирасига нисбатан берилувчи ва уларга нисбатан сифатли, маҳсулдор фаолият

учун зарур. Ўзаро боғлиқ сифатлари йиғиндисини (билимлар, кўникмалар, малакалар, фаолият усулларини) ўз ичига қамраб олади, деб фикр юритган.

А.М.Новиков "Компетентлик" тушунчасини "Касб маҳорати" тушунчасининг муқобили сифатида қараб чиқади. С.Е.Шилов компетентликни мутахассиснинг касбий фаолиятида ўз билимларини сафарбар қилишнинг умумий қобилияти сифатида таърифлайди.

Л.А.Степнова аутопсихологик компетентлик психологик механизмлардан фойдаланган ҳолда ички чеклашни бузиш, муайян салбий чеклашлар ва хусусиятлардан қисман ёки бутунлай халос бўлиш ҳисобига пайдо бўлишини тушуниради. Аутопсихологик компетентлик қуидагиларга йўналтирилган кўникмаларда ҳосил бўлади:

- ўзини-ўзи ташхислаш (ўзини-ўзи таҳлил қилишнинг мажмуавий кўникмалари, ўзини-ўзии баҳолаш, ўзини-ўзи англаши, ўз фикрига эга бўлиш, ўзини-ўзи бошқариши);

-ўзини-ўзи камчиликларини бартараф қилиш, тузатиш, коррекциялаш (салбий одатлардан халос бўлиш, стресслардан чиқа олиш, шахсий муаммоларни ечиш техникасига эга бўлиш);

-ўзини-ўзи ривожлантириш (шахсий хусусиятларни ўзгартириш техникасига эга бўлиш, ўзини-ўзи дастурлаштириш);

-ўзини-ўзи мотивлаштириш (ютуқлар образларини қабул қилиш ва шакллантириш, мақсадларни қўйиш, хусусий ресурсларни мустаҳкамлаш) Аутопсихологик компетентлик нуқтаи назаридан креатив қобилияtlарни қуидаги гурухларга тасниф этиш мумкин:

1.аутокогнитив қобилияtlар: "Мен" концепцияси кўринишида ўзи ҳақида янги турдаги билимлар (автобилимлар)ни шакллантириш ва ривожлантириш, рефлексия, идентификация, интериоризацияга, ўзининг қарашлари, эътиқоди ва установкаларини ўзгартиришга қобилиятлилик.

2. шахснинг типологик автопсихологик ўзига хосликлари, ўзини-ўзи ривожлантиришнинг юқори имконияти билан боғлиқ, ўзини-ўзи

такомиллаштириш, шахс ўзини-ўзи ривожлантиришининг чекланганлиги билан боғлиқликда етуклика эришишдаги камчиликлар.

3.ўзини-ўзи намоён этувчи шахсда креатив мақомнинг мавжудлиги, ўзига, ҳаётга ижодий муносабатнинг мавжудлиги, ўзига-ўзи йуналганликнинг юқори даражада ривожланганлиги, ўзига ва уни ўраб турган атроф-муҳитга ишонч, ўз хоҳиш-истаклари ва эҳтиёжларини тўлиқ тушуниб этиш.

Демак, касб-хунар коллежи ўқувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг физиологик, ақлий ва психологик жиҳатларини индивидуал ўрганган ҳолда, аутопсихологик ва касбий компетентликни шакллантиришни ривожлантириш мумкин.

Таълим жараёнининг асосий вазифаси янги илмий ҳақиқатларни кашф этиш бўлиб, бу ҳақиқатлар ижодий ўзлаштириш орқали юз беради, билимлар идрок этиш йўли билан эгалланади. У.Нишоналиев, “Таълим жараёнини уч киррали деб қараш мумкин. Биринчи қирраси билим, иқтидор ва кўникмаларни малакага айлантириш жараёни, иккинчи қирраси шахсий сифатларни тарбиялаш ва учинчи қирраси шаклланган хислатларни ривожлантиришдан иборат”, деб кўрсатган. Бу уч вазифанинг муштараклиги таълимнинг ҳар хил воситалари, шакллари, методларини уйғунлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Бундай акмеологик ёндашув ҳар бир ўқувчи шахсини индивидуал ривожлантириш, инсон ва жамиятнинг таълимга бўлган хилма-хил эҳтиёжларини қондиришга қаратилган кенг имкониятларни таъминлайди.

Акмеологик ёндашув асосида касбга йўналтирилган ўқитиши, ўз навбатида колледж ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини шакллантириш жараёни ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги интерактив ҳамкорликни ва мустақил – ижодий муносабатларни, касбий таълим мазмуни, баркамол шахс тарбияси ва унинг ижтимоий аспектлари асосида модернизациялашни, инновацион таълимни талаб этади.

“Инновация“ сўзи лотин тилидан олинган бўлиб “янгиланиш, янгилик ёки ўзгариш“ деган маънони англатади. В.А.Сластенин, “Педагогик жараёнда

инновация таълим-тарбияда янги мақсад, мазмун, метод, шакл ва усулларнинг киритилиши, ўқитувчи ва таълим олувчилар ҳамкорлигига ташкил этилади”. Педагогик инновация – педагогик фаолиятга янгилик киритиш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида, таълим мазмуни ва ўқитиш технологиясининг ўзгаришидир. Инновацион таълим:

- таълим соҳасига киритилган ва киритилаётган янгиликлар;
- янгиланган, янги технологиялар асосида ташкил этилган жараёндир.



1.3.1-расм. Касбий тайёргарликда инновацион- акмеологик муҳит тузилмаси

Таълим муассасасида инновацион таълимни жорий этиш, педагогик янгиликларнинг вужудга келиши, уларнинг жадал ўзгаририлиши ва амалиётга тадбиқ қилиниши учун инновацион мухит вужудга келиши керак. Акмеологик ёндашув таълимдаги янги инновацион ёндашувлардан биридир, у бир неча тузилмавий йўналишлардан таркиб топган (1.3.1-расм).

В.А.Сластенин акмеологиянинг юксак профессионализмга, мутахассиснинг узоқ ижодий умр кўришига олиб келадиган субъектив ва объектив омилларини асослаб берган. Объектив омилларга олинган таълимнинг сифатини, субъектив омилларга эса инсоннинг истеъдоди ва қобилиятини, ишлаб чиқариш вазифаларини самарали ҳал қила олишидаги маъсулиятини киритган.

И.Н.Семенов интеллектуал ва шахсий рефлексияларни, В.В.Давидов ўз тадқиқотларида формал ва мазмун рефлексияни асослаб берган. И.С.Ладенко аналитик ва синтетик рефлексияни фарқлайди. Рефлексия шахснинг хаёт йўлини, унинг ҳаётий фаолиятини қуришнинг мухим воситаси ҳисобланади. Рефлексия ўзини англаш жараёни бўлиб, ўзини-ўзи тарбиялаш асосида ётади. Чунки, у инсон билимининг ўзига, ўзининг ички дунёсига, руҳий сифати ва ҳолатига қаратилганлигини таъминлади.

Албатта, замонавий касбий таълим булғуси мутахассисларни тайёрлашда юқори сифат, уларнинг, мустақил ҳаётий ва шахсий муаммоларни еча олиш қобилияtlарини ривожлантиришга шарт-шароит яратишга йуналтирилган бўлишида педагог кадрларнинг юқори салоҳияти ва интеллекти мухим аҳамиятга эга. А.В.Мудрик, В.А.Сластенин, Н.Ф.Тализина ва бошқалар касбий индивидуал ижодкорликни ривожлантиришда ўқувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш имкониятига эга бўлишлари мумкинлигини қайд этадилар. Ушбу муаммо акмеология предметига тегишли бўлиб, энг мухим вазифа булғуси мутахассисларнинг потенциал имкониятларини ва фаоллигини ривожлантириш, уларнинг касб фаолиятида юқори даражаларга эришишига ҳаракат қилиш йуллари ва усулларини қидириб топишдан иборат.

Касб-хунар таълимини ривожлантириш ушбу жараённинг асосий иштирокчилари бўлган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дунёкараши ва тафаккуридаги ўзгаришларга, уларнинг компетентлигига бевосита боғлиқ. Ҳар бир ўқувчида юқорида таъкидланганидек, ўз шахсий акмесини аниқлаб олиши учун унда ўша танлаган ихтисослигига нисбатан кучли ундовчи мотивлар, ҳаётда эса муваффақиятларга эришиш мотиви ёки ютуқларга эришиш эҳтиёжи кучли ривожланган бўлиши керак.

Таълим жараёнида акмеологик ёндашувни қўллашда бўлажак мутахассисларнинг ижодий имкониятларини фаоллаштиришга таъсир кўрсатиш, уларда касбий мотивацияни ва фаолият жараёнида ютуқларга эришиш мотивациясини ривожлантириш, касбий тайёргарлик сифатини таъминлаш, ҳаётий ва шахсий муаммоларни мустақил ҳал эта олиш қобилиятини ривожлантириш учун таълим муассасасида муайян ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар яратиш мухим.

Касб-хунар таълимида акмеологик ёндашув булғуси мутахассисларда касбий мотивацияни кучайтириш, уларнинг ижодий потенциалини рағбатлантириш, касбий фаолиятда муваффақиятларга эришиш учун акмеологик йўналганликни шакллантириш орқали шахс ресурсларидан маҳсулдор фойдаланишни таъминлайди.

Акмеологик ёндашув коллеж ўқувчиларининг илк ўспириинлик даврида яхлит ривожланишнинг интеграл сифат кўрсаткичлари сифатида онтогенез ва социогенез жараёнларида ўзаро таъсир шарт-шароитлари ижтимоий етукликка эришишига олиб келади.

Касб-хунар таълимида акмеологик ёндашув:

- таълим олувчиларнинг касбни муваффақиятли эгаллашга эришиши, ижтимоий ва меҳнат фаолиятига тайёрланиш ривожи, таълим ва тарбия масалаларини муваффақиятли ҳал этиш;
- мустақил фикрлаш, ижодий тафаккур қилиш, таълим ички эҳтиёжга айланиши, барча субъектларда таълимнинг тизимлаштирилган билиш

мотивлари бўлиши, касб-хунар коллежини функционалликдан ривожланишга ўтиши, таълим сифатини ошириш;

-касб-хунар таълимида акмеологик ёндашувни самарали амалга ошириш, таълим жараёни иштирокчиларидан барча жараёнларни ўзаро алоқадорликда кўриб чиқиш;

-муаммоларни кўриш ва уларни ўз вақтида ечиш, касбий мотивация, интеллект, хиссий, иродавий ва амалий доимий ўзини-ўзи такомиллаштириш имконини беради.

Акмеологик ёндашув ҳозирги вақтда ўқув муассасаси учун энг истиқболли ҳисобланади. Уни қўлланилиши таълим муассасасини функционалликдан ривожланувчи режимга ўтишга олиб келади, бунда таълим сифати ҳам ошади.

Ўзбекистонда акмеологик ёндашув асосида таълим сифатини ошириш масаласи Б.Маъмурор томонидан, олий таълимда бўлажак ўқитувчиларни ижодий характердаги касбий фаолиятга тайёрлашга оид замонаий ёндашувлар ва хорижий тажрибалар ҳамда улардан фойдаланишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган, бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш ва унинг сифатларини аниқлаш усуллари танланган, акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш тизими модернизациялаштирилган. Ушбу тадқиқотнинг илмий янгилиги, унда акмеологик ёндашувга таянган ҳолда, бўлажак ўқитувчиларни ўқув жараёнини лойиҳалашга оид педагогик фаолиятга тайёрлашнинг таркибий қисмлари, касбий амалий вазифаларни ҳал этишга имкон берувчи фикрий вазиятни ташкил этиш такомиллаштирилган. Олий педагогик таълим жараёнида акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни ўқув жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини шакллантириш сингари, касб-хунар таълимида ҳам акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, замонавий ёндашувлар ва хорижий тажрибалардан фойдаланишгаа оид илмий тавсиялар

ишлиб чиқиш, кадрлар тайёрлаш жараёнини модернизациялаш масаласи ўрганилмаган.

Модернизация жараёнини амалга ошириш учун лозим бўлган вазифалар:

1. Янги авлоднинг эҳтиёжлари, қизиқишилари, имкониятларини ўрганиб бориши;
2. Таълим ва ишлиб чиқариш интеграцияси;
3. Таълим самарадорлигини кафолатловчи ёндашувларни жорий этиш.

Демак, таълим самарадорлигига хизмат қилувчи акмеологик ёндашув орқали, касб-хунар коллежи ўқувчиларининг касбий йуналтирилганлиги, касбий мойиллиги, касбий компетентлик даражаси, касбий шаклланишида уларнинг ижтимоийлашувига алоҳида эътибор қаратиш, жамиятнинг мутахассисларга қўядиган талабларини ҳал этишдаги асосий вазифаларни ҳал этишда қўйилган ижобий қадам сифатида баҳоланади. Чунки ўқувчининг ижтимоийлашуви оқибатида унда фаол турмуш тарзи шаклланиши, мотивацион ижобий ижтимоий муносабатлар субъектига айланиши, индивидуал фаолияти билан ижтимоий ҳаёт соҳаларини уйғунлаштириш ҳамда улар асосида ўзида хиссий, иродавий, руҳий қониқишига эришилади.

Таълим-тарбияга инновацион ёндошиш воситаси ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбиянинг бирлиги бўлиб, унинг натижаси бир мақсадга қаратилган тарбиявий ишлар маҳсули – касб-хунар коллежи битирувчиларини жамиятга муваффақиятли мослашувига олиб келади. Бунда акмеологик ёндашув:

- илк ўспиринлик давридаги коллеж ўқувчисининг борлиқ билан муносабати ва яхлит феномен сифатида ҳаққоний алоқаларини ўрганиш;
- ҳар бир ўқувчини ҳаётда юқори мэрраларга эришишини мўлжаллашда, шахснинг ўзини шахсий сифатларни такомиллаштиришга, муваффақиятга, маданий ривожланиш етуклигига ва ўзини-ўзи такомиллаштириш жараёнидаги сифатлар, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзини-ўзи англаш асосида маънавий-ахлоқий сифатларга эришишга интилиш;

- яратувчилик, ижодкорлик фаолиятини ташкил этишда, қизиқарли ва маҳсулдор, ҳар бир ўқувчининг қобилиятини очиб берувчи ва унинг муваффақиятларини таъминловчи, ижтимоий тан олиниш, ўз етуклигини ҳис этиш, ижодий гурӯхларда коммуникатив ҳамкорлик қила олишни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда энг долзарб педагогик муаммолардан бири-бу бўлажак мутахассисларда касбий билим ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш қобилияти ва эҳтиёжини шакллантиришидир. Бусиз улар касбий маҳоратнинг юқори чўққиларини эгаллай олмайди. Ушбу масалаларни мақсадли ва мажмуавий ечишга имкон берувчи энг самарали замонавий ёндашувлардан бири акмеологик ёндашувдир.

Акмеологиядаги мавжуд усуслар:

-Ёшлилар ўзларининг креатив қобилиятини қонуний меъёр орқали бошқара олиши ва бу жараёндаги фаолиятини юқори чўққига кўтариши.

-Шахс эстетикаси ва интеллектининг юқори босқичга этишдаги объектив ва субъектив бирликлардаги ва зиддиятли таъсир омиллари.

-Ўзини-ўзи ўқитиш, ўзини-ўзи ташкиллаштириш ва бошқариш кабилардир.

Умуман олганда, қонуний меъёрлар асосида ўзини-ўзи йўлга солиш ва қайта тиклаш, ташқаридан касби ва жамиятдаги илмий ютуқларида, маданиятда, техникада ва ички руҳиятини, ўзининг қизиқиши, эҳтиёжи ва қобилиятини англаш, ўз ютуқларини, камчилигини ўз фаолиятида кўра олишдир.

Акмеологик ёндашув ҳар бир шахс фаолиятининг аниқ ҳолатларини кўриб чиқади ва шахс ривожланишини, унинг ўсмирлик ва ўспиринлик давридаги шаклланишини ҳар томонлама илмий тадқиқ этишда акмеологик ривожлантириш муаммоларини комплекс ўрганади.

Фикримизча, касб-хунар коллекции ўқувчиларида ўзини-ўзи англаш элементи сифатида рефлексия қўйидагиларни таъминлайди: ўзини касбий фаолиятнинг субъекти сифатида англаш, касб соҳасида бажарадиган иш учун

ўзининг масъулиятини, фаолиятнинг бажарилиш мақсадлари, воситалари, шартлари ва натижаларини, фаолиятни бажаришда ўзининг индивидуаллигини, касб эгаси сифатида касбий муҳим сифатларнинг шаклланганлик даражасини англаш ҳамда ўзини – ўзи англаш орқали ўтган, ҳозир ва келажак ўртасидаги алоқа амалга оширилади.

Акмеологик усуллар мажмуи акмеологик технологияларда мужассам бўлиб, касбий конпетенция, касбий креатив қобилият, касбий акмейўналганликни шакллантириш ва бойитиш, касбий билим, кўникма, малакаларни шакллантириш ва мунтазам ривожлантириш, маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини акмеологик ёндашув асосида ташкил этиш каби имкониятларни таъминлайди.

Акмеологик технологиялар инсоннинг ички потенциалини ривожлантиришга, касбийлашув даражасини ва мослашувчанлик имкониятини кўтаришга йуналтирилган. Улар акмеологик асосни ўз ичига олади, табиий илмий фанлар ва гуманитар билимлар мажмуига киради. Акмеологик технологиянинг ўзига хослиги шундан иборатки, уни ишлаб чиқиш ва қўллаш, субъектнинг ички установкасига қаратилган.

Акмеологик технологияларнинг асосий вазифаси – инсонда ўзини-ўзи тушуниш, ўзини-ўзи ривожлантириш ва намоён этишни маҳсус усуллар ва техникалар шахсий ўзини-ўзи фаоллаштириш ва мен касбийлашуви имкониятлари орқали шакллантириш ва мустаҳкамлашдир.

Касб-хунар колледжида қўлланиладиган акмеологик технологияларнинг асосий вазифаси – шахсий ва касбий ўзини-ўзи фаоллаштириш техникаси ва ўзини-ўзи англаш, ривожлантириш, намойиш этиш, ривожлантиришни шакллантиришдир.

Г.Сибигатуллина томонидан касбий мустақилликни такомиллаштириш тизимида акмеологик технологияни ривожлантириш масаласи; А.А.Степанова эса, акмеологик технология ишлаб чиқаришда илмий заҳирани шакллантириш базаси воситаси сифатида ўрганганди. Буларнинг барчаси касбий тайёргарликни

такомиллаштириш асосида касбга тайёргарлик даражасини, булғуси мутахассисларнинг шахсий-касбий компетентлигини оширишни белгилайди.

Акмеологик технологиянинг мақсади шахсни мавжуд ҳолатдан сифат ва ривожланиш даражасига ўтиши (унинг касбга тайёргарлиги) тавсифларини келгуси идеал ҳолатга ривожлантиришдан иборат. Бундай технологиялар: ўзаро алоқадор элементлар тизими; бошқа тизимлар билан ўзаро таъсири, аниқ яхлитлиги ва бирлиги; мақсад, вазифа, алгоритм, функциялашув, натижалардан ташкил топган.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг мутахассислик йуналиши, билим, кўникма, малака, муносабат, мотивация тизимига кирувчи касбий компетентлигини ривожлантиришга мўлжалланган акмеологик технологияларни қўйидагича классификациялаш-таснифлаш мумкин:

1.Ривожлантирувчи акметехнологиялар - ўзини-ўзи англаш технологияси; ўзини-ўзи ривожлантириш технологияси; ўзини-ўзи намоён этиш технологияси; ўзини-ўзи дастурлаштириш; ўзини-ўзи бошқариш; ўзини-ўзи тасдиқлаш; ўзини-ўзи намойиш этиш;

2.Психотехнология-мотивацион, когнитив, эмоционал, маънавий соҳани ривожлантириш;

3.Ижтимоий-перцептивли, ташкилий-коммуникативли, когнитивли, рефлексивли, комплексли;

4.Педагогик-коррекцион-ривожлантирувчи технология (бу акмеологик технология- шахс резервларини тиклаш, тўлиқ ривожланиш жараёнида касбий фаолият муҳитига муваффақиятли мослашишга, муаммони комплекс ҳал қилишга мўлжалланган);

5.Хусусий таркиб, экстремал ҳолатларда шахсий вақтни бошқариш технологияси;

6.Шахсий меҳнатда ихтирочилик технологияси (тадқиқотчилик, мустақил изланиш, моделлаштириш, конструкциялаш);

7.Инсонпарварлик технологиялари;

8.Шакллантирувчи акметехнологиялар (мезонлар тизимини шакллантириш ва акмеологик баҳолаш асосида танлаш; психологик-акмеологик ва касбий диагностика; касбийлашув мониторинги);

9.Ўйинли акметехнологиялар (иш ўйинлари, ташкилий ўйинлар, блиц-ўйинлар, ташкилий-коммуникатив ўйинлар, ташкилий-интеллектуал ўйинлар, рефлексив ўйинлар, дидактик ўйинлар, ўйин-моделли технологиилар);

10.Тренингли акметехнологиялар (ижтимоий-психологик тренинг, ўз-ўзини англаш тренинглари, видео);

11.Мунозарали (дидактик, ижодий, ўйинли);

12.Ролли (психотерапевтик ўйинлар, контрўйинлар);

13.Аутопсихологик технология (аутопсихологик компетентлик тренинги);

14.Касбий-ҳолатий акмеологик тренинг, мақсадга йуналтирилган дастурий-мақсадли акмеологик тренинг;

15.Компьютерли таълим технологиялари, бошқарув.

Акмеологик технологиянинг ўзига хослиги шундан иборатки, уни ишлаб чиқиши ва қўллаш, субъектнинг ички установкасига қаратилган. Шахс худуди инсонни ривожлантириш, усуллар ва ҳаёт фаолияти воситалари, касбийлашишга эришиш кабилар технологизациялаштириш обьекти бўлиб етишади.

Демак, касбий таълимда акмеологик ёндашувни қўллаш ўқувчининг таълим жараёнида когнитив, психомотор, аффектив, касбий шаклланиши, креатив фикрлаш, ностандарт ва муаммоли вазиятлардан чиқиб кета олиш, мустақиллик ва ўз фаолиятини ташкиллаштира олиш, ижодкорлик потенциалини фаоллаштириш, унда касбий мотивацияни ва фаолиятда муваффақиятга эришиш мотивациясини, замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш, ўзини-ўзи тарбиялаш ва ривожлантириш шарт-шароитларини ҳосил қиласди.

Шунинг учун, касб-хунар колледжларида интенсив касбий тайёргарликни амалга ошириш орқали замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан 60

бой шахсларни шакллантиришда, ҳаётий талаблар даражаси, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чукурлашиб бориши, мантиқий фикрлаш каби талаблар қондирилиши лозим.

Ўкувчи шахсини касбий фаолиятга тайёрлашни шакллантириш жараёни, динамик жараён бўлиб, касб-хунар коллежи ўқувчини касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш вазифасини самарали ташкил этишда акмеологик ёндашув зарур.

Н.В.Кузьмина маҳсулдор фаолиятнинг акмеологик мазмунини очиб бериб, шуни таъкидлаб ўтадики, касбий фаолият психологик-акмеологик ёндашув нуқтаи назардан касбий тайёргарлик мазмuni билан боғлиқ бўлган қўплаб репродуктив ва ижодий масалаларнинг ечими сифатида қаралади.

Зеро, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашни ривожлантириш муаммоларига бағишлиланган ҳозирги замон илмий-педагогик тадқиқотларда шахсда муайян сифатларни шакллантиришга катта эътибор қаратилади. Шу боис бўлажак мутахассисларнинг касбий йўналганлигини қарор топтиришда акмеологик ёндашувни қўллаш долзарб педагогик масаладир.

Фан ва техника, жамият тараққиёти ривожланган сари инсоннинг билим доираси янада кенгайиши, талабларнинг ошиб бориши, анъанавий таълим тизими янгиланаётган бозор иқтисодиёти ва ижтимоий маданиятга мос келмаётганлиги сабабли, акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш, касбий таълим методларини модернизациялаш масаласини тадқиқ этишни долзарблаштиради. Бу эса таълим-тарбия жараёнида касб-хунарни эгаллашда энг юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш, ўқувчиларнинг билиш имкониятлари ва креатив қобилияtlарини ривожлантиришда акмеологик ёндашувни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш асосида касбий таълимдаги янги инновацион ёндашувлардан бири бўлган амкеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиш тизимини ташкил этиш, ўқитишда таълимнинг педагогик-психологик-акмеологик вазифалари интеграциясини таъминлаш, таълим-тарбия жараёнида акме-шахс мутахассисни шакллантиришни тақозо этмоқда.

Фан ва техника, жамият тараққиёти ривожланган сари инсоннинг билим доираси янада кенгайиши, талабларнинг ошиб бориши, анъанавий таълим тизими янгиланаётган бозор иқтисодиёти ва ижтимоий маданиятга мос келмаётганлиги сабабли, акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш масаласини тадқиқ этишни долзарблаштиради.

Акмеологик ёндашув бўлажак мутахассисларда касбий ижодкорликни шакллантиришнинг илмий асоси сифатида таълим муассасаларида таълим оловчилар мазкур жараён иштирокчиларининг, касбий фаолиятнинг етук шахси ва фаол субъектлари тарзида намоён бўлишларига асосланади ҳамда уларнинг субъект ва мутахассис сифатида босқичма-босқич, узлуксиз ўзини-ўзи такомиллаштириш учун шароит яратади.

Акмеологик ёндашувни касб-хунар таълимида қўллаш юқори касбий малакалар ва натижаларга эришиш, касбий мотивацияни қучайтириш касбий қобилиятни ривожлантириш, касбий компетентликни шакллантириш, ижодий потенциални рағбатлантириш, касбий акме-йўналганликка, фаолиятда муваффақиятга эришиш учун шахсий имкониятларни аниқлаш ва улардан унумли фойдаланишни таъминлайди.

Дунёда бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашни ривожлантиришда акмеологик ёндашувдан кенроқ фойдаланиш, касбий компетентликни ривожлантириш, касбий тайёргарликни модернизациялаш, касбий таълим шароитида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг педагогик-психологик механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Демак, мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, ўкув жараёнiga инновацион ғоялар, технологияларни фаол қўллаш, педагогик жараённи янги педагогик шакллар ва усуллар асосида ташкил этиш каби касб-хунар коллежларида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга акмеология орқали ҳисса қўшиш мумкин, яъни касб-хунар коллежи ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда акмеологик ёндашувнинг қўлланилиши мухим ва долзарбdir.

## **П-БОБ. ЎҚУВЧИЛАРНИ АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ**

### **§.2.1. Акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни оптималлаштириш**

Акмеологик ёндашув асосида бўлғуси мутахассисларнинг юқори касбий натижаларга эришиши касбий мотивацияни кучайтириш, касбий қобилиятни ривожлантириш, касбий компетентликни шакллантириш, ижодий потенциални рағбатлантириш, касбий акмеологик йўналганликка, фаолиятда муваффақиятга эришиш учун шахсий имкониятларни аниқлаш ва унумли фойдаланишга интилиш билан белгиланади.

Акмеологик ёндашув асосида касбий таълим–тарбияни ташкил этиш, бўлажак мутахассисларда касбий ижодкорликни шакллантиришнинг илмий асоси бўлиб ҳисобланади ва таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг субъект ва мутахассис сифатида босқичма-босқич, узлуксиз ўзини ўзи такомиллаштириши ва ўзини ўзи ривожлантириши учун шароит яратади.

Акмеологик ёндашув таълимдаги янги инновацион ёндашувлардан бири бўлиб, танланган мутахасислик йўналиши ва тажриба-синов гурухларида касбий йўналтирилган ўқитиш тизимини ташкил этиш, компьютер технологиялари (электрон ўқув контент)ни, замонавий таълим технологиялари ва акмеологик технологияларни уйғунликда қўллаш билан касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини ошириши мумкин. Акмеологик ёндашув асосида қасбга йўналтирилган ўқитиш тизими мазмунидан унинг қуидаги афзалликлари намоён бўлади:

-ўқув фанлари ва уларнинг бўлимлари, мавзулар орасидаги ўқитиш узлуксизлиги таъминланиши; ҳар бир ўқув предмети ичида касбий, маҳсус фанлар орасида ўқув жараёнининг барча турларини услубий жиҳатдан асосланган мувофиқлиги ўрнатилиши; акмеологик ёндашувни касбий таълим жараёнида қўллаш, таҳсил олувчилар билимини мунтазам ва самарали электрон назорат қилиниши; мутахассислик учун зарур ахборотларни чуқур ўргатиш,

аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўкув вақти таркибини маъруза, амалий (тажриба) машғулотлар, индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни – мақбуллаштириш, ўкув юкламадаги соатларни мақбуллаштириш махсус фан ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими ҳамкорлигига ишлаб чиқилади, бунинг натижасида, ўкувчилар етарли билим, кўникма, малакага эга бўлишга эришади.

Касб таълимида акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиш тизимини жорий этиш, назарий-методологик ва амалий касбий тайёргарлик даражасида сезиларли ўзгаришларга олиб келади. Шунингдек, ўкувчилар олдига мураккаблик даражаси ўсиб борувчи, тафаккурни шакллантирувчи, мустақил изланишни талаб этувчи ўкув ва ўкув-ишлаб чиқариш, масалаларини, ҳамда вазиятларни лойиҳалаштира олиш, моделлаштириш, конструкциялаш, ижодий тафаккурни ривожлантириш, таълим жараёнида юқори натижаларга эришиш мумкин бўлган касбий қобилият ва компетентликни самарали шакллантириш мумкин. Мутахассислар тайёрлашнинг анъанавий ёндашуви ва акмеологик йўналтирилган ёндашувларни қиёсий таҳлили орқали акмеологик ёндашув асосида таълим оловчилар шахсини ривожлантиришнинг илмий педагогик асослари келиб чиқади (2.1.1-жадвал).

**Таълим-тарбия мақсадлари:** таълим-тарбиянинг мақсади қўзланган аниқ натижага интилишdir. Касбий таълим-тарбия аниқ натижага қаратилган бўлади. Таълим-тарбия ишининг барча компонентлари: мазмун, ташкилий шакл, метод ва воситалари мақсадга бўйсундирилади: шунинг учун ҳам педагогикада мақсад энг муҳим муаммолар сирасига киради. Акмеологик йўналтирилган ёндашувда таълим жараёни иштирокчилари нимага интилиши зарурлиги, қандай натижага эришиши кераклигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Касбий тайёргарлик фаолиятида мақсад аниқ вазифалар тизими сифатида амалга оширилади. Мақсад ва вазифалар ўзаро яхлит бўлиб улар қисмлар (компонент) сифатида уйғунлашади.

**Таълимга анъанавий ва акмеологик йўналтирилган ёндашувларни  
қиёсий таҳлили**

<b>т/р</b>	<b>Таълим элементлари</b>	<b>Анъанавий ёндашув</b>	<b>Акмеологик йўналтирилган ёндашув</b>
1.	2.	3.	4.
1.	Таълим мақсади	Аниқ соҳа учун ДТС ва ТТС доирасида билим, кўнирма, малака ва шахсий фазилатларга эга мутахассис кадрлар тайёрлаш	Меҳнат бозорида рақобатбардош, юқори малакали, когнитив, психомотор, креатив, касбий компетентли мутахассис кадрлар тайёрлаш
2.	Таълим мазмуни	Ўқитиш жараёнида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўнирма ва малакалар ҳажми ва характеристики. У тегишли хужжатлар меъёрий шаклида расмийлаштирилади.	Меъёрий хужжатлар: таълим стандартлари, ўқув режа, дастурлар. ўқувчиларни ҳаққоний, илмий далиллар, тушунчалар, қонуниятлар, назариялар билан таништиришга қаратилган билимлар тизими
3.	Таълимни ташкил этиш шакллари	Касбий билимлар, кўникамалар ва малакаларнинг йигиндисини фаолият ва муносабатларнинг тегишли тажрибаларини ўтказишга қаратилган маҳсус ишларни ташкил қилиш	Интенсив касбий тайёргарликни амалга ошириш, мустақил изланиш, лойиҳалаштириш, моделлаштириш; замонавий билимлар, кўникамалар ва малакалар, акмешаҳс бўлиб этишиш технологиясининг ташкилий шакллари.
4.	Педагогик жараённи ташкил этиш	Ўқув (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) мақсадлар белгиланади, шарт-шароит аниқланади, натижа белгиланади, жараённинг кечиши лойиҳалаштирилади, белгиланган ташкилий шакл, метод ва воситалардан фойдаланилади, ўқувчилар баҳоланади	Ўқув (когнитив, психомотор, аффектив) мақсадлари белгиланади, педагогик-психологик шарт-шароит аниқланади, аниқ натижа белгиланади, жараённинг кечиши акмеологик ёндашув асосида лойиҳалаштирилади, акмеологик технологиялар, компьютер технологияларидан уйғунликда фойдаланилади, қулаги шарт-шароит яратилади, ўқувчилар рейтинги,

			акмеограммаси күрсаткичлари индивидуал аниқланади
5.	Педагогик жараённи амалга ошириши методлари	Оғзаки методлар, күрсатмали амалий методлар, методлар	Муаммоли-изланувчан методлар, “Альтернативлар, имкониятлар, танлов” (АИТ) методи, “Вазиятли – ўйин” методлари, “Метафора ўйинлари”, “Синектика” методи, “Техник ечимларнинг морфологик таҳлили ва синтези” методи, “SMART”, “SWOT”, “SCORE”, “Синектика” каби методлар
6.	Педагогнинг ўрни	Ўқитувчи конкрет фанни бошқа ўқув фанлари билан ўзаро боғлаган ҳолда унинг ўқитилиши мақсад ва вазифаларини белгилайди, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини таъминлайдиган ўқитишнинг мазмуни, шакл ва методларни қўллайди.	Ўқитувчи ўқувчиларни акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион, мотивацион, интеллектуал имкониятларини аниқлайди, ўқув-билиш фаолиятини акмеологик касбий йўналтириш усуллари, ўқитишнинг мазмуни, замонавий шакл ва методларини ўйлаб топади. Таълим олувчининг ижтимоий ва индивидуал талабларини хисобга олади ҳамда тобора такомиллаштириб бориш, акмелогик йўналган таълимтарбия ва билиш аҳамиятини касб этади.
7.	Таълимни бошқариш	Ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини бевосита бошқариш	Ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш, акмеологик таълим мухитини яратиш
8.	Таълим натижаларини баҳолаш	Ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши назорат қилинади, билим ва кўникмалари баҳоланади	Ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари, касбий ва шахсий сифатлари баҳоланади

**Таълим мазмуни** – белгиланган мақсадга мувофиқ йўналиш ва ҳажмига эга бўлади. У тегишли меъёрий ҳужжатлар: таълим стандартлари, ўқув режа, дастурлар шаклида расмийлаштирилиб, ўрнатилган тартибда

тасдиқланади. Таълим мазмуни ўқувчиларни ҳаққоний, илмий далиллар, тушунчалар, қонуниятлар, назариялар билан таништиришга қаратилган билимлар тизимиdir. Акмеологик йўналтирилган ёндашувда таълим мазмуни шахснинг маҳсулдор фаолиятини ривожлантириш тизимини ташкил этади.

**Таълим жараёнини ташкил этиш шакллари** – таълим жараёни бўлган тизимdir. Таълим жараёни сифатида билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг йигиндисини фаолият ва муносабатларнинг тегишли тажрибаларини ўтказишга қаратилган маҳсус ишларни ташкил қилиш. Касбий таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг маълум белгиланган тартибда амалга ошириладиган ҳамкорликдаги фаолиятларининг ташқи қўриниши касбий таълимнинг ташкилий шаклини англатади.

Касбий таълимнинг ташкилий шакллари қўйидаги хусусиятларига биноан турланиши эътироф этилади:

1. Ўқувчилар сонига кўра: оммавий, жамоавий, гурухли, индивидуал.
2. Ўқитиш жойига кўра: таълим-тарбия муассасаларида ва таълим муассасаларидан ташқари (ўқув устахоналарида, машқ майдонлари, корхоналар, уй ишлари, саёҳат ва шу кабилар) да
3. Ўқув вақтининг давомийлигига кўра 45 минутлик, жуфтлик (90 мин.) қискартирилган (80 ёки 70 минутлик) қўнғироқсиз (ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти).

Акмеологик йўналтирилган ёндашувда интенсив касбий тайёргарликни амалга ошириш, замонавий билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг йигиндисини фаолият ва муносабатларнинг тажрибаларини ўтказиш, акмешаҳс бўлиб етишиш технологиясининг ташкилий шакллари, таълимни ташкил этиш шакллари такомиллаштирилади.

**Педагогик жараённи ташкил этишда** таълим-тарбия мақсад ва вазифалари қўйилади, жараён иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятлари амалга оширилади, белгиланган ташкилий шакл, метод ва воситалардан фойдаланилади, қулай шарт-шароит яратилади, ўқувчилар рағбатлантирилади, педагогик жараён билан бошқа жараёнлар орасидаги

алоқадорлик таъминланади. Педагогик жараёнда тескари алоқадорлик муҳим бўлиб, у тезкор бошқарувчилик, хулосалар чиқариш имконини беради. Тескари алоқа жараёнини сифатли кечишини таъминлаш лозим бўлиб, унинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига ҳар қайси ўқитувчи муҳим масала сифатида устивор аҳамият бериши зарур.

Акмеологик йўналтирилган ёндашувда ўқув (когнитив, психомотор, аффектив) мақсадлари белгиланади, педагогик-психологик шарт-шароит аниқланади, аниқ натижа белгиланади, жараённинг кечиши акмеологик ёндашув асосида лойиҳалаштирилади, акмеологик технологиялар, компьютер технологияларидан уйғунликда фойдаланилади, қулай шарт-шароит яратилади, ўқувчилар рейтинги, акмеограммаси кўрсаткичлари индивидуал аниқланади.

Педагогик жараёнда таълим-тарбия методларини танлаш марказий масалалардан бири бўлиб, “Метод” объектив оламни билиш, тадқиқ қилиш усулидир. Таълим методи касб-хунарга оид билим, иш-харакат усуллари ва шахсий фазилатларни ўзлаштириш мақсадида қўлланиладиган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳатти-харакат усуллари тизимиdir.

**Педагогик жараённи амалга ошириш методлари** - ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалига нисбатан мустақил фикрлаш, танқидий ёндошиш малакаларини шакллантириш ҳамда маҳсулдор ўқув-билиш фаолиятларини ташкил этишда муаммоли изланувчан методлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Муаммоли-изланувчан таълим методларидан ўқувчиларнинг мустақил изланувчан ўқув-билиш фаолиятларини ривожлантириш мақсадларида фойдаланилади. Бундай методлар ўқув материалини мустақил равишда моҳиятига тушунган ҳолда ўзлаштирилишига имкон беради. Ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалини мустақил ўзлаштириш, акмеологик ёндашув негизида таълим оловчилар шахсини ривожлантиришга нисбатан касбий компетентлик, акмеологик йўналганликни шакллантириш ҳамда маҳсулдор ўқув-билиш фаолиятларини ташкил этишда интегратив дарс, ишchanлик ёки ролли ўйин, тренинг, эвристик сухбат кабилардан фойдаланилади, (“SWOT”, “SMART”,

“SCORE”, “Синектика” каби методлар, мунозарали акметехнология, ривожлантирувчи акметехнология, тренингли акметехнология ва ўйинли акметехнологиялар методлари қўлланилади.

Акмеология усуллари ҳам (ривожланиш усуллари, технологиялар, видеотренинг жараёнлари) маданий – ижтимоий гояларнинг тикланиши, иқтидорлиларни руҳий қўллаб-қувватлашдан иборат. Ундаги мавжуд усуллар куйидагилар:

-Ўқувчиларнинг ўз ижод қобилиятини бошқара олиши ва бу жараёндаги фаолиятини юқори чўққига кўтариш.

-Шахс интеллектининг юқори босқичга етишидаги объектив ва субъектив бирликлардаги зиддиятли таъсир омиллар.

-Ўзини-ўзи ўқитиш, ўзини-ўзи ташкиллаштириш ва бошқариш.

Умумлаштириб айтганда меъёрлар асосида ўз-ўзини йўлга солиш ва қайта тикилаш, касбидан ва жамиятдаги ютуқларидан, маданиятдан, техникадан ва ички руҳиятини, ўзининг қизиқиши, эҳтиёжи ва қобилиятини англаши ўз ютуқларини, камчилигини ўз фаолиятида кўра олишидир.

**Педагогнинг ўрни** - ўқитувчи ўқувчиларни акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион, мотивацион, интеллектуал имкониятларини аниқлайди, ўқув-билиш фаолиятини акмеологик касбий йўналтириш усуллари, ўқитишнинг мазмуни, замонавий шакл, методларини ўйлаб топади. Ўқувчиларнинг индивидуал, жамоавий ва гурухий ўқув-билиш фаолиятида юқори маррага эришиш стратегияси ва тизимини педагогик моделлаштириш, юқори касб маҳоратига эришиш, камолотга эришаётган инсонни шахсий ривожлантириш педагогнинг касбий фаолиятида ижодкорликни талаб этади.

Таълим олувчининг ижтимоий ва индивидуал талабларини ҳисобга олади ҳамда тобора такомиллаштириб бориш, акмелогик йўналган таълим-тарбия ва билиш аҳамиятини касб этади.

**Таълимни бошқаришда** педагогларнинг ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш, акмеологик таълим мұхитини яратиш билан анъанавий ёндашувдан фарқ қилишини жадвалдан күриш мумкин.

**Таълим натижаларини баҳолашнинг** оғзаки, ёзма, лаборатория, индивидуал, ёппасига, машинали, машинасиз, бевосита, билвосита каби турлар мавжуд. Тадқиқот ишида ўқувчиларнинг касбий ва шахсий сифатлари баҳоланиши билан анъанавий ёндашувдан фарқ қиласы.

Таълимга анъанавий ва акмеологик йўналтирилган ёндашувларни қиёсий таҳлилидан мутахассисларни тайёрлашга қўйилган замонавий талабларга кўра, акмеологик ёндашув асосида мутахассислар тайёрлаш таълим оловчилар шахсини ривожлантиришни илмий педагогик асослаш мумкин (2.1.2-жадвал).

Таълим жараёни ўз мазмун-моҳиятига кўра бўлажак мутахассис учун касбий фаолиятни муваффақиятли амалга оширишда зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ҳамда касбий ва шахсий шакллантириш даври ҳисобланади. Касбий таълимнинг мазкур даврида бўлажак мутахассис касбий, интеллектуал, ижодий ва инновацион шаклланиш босқичларида фаол субъект сифатида иштирок этади.

Акмеологик ёндашув бўлажак мутахассисларда касбий ижодкорликни шакллантиришнинг илмий асоси сифатида таълим муассасаларида таълим оловчиларнинг мазкур жараён иштирокчилари, касбий фаолиятнинг етук шахси ва фаол субъектлари тарзида намоён бўлишларига асосланади ҳамда уларнинг субъект ва мутахассис сифатида босқичма-босқич, узлуксиз ўз-ўзини такомиллаштириши ва ўз-ўзини ривожлантириши учун шароит яратади.

## 2.1.2-жадвал

### **Акмеологик ёндашув асосида мутахассислар тайёрлаш**

т/р	Акмеологик ёндашув	Мутахассислар тайёрлаш
1.	Ўқув ва касбий фаолият инсонни шахсий ривожлантиришга акмеологик йўналтирилган	Касбий ўқув материалини танлаш, ўқув билиш фаолиятини касбий фаолиятга қўчириш; компетентли кадр бўлиб этишиш; замонавий технологиялар билан ишлай

		олиш каби имкониятларни беради
2.	Фаолиятда касбийлашув ва юқори мэрраларга эришиш, келгуси фаолиятга инсонни ижодий тайёрлаш, ўз-ўзини намойиш этиш стимуллари ва омиллари, шарт-шароитлари, қонуниятлари	Касбий масалаларни ечиш учун ижодий топшириқлар мажмунин тайёрлаш ва ўтказиш; технологик шароитларда, касбий ижодий қобилиятни қўллашда билим, кўникма ва малакалар ҳамда билимлар интеграцияси
3.	Акмеологик муҳит яратишни ташкил қилиш, касбий креатив қобилиятни очиш имконини беради	Мослашувчанликни эътиборга олган ҳолда акмеологик муҳит яратиш, ўқув-билиш фаолиятини ҳар хил турларини тизимли бирлаштириш
4.	Акмеология доирасида шахс ривожланганлик даражаси баҳоланади, шахсни ривожлантириш омиллари ва шарт-шароитлари юзасидан илмий изланишлар олиб борилади	Касбий креатив қобилиятни шакллантириш учун дидактик усулларнинг энг қулайи танланади, ностандарт вазиятлар учун ижодий касбий вазифаларни бажариш амалга оширилади

2.1.2-жадвалга мос равища, таълим-тарбия жараёнида акме-шахс мутахассисни шакллантиришга қаратилган акмеологик ёндашув компонентларини (акмеологик ташкилий-услубий ишлар, акмеологик касбий тарбия, акмеологик касбий таълим) такомиллаштириш механизми ишлаб чиқилди (2.1.1-расм).

Анъанадаги таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштирган ҳолда, акмеологик йўналган ташкилий услубий, тарбиявий ва таълимий ишларни бажариш белгиланди.

1. Акмеологик йўналган ташкилий-услубий ишларга-акмеологик ёндашув асосида таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид назарий ва методик ишларни амалга ошириш; касбий таълим акмеологияси маҳсус курс ўкув дастури ишлаб чиқиш; гурӯҳ раҳбариниг маънавият соатларини миллий мазмунда бойитиш; турли семинар-тренинглар ташкил этиш каби акмеологик йўналган ташкилий ишларни бажариш; ўқувчиларни акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион, мотивацион,

интеллектуал имкониятлари аниқланиб, акмеологик таълим мухитини яратишнинг методик таъминоти (ўқув-услубий манбалар, электрон таълим ресурслари)ни такомиллаштириш, акмеологик ёндашувли ўқув-методик таъминот, таълим олувчиларда мустақил фикрлашни шакллантириш, мустақил билиш фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган якка муаллифликда янги намунавий ўқув дастурлар, ўқув-услубий қўлланмалар ва ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилиб, уларнинг мазмунига тадқиқот ғояларини сингдириш.



2.1.1-расм. Компетентли мутахассисни шакллантириш механизми

2.Акмеологик йўналган тарбиявий ишларда-ўқувчиларнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиб, истиқбол режаларини “SWOT” усулида ишлаб чиқиша уни амалга ошириш; касбий таълимга акмеологик ёндашувни жорий этишнинг инновацион дидактик тузилмаси, ўқув-билиш фаолиятини акмеологик касбий йўналтириш усуллари (ўқувчининг индивидуал касбий ривожланиш дастури, ўқувчининг акмеограммаси, ўқувчининг электрон портфолиоси) орқали ўқувчининг креатив қобилиятни шакллантириш моделини, ўқувчининг касбий компетентлик даражасини ошириш, ўқувчи шахсини ривожлантириш, касбий акмешахсни шакллантириш тадбирларини ишлаб чиқиша ва анъанадаги тарбиявий ишлар такомиллаштириш;

3.Акмеологик йўналган таълимий ишларда - ўқитиша акметехнологияларни “Электротехника ва электроника асослари” фани мисолида ишлаб чиқиша ва қўллаш; акмеологик ёндашув асосида касбга йўналтирилган ўқитишини йўлга қўйиш; компьютер технологиялари ёрдамида электрон ўқув контент яратиш ва акметехнологиялар ва шахсга йўналтирилган таълим технологиялари билан биргаликда қўллаш. Касбий таълим акмеологияси маҳсус курс дастурини ишлаб чиқиша ва жорий этиш (2.1.1-расм), бўлажак мутахассисни когнитив, аффектив, психомотор, касбий, краетив шакллантириш ва интенсив касбий тайёргарликни амалга оширишни, акмешахс бўлиб этишиш технологиясининг ташкилий шакллари ва акмеологик ёндашувли ўқитиши тизимини такомиллаштириш;

Касбий таълимда акмеологик ёндашувни, замонавий таълим технологиялар, илғор хорижий тажрибани қўллаш, ўқув режалари, дастурлар ва ўқитиши услубларини тубдан янгилашга оид чора-тадбирларда ўз ифодасини топади. Шунингдек, касбий таълимда акмеологик муҳит яратиш, билимларни мустақил эгаллаш, ўзини ўзи ривожлантиришни шакллантириб бориш учун педагогик жамоада нуқтаи назар, ўқув меъёрий ҳужжатлар, фаолиятни ташкил этишнинг янгиланиб борилиши, шахсни касбий шаклланиш муаммосини энг мақбул йўллар билан ечиш талаб этилади.

Үқувчиларни акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашда, уларни касбий компетентликка эришишига олиб келади.

Касбий компетентлик – инсон яхши хабардор бўлган, касбий билимлар ва тажрибаларга эга бўлган масалалар доирасини билдиради. Маълум соҳада компетент бўлган киши унга шу соҳа тўғрисида асосли фикр юритишга имкон берувчи ва унда самарали ҳаракат қилишга тегишли билимлар ва қобилияtlарга эга бўлади.

Акмеологик ёндашув асосида таълимни ривожлантиришда: истиқболли келажак режалар; таълимни инновацион ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш; кадрлар салоҳиятини мунтазам ошириб бориши; янги таълим технологиялари, ахборот коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш пировардида касб-ҳунар коллекции ўқувчисини юксак билимли ва интеллектуал ривожлантиришга эришиш мумкин (2.1.2-расм).



2.1.2-расм. Акмеологик ёндашув асосида таълим жарёнини такомиллаштириш

Акмеологик ёндашув асосида касб-ҳунар коллекции ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари асослари,

омиллари, таклиф этилаётган касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришни амалга ошириш механизми ва инновацион дидактик модели касб-хунар таълимидаги маҳсулдор ижтимоий-педагогик тизимда таълим берувчи ва таълим олувчининг яхлит ва муносиб ривожланишини таъминлаши, касб-хунар таълими таълим сифатини оширишга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин.

Касбий таълимда бўлгуси мутахассиснинг рақобатбардошлигини белгиловчи - касбий ҳаракатчанлик, касбий вазифаларни ҳал этиш усулларини эгаллаш, турли касбий муаммоларни ҳал этиш қобилияти, ўзига ишонч, масъулият, муваффақиятга йўналганлик, ўз тажрибасини мунтазам бойитишга тайёргарлик масалалари муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан, тажриба-синов гурухларида акмеологик йўналтирилган ўқитиши, касбга йўналтирилган ўқитиши тизимини, акмеологик ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш йўллари ишлаб чиқилди. 3310200-Электроэнергетика тайёрлов йўналишида акмеологик ёндашув асосида касбга йўналтирилган ўқитиши тизимини ташкил этиш, [2-илова] ўқув режадаги фанларни:

1.“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” -“Экология ва атроф мухит муҳофазаси” - “Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги” фанларини “Хавфсизлик муҳофазаси блоки” сифатида ўзаро боғлиқликка амал қилган ҳолда акмеологик ёндашув асосида касбга йўналтириб ўқитиши;

2.“Электротехника ва электроника асослари” - “Электротехник материаллар” - “Электр машиналари ва юритмалари” - “Электр ўлчов асбоблари ва электр ўлчашлар” предметларини “Касбий фанлар-блоки” сифатида узвий кетма-кетликда ўзаро алоқадорликда акмеологик ёндашув асосида касбга йўналтириб ўқитиши;

3.“Муқобил энергия манбалари”-“Қуёш панелларини ўрнатиш, созлаш ва ишлатиш”- “Шамол агрегатларига хизмат кўрсатиш ва ўрнатиш” предметларини “Қайта тикланувчи энергия манбалари блоки” сифатида ўқитишида акмеологик ёндашув асосида касбий йўналганликни амалга ошириш;

4.“Электр жиҳозлари” - “Электр таъминоти” - “Электр тармоқлари жиҳозларини йиғиши, созлаш, ишлатиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” - “Автоматика ва микропроцессор техникаси асослари” предметларини “Махсус фанлар блоки” сифатида акмеологик ёндашув асосида касбий йўналганлик тизимида ўқитиши.

Юқорида мутахассислик ўкув режасига киритилган фанларни мантиқан блокларга ажратиши акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтириб ўқитишини жорий этиши, ўкувчи шахсини касбий фаолиятга тайёрлаш шахс ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Касб-хунар коллежида ҳар бир ўкувчини ўзи танлаган ихтисослик бўйича назарий билимлар, амалий қўнималар билан қуроллантириш билан бирга унинг шахсий фазилатларини шакллантириш, талаб даражасида малакага эришиши, касбий фаолиятни мустақил бошлиш, ўзига ишонч, ташаббускор, кўтаринки рух, ижодкорлик, ўзини-ўзи назорат қилиш, баҳолаш ва ривожлантириш каби хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Фикримизча, 3310200-Электроэнергетика тайёрлов йўналишида акмеологик ёндашув асосида касбга йўналтирилган ўқитиши тизимини ташкил этиши, ушбу йўналиш аксарият касб-хунар коллажларида мавжуд бўлиб, ушбу йўналишдаги ўкув жараёни таҳлилидан [2-илова]:

1) жами режалаштирилган ўкув соатларининг 46 фоизини умумтаълим фанлари (20 та), 54 фоизини эса касбий ва маҳсус фанлар ташкил этиши, бундан умумтаълим фанларини нисбатан камайтириш ва касбий, маҳсус фанларни нисбатан кўпайтириш;

2)“Хаёт фаолияти хавфсизлиги”, “Экология ва атроф муҳит муҳофазаси”, “Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги” фанлари асосан хавфсизлик муҳофазасига йўналган фанлар бўлганлиги сабабли битта босқичда ўзаро боғлиқликка амал қилган ҳолда ўқитиши;

3)“Электротехника ва электроника асослари”, “Электротехник материаллар”, “Электр машиналари ва юритмалари”, “Электр ўлчов асбоблари ва электр ўлчашлар” предметлари умумкасбий фанлар эканлигини эътиборга олган ҳолда, ўзаро алоқадорликда ўқитиши;

4) “Муқобил энергия манбалари”, “Қуёш панелларини ўрнатиш, созлаш ва ишлатиш”, “Шамол агрегатларига хизмат кўрсатиш ва ўрнатиш” предметларини, ҳамда “Электр жиҳозлари”, “Электр таъминоти”, “Электр тармоқлари жиҳозларини йиғиш, созлаш, ишлатиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш”, “Автоматика ва микропроцессор техникаси асослари” предметларини ўқитишида касбий йўналганликни амалга ошириш;

5) юқорида номлари қайд этилган фанларнинг баъзилари масалан, “Электр машиналари ва юритмалари”, “Электр жиҳозлари”, “Электр таъминоти”, “Электр тармоқлари жиҳозларини йиғиш, созлаш, ишлатиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” ўқув предметлари иккити босқичда 1-2 ёки 2-3-босқичларда ўқитилиши режалаштирилган ва шу асосда таълим жараёни йўлга қўйилган, лекин ушбу фанларни ўзлаштириш даражасини ошириш учун уларни ўқитишида акмеологик йўналтирилган ўқув-тарбиявий ишларни амалга ошириш мумкин.

Ўқув фанларни ўзлаштиришнинг юқори мэрраларига эришиш мақсадида акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиши тизимини амалга ошириш, фанларни ўқитишида касбий компетентликни, касбий креатив қобилиятини шакллантиришни ривожлантириш орқали, касб-хунар коллежи ўқувчисини касбий билимларни эгаллашда юқори кўрсаткичларга етказиш мумкин.

Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарининг 3310200-Электроэнегетика тайёрлов йўналишининг “3310201- Электр станциялари ва электр тармоқлари ускунларига хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва монтаж қилиш бўйича электромонтёр” касби бўйича қўйган талаблари, йўриқномалари ва мазкур касбга белгиланган разряд (даражада) талабномалари, унга битирувчиларнинг қай даражада мос келиши ва жавоб берса олиши, касб-хунар коллежлари касбий ва маҳсус фанлари мазмунидаги қўйилган талабларни тўлақонли бажарилишини камраб олингандиги, ўқув дастурлари ва машғулотларни қўйилган талабларга мос равишда ташкил этиш, белгиланган кўрсаткичларга эришиш, ўқувчиларнинг касбий шаклланиш даражаларини талаб даражасига етказиш.

Мутахассислар тайёрлаш жараёнида касбий йўналтирилган ўқитишида ўқув дастурларини мувофиқлаштириш, ўқитиши жадаллаштириш билан ўқитишида касб маҳоратига эришилади.

Ушбу жараёнда:

1.Ишчи ўқув режани чуқур таҳлили асосида, ўзаро чамбарчас боғлиқ фанлар гуруҳи аниқланади, яъни бутун ўқув режаси касбга йўналтирилган тизим тўплами сифатида қаралди.

2.Ҳар қайси касбий ва маҳсус фан асосида энергетик мутахассисни шакллантиришда, ўз мақсад ва вазифаси бўлиб, маълум бўлимларни ва унга кирадиган мавзуларни ўрганиш мақсадларидан келиб чиқилди.

3.Муайян маҳсус фанни ўрганиш мақсадлари тўплами Давлат таълим стандартларида акс эттирилган, мутахассис тайёрлашнинг бош мақсадини ташкил этди.

4.Касбий ва маҳсус фанларни ўрганилиш муддатларини ўрнатишида улар орасидаги горизонтал боғланишлар ҳисобга олинди.

Амеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитишини ташкил этиш учун қўйидаги ишлар амалга оширилди:

1.Мазкур таълим йўналишининг тармоқ таълим стандартлари ва намунавий ва ишчи ўқув режалари атрофлича ўрганилди [2-илова].

2.Йўналишнинг ўқув дастурлар тўплами, ўқув дастуридаги фаннинг ҳар бир мавзуси, мавзуларнинг зарурийлиги, бошқа фан дастурларида такрорланиши, уларга ажратилган соатлар қанчалик мос келиши каби саволлар коллеж фанлар уюшмасида таҳлил қилинди.

3.Ўқув дастурлари таҳлилига кўра, ҳар бир мавзуни юқори даражада ўзлаштиришга эришишни кафолатловчи акмеологик технологияларни қўллаш режалаштирилди.

4.“Электротехника ва электроника асослари”, “Электротехник материаллар”, “Электр машиналари ва юритмалари”, “Электр ўлчов асбоблари ва электр ўлчашлар” фанларини ўқитишида касбий йўналтирилган ўқитиш тизимини яратиш учун:

-фанлардаги ўзаро мұқобил мавзулар танлаб олинди;

-фанларни ўқитишни кетма-кет олиб бориш, замонавий ўқитиш технологиясини йўлга қўйиш таклиф этилди;

-фанлардаги ўзаро алоқадорликдан келиб чиқсан ҳолда тақрорланувчи мавзуларни қисқартириб, ривожлантирувчи мавзуларни кучайтириш таклиф этилди;

-касбий ва маҳсус фанлар мутаносиблигини таъминлаган ҳолда “Электротехника ва электроника асослари” фани мавзуларини мукаммал ўзлаштиришга эришиш, бунинг пировардида навбатдаги фан мавзуларини тушуниш, англаб етиш, ўзлаштириш осон бўлишини кўзлаган ҳолда, ушбу фанни ўқитишда акметехнологиялар ва бошқа замонавий таълим технологиялари қўлланилди;

5. Ўзаро алоқадор фанлардаги ўхшаш мавзуларни мутаносибликда ривожлантиришга эришишга эътибор берилди.

Шу ўринда ўқувчиларга акмеологик билимлар бериш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда республикада ўрта маҳсус, касб-хунар таълимига мўлжалланган “Касбий таълим акмеологияси” маҳсус курс ўқув дастури ишлаб чиқилди [З-илова]. Касбий таълим акмеологияси - шахснинг касбий моҳирликка етишишини объектив ва субъектив омиллари, унинг ўқишида ютуқларга эришиши ва ривожланиши, меҳнат фаолияти жамоа фаолияти субъекти сифатида касб-хунар таълими тизимида субъектнинг энг юксак даражага эришишини ўрганади.

Акмеологик ёндашувдан фойдаланишда, мавжуд ҳар қандай қийинчилик ёки муаммолардан ўқувчининг ўзи мустақил равишда чиқиб кета олиши, унда ижодкорликни шундай ривожлантириш, ҳатто ўзи мустақил равишда ижодий касбий фаолият юрита олиш даражасига етиши мумкин.

## **§.2.2. Акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг**

### **дидактик модели**


Педагогика-психология - акмеология тизими асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш, шахсни ривожлантириш, касб-хунар коллежида акмеологик ёндашувни жорий этишнинг дидактик моделини ишлаб чиқиши (2.2.1-расм) тадқиқот ишининг асосий илмий концепцияси ҳисобланади. Ушбу модел компонентлари қуйидагича:

**“Акмеологик ёндашув”** - акмеологик муаммолар ва вазифаларни ечиш имконини берувчи, методлар ва усуулар, тамойиллар мажмуини тушунтирувчи акмеологик категориялар умумлашмаси ҳисобланади. Акмеологик ёндашув таълим мазмунига, таълим технологиялари, ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитишга, таълим муассасасини бошқаришни ривожлантириш, таълимнинг барча субъектларида тизимлаштирилган билиш мотивлари, таълим олиш ички эҳтиёжга айланиши, ижодий тафаккурнинг асосий бошловчилиги эвазига таълим сифатини ошишига ҳисса қўшади.

“Акмеологик ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, субъектнинг ёш даврлари босқичларида, унинг индивидуал, шахсий ва субъектив-фаолиятли тавсифи биргаликда ўрганилади, субъектнинг яхлитлигини тиклаш, юқори даражага эришиши учун таъсир қилиш ва комплекс тадқиқот олиб боришни ўз ичига олади. Касб-хунар таълимида акмеологик ёндашув акмеологик касбий йўналганликни ҳосил қиласди.

Акмеологик йўналганлик – шахснинг истиқболли ривожланиши (шунингдек, касбий), максимал касб фаолияти доирасида ва ҳаёт фаолиятида ижодий ўзини-ўзи намойиш қилишни йunalтируvchi шахснинг умумий йўналганлиги, сифат характеристикасидир.

Касб-хунар таълими бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг юқори сифатда бўлишини таъминловчи шароитларни яратишга мутахассисларнинг ҳаётини ва шахсий муаммоларни мустақил ҳал этиш қобилиятларини ривожлантиришга йunalтирилган бўлиши керак.



2.2.1-расм. Касбий таълимга акмеологик ёндашувни жорий этишнинг инновацион дидактик модели.

Бу мутахассисларни тайёрлашда жуда муҳим бўлиб, уни ҳал қилиш самарадорлигига бутун жамиятнинг келажаги боғлиқ бўлади. Ўзининг касбий ривожланишида ижодий индивидуалликка эришганлар ишлаб чиқаришни долзарблаштиришга таъсир кўрсатишга қодир бўладилар.

Шахснинг йуналтирилганлиги - бу интегратив сифат бўлиб, у ўз ичига шахснинг фаоллигини ва унинг векторининг асосини аниқловчи мақсад, қадриятлар, мотивлар, интилишлар ва бошқаларни қамраб олади.

Акмеологик йўналганлик – бу касб соҳасида ҳам, ҳаёт фаолияти соҳасида ҳам максимал ижодий ўзини намоён қилишга, инсонни илғор ривожланишга йуналтирувчи шахснинг умумий йуналтирилганлигининг сифатий тавсифидир.

Акмеологик йуналтирилганликнинг ўзига хос мазмуни бўлажак мутахассисларни ўз касб фаолиятларини амалга оширишни мўлжаллашдан иборат.

Шахсда акмеологик йўналганлик мутахассисларни ўз касбий фаолиятида акмеологик концепцияни амалга оширишни талаб этади.

Шахс акмеологик йўналганлигининг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда унинг ташкил этувчи компонентлари қўйидагича:

-касб йуналишининг асосий моҳияти-танлаган касбнинг асл моҳиятини чуқур англаб етиш зарурлиги билан боғлиқ;

-касбий-муҳимлик-шахс ривожланишида касбий йўналганлигик, тайёргарлик даражасининг муҳимлиги билан боғлиқ;

-касбий мақсадга йўналганлик-касбий фаолият учун аниқ мақсадлар белгилаб олинганлиги, келгуси касбий мақсадга йўналганлик даражасининг юқорилиги муҳим ўрин тутади;

-касбий мотивация-касбни эгаллаш, муносиб касб эгаси бўлишга эришиш мотивацияси ҳосил қилиниши муҳим аҳамиятга эга;

-касбий креативлик-касбий ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;

-касбий муваффақиятга интилиш-касбий муваффақиятга эриша олиш учун ўзини-ўзига, келажакка ишонч туйғусини ҳосил қилиш орқали, муваффақиятга интилишни шакллантириш муҳим.

Ушбу бандда ишлаб чиқилган модел касб-хунар колледжидаги ўқувчиларни акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш имконини беради. Бу ерда акмеологик ёндашув бевосита акмеологик йўналганлик билан боғлиқ бўлиб, у қуидагиларга асосланади:

-Моҳият - касб моҳияти, ҳаёт турмуш яшашнинг моҳияти, ҳар бир иш (мехнат)нинг, касбий фаият моҳиятини англаб этиш, у учун нима муҳим, касбни эгаллаш унинг учун қанчалик муҳим эканлигини англаши, ҳис этиши;

-Мотивация-ҳаётга яшашга қизиқиш ҳосил қилиш, касбий мотивацияга эришиш, бўлажак мутахассисларни касбий шакллантириш, улар шахсининг таркиб топиши, касбий фаолиятга тайёргарлигига таъсир қиласидан кучли ижтимоий омил акмеологик мотивациядир;

-Креативлик – инсоннинг фикрлашида, ҳиссиётида, мулоқотда, фаолиятнинг алоҳида турларида намоён бўлувчи ижодий имконияти, қобилияти, шахсни бир бутунликда ёки унинг алоҳида томонларини, фаолияти ҳосиласини, уни яратиш жараёнини характерлайди. Индивиднинг ностандарт қарорни қабул қилувчи ички хусусиятини акс эттирувчи қобилият.

- Муваффақият - акмега эришиш, бирор иш устидан ғалабага эришиш, ишни самарали бажара олиш. Касбий билимларни эгаллаш жараёнида янада юксакроқ ютуқларга эришишдир.

Инновацион таълим-тарбия - колледж ўқувчиларини касбий шакллантириш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги интерактив ҳамкорликни ва мустақил-ижодий муносабатларни, касбий таълим мазмуни, баркамол шахс тарбияси ва унинг ижтимоий аспектлари асосида модернизациялашдир. Педагогик жараёнда инновация таълим-тарбия янги мақсад, мазмун, метод, шакл ва усулларнинг киритилиши, ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигига ташкил этилишидир.

Фикримизча, касбий таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида, педагогик фаолиятга янгилик киритиш, таълим мазмуни ва ўқитиш технологиясига ўзгариши киритиш, Акмеологик ёндашув асосида касбий таълимни ташкил этиш шакл ва методларини, замонавий таълим ва ахборот

технологияларини қўллашнинг педагогик-психологик шарт-шароитларини яратган ҳолда, касбга йўналтирилган ўқитиш билан педагогик инновацияни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Акмеологик йўналган тарбия орқали ёшларда ўз-ўзига, жамиятга, ўз юртига, меҳнатга, бошқа инсонларга бўлган муносабатлари, миллий гоя ва мафкура, ифтихор туйғулари, комил инсон сифати шакллантирилади. Ўзини-ўзи ривожлантириш ва ўзини-ўзи бошқариш асосида инсоннинг янги муваффақиятларга эришиш эҳтиёжи, такомиллашиш, фаол ҳаёт тарафдори бўлиш, эзгу фикрлаш ўз имкониятларига ишониш, ҳаёт мазмунини тушуниши ётади.

Акмеологик йўналган тарбияда:

-ўзини-ўзи назорат қилиш; -ўзини-ўзи ривожлантириш; -ўзини-ўзи бошқариш; -ўзини-ўзи баҳолашга эришиш лозим.

Тадқиқотда таклиф этилган маънавий-ахлоқий тарбия – бу миллат ва жамият томонидан яратилган барча руҳий ва ақлий неъматларни шахс томонидан ўзлаштирилиб, ундан фойдаланган ҳолда ўз ахлоқини баркамоллаштиришга эриша олиш даражасини кўрсатувчи мезон бўлиб хизмат қиласди.

Ўқувчининг ривожланиши унинг она бағри, мактабгача болалик даври, бошланғич синф, ўсмирлик ва ўспиринлик давридаги шарт-шароитлар билан узвий боғлиқ. Ушбу даврларда унинг саломатлиги қандай бўлиши, нималар у учун қадрли бўлиши, унинг хусусий баҳолаши, инсонларга ва меҳнатга муносабати, ҳатти-ҳаракатлари ва бошқалар унинг келажакда қандай сифатдаги касб эгаси бўлишини аниқлаб боради.

Акмеологик йўналган таълим - атроф олам ҳақидаги билим доирасини кенгайтириш, дифференциалловчи тафаккурни шакллантириш, билиш эҳтиёжларни ривожлантириш таълими.

Акмеологик йўналган касбий таълимда:

-касбий назарий билимлар; -касбий куникмалар; -касбий малакалар; -  
касбий компетентликка эга бўлиш талаб этилади.

Маълумки, касбий таълим – муайян соҳага оид иш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган таълимдир. Касбий таълимда коллеж ўқувчиларига муайян йўналиш бўйича мутахассисларнинг касбий билим бериши ва улардаги касбий кўникма ҳамда касбий малакаларни шакллантириш жараёни, ўқувчиларни муайян касб эгаси сифатида ҳаётга ва меҳнатга онгли равишда тайёрлаш жараёнидир. Ушбу таълимнинг мақсади акмеологик ёндашув тизимини жорий этиш жараёнида касб-хунар коллежи ўқувчисини:

- касбий назарий билимлар, куникмалар ва малакаларни мукаммал эгаллаш;
- касбий компетентлик, касбий қобилият ва касбий йўналганликка эришишини таъминлашга қаратилган.

Бу ерда таълимнинг вазифаси коллеж ўқувчисига касбий билим бериш, уларни тарбиялаш, касбий билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, ёшларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашдир.

Моделда шахсни ривожлантириш ва ўқувчи акмесининг шакллантириш зарурлиги назарда тутилади, бунда инсоннинг мазкур сифатни тарбиялашга имкон берувчи шароитлар, ўқувчини она юрти ва Ватани олдидаги бурч ва масъулиятлар ҳамда унга содиқлик кабиларни тарбиялаш, шахсни ривожланиш жараёнида шахсий таълим ва компетентлик, акмеологик таълим муҳитида фуқароликнинг шаклланиши, ёш динамикаси, таълим-тарбия дастурини ишлаб чиқишининг асоси сифатида қараб чиқилади.

Ўқувчининг касбий акмеологик йўналганлиги, унинг касбий мотивацияси, касбий шаклланишга йўналганлиги, касбни эгаллашда жамоавий ёки индивидуал йўналганлик, касбни эгаллаш жараёнида ўзини-ўзи такомиллаштириш, касбий креатив қобилиятни шакллантириш, баҳолаш даражалари билан аниқланади. Бу ўз навбатида акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш сифати билан боғлик.

Шахснинг касбий йўналганлиги - шахс фаолиятини йўналтирувчи ва мавжуд вазиятларга боғлиқ бўлмаган мотивлар мажмуи. М.И.Дъяченко ва Л.А.Кандибонович касбий йўналганликни қуидагича таърифлайди: касбий

йўналганлик-шахснинг танлаган касбий соҳасида ўз билими, тажрибаси, қобилиятини қўллашга интилиши.

Шахснинг касбий йўналганлиги - касбга ижобий муносабат, мойиллик ва қизиқиш бўлиб, унинг ўзи танлаган касб соҳасида меҳнат қилиб, касбий тайёргарлигини такомиллаштириш, маънавий ва моддий эҳтиёжини қондириш истаги.

Касбий йўналтириш – ўкувчиларга муайян касб-хунар бўйича илмий маълумотлар бериш, уларни шу касбга қизиктириш, касбга йўллаш жараёни бўлиб, бунинг натижасида касбий йўналганликка эришилади.

Касбий акмеологик йўналганлик- аниқ касбий фаолият доирасида иш бажаришга имкон берувчи билимлар, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёни бўлиб, унинг юқори даражаси касбий тайёргарлик даражасини белгилайди:

-янги касбий билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва келгусида меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қилиши;

-мутахассислик таълим йуналиши бўйича эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил, ижодий ишлаши;

-тегишли таълим йуналиши доирасида танлаган мутахассислик бўйича олий таълимда ўқиши давом эттириш, ихтирочилик, мустақил изланувчанликка тайёр бўлиши ва бошқалар.

Касбий акмеологик йўналганлик ёшларнинг тафаккурига, онгига, рухиятига таъсир этиш билан амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида янги педагогик-психологик технологияларни жорий этишни талаб этади. Шу билан бирга инсоннинг турли ҳаёт фаолияти соҳаларида ҳар хил ижтимоий вазифаларни бажаришини назарда тутади.

Касбий акмеологик йўналганлик - шахс йўналганлиги ва акмеологик йўналганликдан ташкил топади.

Шахс йўналганлиги – бу интегратив (яхлит ҳолга келтирилган) сифат, мақсадлар, мотивлар, муҳимлик, интилиш, истак, ният ва бошқалар, шахс фаоллигини аниқловчи ва бу йуналишда фаоллик векторини белгиловчидир.

Акмеологик йўналганлик – шахснинг прогрессив ривожланиши (шунингдек, касбий), максимал касб фаолияти доирасида ва ҳаёт фаолаятида ижодий ўз-ўзини намойиш қилишни йуналтирувчи шахс умумий йўналганлигини сифат характеристикасиdir.

Шахснинг йўналтирилганлиги - деб шахс фаолиятини йўналтириб турадиган ва мавжуд вазиятларга нисбатан боғлик бўлмаган барқарор мотивлар мажмуига айтилади.

Шахснинг йўналтирилганлигига англашган мотивлар асосий роль ўйнайди. Киши эҳтиёжи обьектини мақсад деб англашган ҳолда ўзининг шахсий мақсадларини, жамоанинг мақсадлари билан боғлайди ва ўз мақсадларини тегишли равища ўзгартиради, мазмунга тузатишлар киритади. Шахснинг йўналтирилганлигини ифодалайдиган касбий мотив ва мотивациянинг қондирилиши, инсонда, унинг сўнишига олиб келмайди, аксинча, уни қайта курган, бойитган ва чукурлаштирилган ҳолда билиш фаолиятининг янада юксак даражасига мос келадиган янги мотив ва мотивацияларни келтириб чиқаради.

Касбий мотивация – касбга тегишли вазифаларни бажариш ва касб танлашни белгиловчи, атроф, борлик омиллари, касбга йўналтиришга оид фаолият таъсирида шаклланувчи майл.

Касбий мотив ва мотивациялар барқарорлиги даражасига кўра ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Уларнинг барқарорлиги нисбатан жадал тарзда намоён бўлиши, узок давом этиши билан ифодаланади. Шахснинг эҳтиёжлари ва қизиқишиларини энг кўпроқ даражада намоён қиласиган ва шу боисдан ҳам унинг психологик тузилишига хос хислатларга айланиб қоладиган мотив ва мотивациялари барқарор ҳисобланади ва муайян даражада муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Касбий этика –муайян касбга хос яхши фазилатлар, касбий бурч ва масъулият, мардона касбий мустақиллик каби тушунчаларда акс этади. Хулқ инсон хатти-харакатларида аниқлик касб этади. Касб-хунар коллежи

ўкувчисининг хулқ-атвори акмеологик йўналган тарбия асосида шакллантирилиши кўзда тутилади.

Касбий креатив қобилиятга эга бўлиш – касбий фаолият жараёнида касбий стратегия, стратегик мақсад ва вазифаларни тўғри белгилаш, қарорлар қабул қилиш, меҳнат жараёнини мустақил ижодий лойиҳалаштириш, инновацион касбий фаолиятни ташкил этиш, меҳнат жараёнига тегишли тизимли ёндашувларни лойиҳалаш технологияларини жорий этиш ҳамда бошқарув усуллари, методлари ва тамоилларидан самарали фойдаланишдан иборат касбий техника даражаси.

Касбий компетентлик – касбий фаолиятни амалга оширишда мутахассис томонидан ўзи учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиши.

Компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. Касбий компетенцияга эга бўлган бўлғуси мутахассис:

- давр талабларини чуқур англайди;
- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- янги ахборотларни излаб топади ва уларни ўзлаштиради;
- янги билимларни қайта ишлайди ва ўз фаолиятида самарали қўллайди.

Акмеологик ёндашувни касб-хунар таълимига жорий қилиш самарадорлиги кўрсаткичлари бўлиб, ўқувчиларнинг ўқув ва ўқув-амалий фаолиятининг ижодий, мустақил хусусияти ҳамда уларнинг касб фаолиятининг акмеологик йуналтирилганлиги, таққослаш ва ижтимоий-психологик идентификация, фаолиятни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижобий баҳолаш, муаммоли вазиятларни ва танлаш вазиятларини яратиш, мусобақали ва ўйинли услублар, идеал объектларни ижодий моделлаш ҳисобланади.

Коллеж ўқувчиларида ўз устида ишлаш, ижобий характер хусусиятларини тарбиялаш, салбий хусусиятларни бартараф қилишга ҳаракат

қилиш, яъни шахснинг маънавий-психик хусусиятларининг ривожланиши, уларнинг ўзини-ўзи тарбиялаши тўғри бориши учун уларга раҳбарлик қилиш, ўзаро муносабат, мулоқат ўрнатиш, ўзаро ёрдам кўрсатиш, ўзаро назорат қилиш ташкил қилинди.

Бўлгуси мутахассисларнинг ўз билим ва қўникмаларини, касбий жиҳатдан аҳамиятга эга шахсий сифатларнинг ривожланиш даражасини, доимий равища бойитиб бориш қобилияти, касбий-ижодий ўзини ривожлантиришга ва ўзини намоён қилишга йуналтирилганлик сифатининг устувор кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади. Акмеологик ёндашув тизимини жорий этиш моделида “Акмеологик йўналган тарбия” – бўлажак мутахассисни касбий меҳнат фаолиятига тайёрлаш ва меҳнат бозорида рақобат қила олишга тайёрлиги ва қобилиятини таъминлаш мақсадида ижтимоий етук шахсни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни бўлиб, бу ўқувчининг талаблари, қобилияtlари, руҳий-жисмоний имкониятлари ҳамда ижтимоий, этник омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёни ва ўқув ишлаб чиқариш фаолияти доирасида дастурлаштирилади ва амалга оширилади.

Моделда акмеологик йуналтирилган тарбиявий фаолиятни амалга ошириш, комил инсонни тарбиялаш кўзда тутилади. Ўзини-ўзи ривожлантириш ва бошқариш асосида инсоннинг янги муваффақиятларга эришиш эҳтиёжини такомиллаштириши, фаол ҳаёт тарафдори бўлиш, эзгу фикрлаш ўз имкониятларига ишониш, ҳаёт мазмунини тушуниш ётади.

Касб-хунар коллежи ўқувчисини акмешахс қилиб шакллантириш, унда ахлоқий фазилатларни камол топтириш, ақл-идрок, яхши хулқ, чукур билим, инсонпарварлик билан маънавиятини бойитиш юртимиз равнақида муҳим аҳамият касб этаётган маънавий-ахлоқий қадриятлар, таълим-тарбия ишининг уйғунлиги ва самарадорлигига боғлиқ.

Инновацион акмеологик ёндашувда - касб-хунар коллежи ўқувчисининг касбий ривожланишининг юқори поғонаси, унинг ўзини-ўзи ривожлантириш, назорат қилиш, баҳолаш, ўз устида ишлаш ва шахсий такомиллашувни ташкил этишни қамраб олади. Яъни, тарбияда ўқувчи шахсига акмеологик ёндашув-

унинг ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ўз тараққиётини, эртасини тасаввур қила олиш, касбий этика, касбий маданиятга ва касбий креатив қобилиятга эга бўлиш, бугунги фаолиятидаги муваффақиятлари унга эртага қандай ютуқлар келтиришини англашга олиб келади.

Касб-хунар коллежида шахсни ривожлантириш ва бўлажак касб эгасини тарбиялашда, якка тартибли, гурухий ўқитиш шакллари, шахсларо муносабатлар ва мулоқот, кундалик ҳамкорлик ва ижод билан бойитиладиган йўналиш ҳосил қилинади. Бўлажак кадрларни тайёрлаш учун бундай ёндашув, фикримизча, энг самарали бўлиб, лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида таълим оловчилар касбий-мехнатнинг мақсадлари, вазифалари, обьект, амалга ошириш усуслари ва унинг натижаси билан боғлиқ бўлган хусусиятларни эгаллайдилар.

Таълим жараёнини замонавийлаштириш, инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришда ижтимоий-ахлоқий муҳитнинг етакчи ўрин эгаллаши ва мутахассислар тайёрлаш жараёнида янги жамият кишиси – “Касбий аkmешахс”ни шакллантириш масаласи муҳимлигидан далолат беради. Президент фармонлари ва қарорлари асосида амалиётда ўз ифодасини топаётган баркамол авлод юксак даражада талабга жавоб берувчи акмеологик йўналтирилган тарбиявий янги метод ва воситаларининг касб-хунар коллажлари касбий тарбия жараёнига кириб бориши, касбий аkmешахснинг креатив қобилияти, истеъоди, изланиши ва янгиликка интилиш руҳида яшаш имкониятини яратади.

Мутахассисларни тайёрлаш тизимида акмеологик ёндашувни амалга оширишда ўқувчилар шахсининг акмеологик йўналтирилганлигини, касбкорликнинг ўзак хоссаси ва энг муҳим кўрсаткичи сифатида шакллантириш учун уларга акмеологик таъсир кўрсатилади.

Кадрларни касбий тайёрлаш соҳасида психологик-педагогик фаолиятнинг амалиёти, ўқувчиларнинг ўқиши ва меҳнат қилишининг мотивациясини шакллантириш даражаси ўқув тарбиявий жараённинг муҳим кўрсаткичи эканлигини кўрсатади. Умумий психологик тушунчада, шахс тузилишида мотивация қатор муҳим вазифаларни бажаради, яъни шахснинг мулоқотда

бўлиши, ҳулқи ва фаолияти мотивлари тизими билан уйғотилади, йўналтирилади ва бошқарилади, мотивация ўқувчиларнинг ўкув ишлаб чиқариш фаолияти шароитида шаклланиш ва ривожланишга мойил бўлган, шахснинг мустаҳкам хусусиятидир. Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг мотивациялаш тизимини шаклланиши кўпроқ билимларни эгаллашга, бўлажак, касбга ва касбий фаолият вазифалари ва моҳиятини тушунишга бўлган муносабатга боғлик.

Касб – хунар коллежида “Касбий мотивация”ни шакллантириш ўқувчилар онгида акс этган аниқ ижтимоий-касбий йўналиш таъсирида шартланади, яъни:

-жамоатчилик фикри бўйича касбнинг нуфузи; -мазкур касб бўйича истеъмолчилар учун меҳнат натижаларининг (маҳсулотлар, хизматлар) аҳамияти; -меҳнат бозорида касбга бўлган талаб; -касбий фаолиятнинг ижодий хусусияти; -мазкур касбга бўлган қизиқиш ва яъни яхши мутахассис бўлишга интилиши; -касбий ўсиш, меҳнатда мартабани ошириш истиқболлари кабилар.

Акмеологик ёндашув технологиясида коллеж ўқувчиларининг касбий фаолиятига методологик, назарий ва технологик тайёрлашда ҳар бир ўкув фанининг ҳиссасини таъминлаш; унинг илмий мазмунидан фойдаланиш эҳтиёжлари ва ўқувларини тарбиялаш; барча фанларни ўрганиш мотивациясини ҳосил қилиш; ўқитишининг яхлит ёндашув асосида интеграл фикрларни тарбиялаш; васийлик, ҳомийлик, иш берувчи ташкилотлар талабларини эътиборга олиш лозим.

Бўлажак бўлгуси мутахассисларни тайёрлаш учун бундай ёндашув, самарали бўлиб, улар лойиҳани ишлаб чиқиши жараёнида таълим оловчиларнинг касб эгаллаш билан боғлиқ мақсадлари, вазифалари, обьекти, амалга ошириш усуллари ва унинг натижаси билан боғлиқ бўлган хусусиятларни эгаллайдилар.

Ушбу модел С.Н.Бегидов, С.А.Хазовларнинг бўлгуси мутахассисларнинг касбий тайёрлашда акмеологик ёндашув модели, Б.Б.Маъмуронинг бўлажак ўқитувчиларни акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш

кўникмасини ривожлантириш моделидан фарқ қиласи. Қайд этилган моделларда ташкилий, асосий, диагностик-коррекцион босқичларда маҳсус тренинглар ёрдамида, ўйинли методлар орқали касбий таълимда бўлғуси педагогларни касбий фаолиятга акмеологик ёндашув асосида тайёрлашда когнитив, эмоционал ва мотивацион мезонлар асосида тўрт даражада мақсадга эришиш кўзланган.

Касбий акмеологик таълимда касбий билимларни ўзлаштиришнинг юқори босқичига эришиш, касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш натижасида касбий фаолият самарадорлиги, касбий акмешахсни шакллантиришга эришилади.

Акмеологик ёндашувни жорий этиш натижаси шахснинг акмеологик йўналганлигининг қуидаги компонентларга мос келади:

–касбий-муваффақиятни мўлжаллаш - касбий фаолият қадрияти ижтимоий шарти: баркамол инсон шахси, унинг креатив қобилиятини ривожлантириш, билишга қизиқиш стимуллари, ўз-ўзини ривожлантиришга интилиш ва эҳтиёжни фаоллаштириш ва бошқалар;

-касбий мақсадлар аҳамияти-касбий ижодий фаолиятни ривожлантириш имконияти ва севган машғулоти билан шуғулланиш, касбий ўзини-ўзи такомиллаштириш ва касбий фаолиятнинг ижодий характерга эга эканлиги, касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш;

–касбий мақсадни белгилангандиги-ижтимоий мақсадни англанганлиги, касбий фаолиятда шахсий мақсадларни танлаб олиш ва касбий ўзини-ўзи такомиллаштиришни англаш;

–касбий мотивация-касбий фаолият жараёни ва таркибиға қизиқиш, касбий фаолият натижаси аҳамиятини англаш, сифатли касбий таълим олишга эҳтиёж;

–касбий фикрлаш-касбий муваффақият ва касб маҳоратига эришишга интилиш, ўзини-ўзи ривожлантириш, ижодий касбий фаолиятга тайёрлик, мослашувчанлик ва рефлексия қобилияти, ўзини-ўзи рефлексиялаш.

Бу ўқув-тарбиявий фаолиятнинг адекват воситалари, методлари, усуллари ва ташкилий шаклларини танлаш, ҳамда фойдаланишни, жамоада тегишли

психологик микроқлимни яратиш, педагогларнинг ўқувчиларга ва ўз фаолияти мазмунига нисбатан нуқтаи назарининг ўзгаришини назарда тутади. Акмеологик ёндашув асосида касбга йўналтирилган ўқитишида ўқувчи билимларни ўзлаштириш билан бирга, лойиҳалар яратиш ва амалга ошириш жараёнининг фаол иштирокчиси бўлади.

Билим мавзуси маълумотлар, тушунчалар, назариялар ва қонуннинг ўзигина эмас, балки касбий фаолиятнинг ўзи, билиш жараёнининг натижаси, уни амалга оширишнинг усул ва воситалари бўлади. Жамиятда муносиб ўрин эгаллайдиган мутахассисни шакллантириш амалга оширилади. Ўқувчиларда акмеологик йўналганлик ва креативлик ҳосил қилиниб, касбий аkmешахсни шакллантиришга эришилади. Ўқувчининг касбий йўналган ўқув-билиш фаолияти тарбия ва таълим жараёнида фаоллаштириб борилади.

Акмеологик ёндашувни касб-хунар таълимида амалга ошириш бўлажак мутахассисларнинг касбий мотивациясини кучайтириш, уларнинг ижодий салоҳиятини рағбатлантириш, шахснинг акмеологик йуналтирилишини шакллантириш воситасида касб-хунар фаолиятида муваффақиятга эришиш учун шахсий ресурсларни аниқлаш ва улардан унумли фойдаланишни таъминлайди.

Касбий таълимда ҳар бир инсонга табиат, жамият, инсон ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳақидаги билимлар берилади, ушбу билимларни амалиётда бутун умри давомида қўллаш кўникма ва малакалари шакллантирилади. Таълимда шахс менталитети, интеллекти ва тафаккурини ривожлантириш билан долзарб таълим сифати муаммосини ечиш мумкин.

Шунингдек акмеологик йўналганлик тарбия ва таълим муҳитида амалга оширилади, яъни унга тарбия жараёнида инновацион технологияларни қўллаш, замонавий педагогик-психологик тарбия методларидан фойдаланиш муҳим бўлиб, ўзини-ўзи назорат қилиш; ўзини-ўзи ривожлантириш; ўзини-ўзи бошқариш; ўзини-ўзи баҳолашни шакллантириш орқали эришиш мумкин.

Инновацион дидактик моделда касб-хунар коллежи ўқувчисини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашда, акмеологик

йуналганлик, таълим-тарбия ва педагогик психологик шарт-шароитларни ташкил этиш билан биргаликда, касбий йуналганликни таъминлаш, касбий этикани, касбий билимлар доирасини кенгайтириш, шахсий сифатларга эга бўлишга эришиш кўзда тутилган.

Касб-хунар коллежи ўқувчисини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашда, акмеологик йўналганлик, таълим-тарбия ва педагогик психологик шарт-шароитларни ташкил этиш билан биргаликда, касбий йўналганлик таъминланади, хулқ-автор тарбияланади, касбий билимларни ўзлаштириш даражаси оширилади, ўқувчи шахсий сифатларга эга бўлади, унинг касбий тайёргарлиги, билим, кўникма, малака ва маҳоратлари, билимларни ўзлаштириши ва тарбияланганлик даражалари хар томонлама ривожлантирилади.

Бунда акмеологик йўналганлик - акмеологик таълим-тарбия, акмеологик ёндашув асосида касбий таълим ва тарбияни ташкил этишнинг шакл ва методларидан фойдаланиш; бунинг педагогик-психологик шарт-шароитларини яратиш; касбга йўналтирилган ўқитиш тизимини йўлга қўйиш, замонавий таълим ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш пировардида ўқувчининг касбий креатив қобилият ва касбий компетентликка эга бўлиши, касбий акмеологик йўналганликка эришиш натижасида касбий акме-шахс бўлиб етишиши кўзланди.


Таълим-тарбия жараёнида: касбий назарий билимларни мукаммал эгаллаш; касбий куникмаларга эга бўлиш; касбий малакалар ҳосил қилиш, касбий компетентликка эришиш зарурый педагогик-психологик шарт-шароитларда амалга оширилиши, ўқувчидаги касбий йуналганлик ҳосил қилиш даражаси, унинг хулқ-авторида, касбий маданият, касбий қобилият ва мустақил фикрлашда намоён бўлади. Натижа акмеологик йўналган юқори маррага эришишга йўналтирилган коллаж битирувчиси компетентликка эга бўлган мутахассис, “Касбий акмешахс”нинг шаклланишига ва уни касбий ривожлантиришга олиб келади.

Биз касб-хунар коллежи битиравчисини касбий акме шахс бўлиб этишишини мақсад қилиб олдик ва унга шундай деб таъриф бердик: “Коллеж ўқувчиси эришган касбий акмешахс - касбни эгаллашда юқори даражага эришган, ижодий салоҳияти ва иқтидорини намоён эта оловчи, мустақил касбий фикрловчи, ўзини ўзи ривожлантирувчи, касбий муваффақиятга интилувчи касбий фаолиятнинг етук шахси.

Шаклланганлик кўрсаткичи ва уни ташкил этиш босқичлари, коллежда ўқув тарбиявий жараённи ташкил этишнинг шакли, методлари, воситалари, таълимий ёндашувлар, методологик тамойиллар мажмуи, педагогик-психологик шарт-шароитларни руёбга чиқариш мажмуи, касб-хунар таълимида ўқувчилар шахсида акмеологик йўналганликни шакллантириш ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Уни амалга ошириш булгуси мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш ўқувчи шахсига, унинг қизиқиши, хоҳиш истагига, эҳтиёжига, унинг билим олишга бўлган эҳтиёжи, фан ва техника ютуқлари, жамиятнинг ривожланиш талабларидан келиб чиқади.

### **§2.3.Касб-хунар таълимида акмеологик ёндашувни жорий этишнинг педагогик шарт-шароитлари**

Илмий-педагогик тадқиқот жараёнида олинган педагогик кузатув маълумотларини назарий жиҳатдан таҳлил этиш ва умумлаштириш натижасида, касб-хунар коллежи ўқувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш асосан қуйидаги гуманистик касбий йўналганлик, яхлитлик, ривожланувчанлик, тизимлилик каби тамойилларга асосланиши аниқланди (2.3.1-расм) .



### 2.3.1-расм-Касб-хунар коллежи ўқувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш тамойиллари

Тамойилларнинг қисқача таърифи қуйидагича:

1.Гуманистик касбий йўналганлик тамойили - шахснинг ўзини-ўзи камол топтириши ва касбий ривожланиши, шахсий имкониятларидан унумли фойдаланиш, ташаббускорлик ва фаоллик, мустақил қарорлар қабул қилиш, ўзини-ўзи ижодий намоён этиш сифатларини ривожлантириш назарда тутилади.

2.Яхлитлик тамойили – колледж ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш тизимининг барча компонентларининг ўзаро боғлиқлигини, касбий тайёргарликнинг мақсади, мазмуни, ташкилий шакли ва методлари интеграциясини, бўлажак мутахассисларнинг назарий ва амалий тайёргарлигининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда уларнинг бир-бирига таъсирини акс эттиради.

3.Ривожлантирувчанлик тамойили – колледж ўқувчиларида касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш тизимининг ривожланувчанлик тамойили тизимининг доимий ривожланишини, ўзгарувчан ижтимоий-иктисодий вазиятларга мунтазам мослашувини, шунингдек, унинг

шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашиши даврида барқарор фаолиятини таъминлашни тақозо этади.

4. Тизимлилик тамойили-бўлажак мутахассисларда касбий билим ва кўникумаларни шакллантириш жараёни бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган, кетма-кет амаллар тизимидан иборат бўлишини назарда тутади. Ушбу тамойилни жорий этиш ўқувчиларнинг юқори даражадаги мустақиллиги ва фаол позициясини таъминлаш, уларга ўқув материалларини жадал тақдим этиш, доимий қайтар алоқани ўрнатиш, амаллар аниқлиги ва алгоритми изчилигини таъминлашни кўзда тутади.

Акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришда акмеологиянинг гуманистик касбий йўналганлик, яхлитлик, ривожланувчанлик, тизимлилик каби тамойилларига асосланган ҳолда ўқув-тарбивий жараённи ташкил этиш ўқувчини касбий йўналганликка олиб келади.

Юқорида қайд этилган тамойиллар асосида ўқувчининг ўзини- ўзи йўлга солиши ва қайта тиклаш, касби ва жамиятдаги илмий ютуқларида, маданиятда, техникада ва ички рухиятини, ўзининг қизиқиши, эҳтиёжи ва қобилиятини англаш, ўз ютуқларини, камчилигини ўз фаолиятида кўра олиши каби жиҳатларни шакллантириш учун таълим -тарбия жараёнида касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш акмеологик ёндашувда амалга ошади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 14 мартағи қарорига мувофиқ, бугунги кунда касб-хунар коллежларини қайтадан шакллантириш, ўқув меъёрий-хужжатларни ишлаб чиқишида биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва таклиф этилаётган “Бўлғуси мутахассиснинг касбий компетентлик тамойили”ини тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, амалдаги тармоқ таълим стандартлари ва малака талабларида касбий компетентликка катта эътибор қаратилмаган, ҳозирда жорий этилаётган ўрта мактаб таълимидан кейин касбий ўқишини

(мутахассислик йўналишига кўра) 6 ойдан - 2 йилгача бўлган муддатида касбий компетентликка эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозиргача ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда асосан педагогик ва қисман психологик тамойилларга амал қилиниб келинган бўлса, эндиликда акмеологик тамойилларга ҳам (яъни бир вақтнинг ўзида-педагогик, психологик, акмеологик тамойилларга) амал қилиниши таълим сифатини оширади.

Касбий таълим жараёни учун янги “Бўлғуси мутахассиснинг касбий компетентлик тамойили” касб-хунар коллежи ўқувчисининг аниқ бир касб турига бўлган қобилияти, қизиқиши ва лаёқатини акмеологик диагностика қилиш, педагогик ва психологик нуқтаи назардан ўрганиш, мустақил ҳаётга тайёргарликда олдиндан мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан илмий ва амалий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш, касбий компетентликни шакллантириш масалаларини қамраб олади. Ушбу тамойил касб-хунар коллежида касбий йўналганликни, касбий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласиди. Акмеологик ёндашув асосида таълим жарёнини такомиллаштиришда юқорида қайд этилган тамойиллар ва оптималлаштириш механизмига мос равища, “Акмеологик ёндашув асосида таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш” концепцияси ишлаб чиқилди [4-илова ].

Касб-хунар таълимида акмеологик ёндашувни амалга оширишнинг психологик-педагогик шароитлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

-шахсий шароитлар-педагогларнинг ўз фаолиятларида акмеологик ёндашувни амалга ошириш учун зарур билимларни долзарблаштириш, ҳаракатларнинг ўқувчилар шахсининг ривожлантиришга қаратилган бўлиши;

-акмеологик ривожланиши детерминантини англаш ва ҳисобга олиш (акмеограммани юритиш жараёнида ва бошқалар);

-касб-хунар коллежида акмеологик ёндашувни таълим-тарбия жараёнида қўллашнинг, педагогик ижодкорликнинг психологик атмосферасини яратиш;

-ўқувчиларга касб фаолиятининг касбий ўзини ривожлантиришнинг моҳияти, қадриятлари ва мақсадлари тўғрисида тўлиқ ахборотни ҳиссий-позитив тақдим этиш (“Касб-хунар таълими акмеологияси” факультатив маҳсус 98

курсни ўқитишида, акмеологик ёндашув асосида касбга йўналтирилган ўқитиш тизимида ва бошқалар);

-технологик шароитлар - фаол-фаолиятли, шахсга йуналтирилган, ривожлантирувчи, индивидуал-табақалаштирилган педагогик ёндашувларнинг қоидалари ( индивидуал ривожлантириш дастури, “SWOTT” таҳлили, ўкувчининг электрон портфолиосини юритиш, натижаларни аниқлашга педагогик-психологик ёндошиш ва бошқалар);

-таълимнинг инновационлигига, диалоглигига, контекстлигига, амалиётга йуналтирилганлиги (акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиш тизимида касбий акмешахс бўлиб этишиш технологиясининг ташкилий шаклларини (мустақил изланиш, лойиҳалаштириш, моделлаштириш ва бошқалар) амалга ошириш;

-педагогларнинг акмеологик йуналтирилган тарбиявий фаолиятни ташкил этишга интегратив ёндашиш (гурух раҳбарининг маънавият машғулотлари, коллеж психологининг психологик маслаҳатлари, маҳсус фан ўқитувчиси, ишлаб чиқариш таълими устаси тренинглари ва бошқа акмеологик йўналган таълим-тарбиявий ишларнинг бир мақсадга қаратилганлиги);

-ўйинли таълимнинг воситалари ва услубларини қўллаш, ютуқлар мотивацияси тренинглари, касбий-мотивацион ва рефлексив тренинглар ўтказиш ва бошқалар.

Акмеологик ёндашув асосида ўкувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда:

-коллеж ўкувчиларида касбий фикрлаш маданиятини ривожлантириш (уларда касб моҳияти, касбий масалалар бўйича мулоҳаза юритиш, аниқ касбий вазиятларни таҳлил этиш кўникмасини ривожлантириш, амалий касбий тажрибасини орттириш);

-жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида содир бўлаётган ўзгаришларга битирувчиларнинг ижтимоий мослашуви ва унда йуналиш олишни таъминлаш, шунингдек уларнинг келгусидаги касбий фаолияти учун зарур бўладиган таянч билимларини ошириш;

-масъул касбий қарорлар қабул қилиш бўйича амалий кўнилмаларни таомиллаштириш; ўзини-ўзи камол топтириш, мустақил таълим олиш қобилиятини ривожлантириш, уларни ташаббускор ва фаол бўлишга мустақил изланиш, вазиятларни лойиҳалаштириш, касбий моделлаштиришга ўргатиш кабилар амалга оширилди.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашни таомиллаштиришда:

-жамиятнинг коллеж ўқувчиларини касбий фаолиятга, ҳозирги замон шарт-шароитларига тайёрлаш бўйича ижтимоий буюртмасини замон талабига мос равишда бажаришда, уларнинг касбий билим, кўнима ҳамда шахсий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришга эришилди. Бунда ўқувчилар шахсини ривожлантиришда акмеологик ёндашувни жорий этиш технологиялари муҳим аҳамият касб этди. Булар асосан акметехнологиялар бўлиб, касбий тайёргарлик даражасини оширишга, модернизациялашга хизмат қиласи ва акмеологик ёндашув асосида бўлажак мутахассисларда касбий ижодкорликни шакллантиришнинг илмий асоси сифатида таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг мазкур жараён иштирокчилари, касбий фаолиятнинг етук шахси ва фаол субъектлари тарзида намоён бўлишларига ҳамда уларнинг субъект ва мутахассис сифатида босқичма-босқич, узлуксиз ўзини-ўзи таомиллаштириши ва ўзини-ўзи ривожлантириши учун шароит яратади. Касбий таълимда мутахассисларни тайёрлашда зарур бўлган акмеологик технологиялар таснифи ишлаб чиқилди (2.3.1-жадвал).

### 2.3.1- жадвал

#### **Мутахассислар тайёрлашда қўлланиладиган акмеологик технологиялар таснифи**

<b>Акмеологик технологиялар таркиби</b>	<b>Акмеологик технологиялар тузилиши</b>
Психологик маслаҳат технологияси	Методологик асослари
Тренинг технологиялари	Ишлаб чиқиш принциплари
Ривожлантирувчи акметехнологиялари (-ўзини ўзи англаш технологияси; ўзини ўзи ривожлантириш технологияси; ўзини	Технологик жараён шарт-шароитлари

ўзи намоён этиш технологияси; ўзини ўзи дастурлаштириш; ўзини-ўзи бошқариш; ўзини ўзи тасдиқлаш; ўзини-ўзи намойиш этиш)	
Шахсга йұналтирилған таълим технологиялари	Аниқ вазиятлар таҳлили
Үйинли акметехнологиялар (иш үйинлари, ташкилий үйинлар, блиц-үйинлар, ташкилий-коммуникатив үйинлар, ташкилий-интеллектуал үйинлар, рефлексив үйинлар, дидактик үйинлар, үйин-моделли технологиилар)	Технологиянинг обьекти ва субъекти тавсифи, улар орасидаги ўзаро таъсирнинг ўзига хослиги
Тренингли акметехнологиялар (ижтимоий-психологик тренинг, ўзини ўзи аңглаш тренинглари, видео)	Босқичлар, усуллар (стратегик, тактик) мақсадға эришиш
Мунозарали акметехнологиялар (дидактик, ижодий, үйинли	Натижаларни истиқболлаш усуллари
Компьютерли таълим технологиилари	Татбиқ этиш

Педагогик жамоада акмеологик мухитни шакллантириш, шахснинг акмеологик йўналтирилганлиги аниқ компонентлари контекстидага кўникмаларни ривожлантиришга мўлжалланган ихтисослаштирилган тренингларнинг (рефлексив тренинглар, мақсадга йўналтирилган тренинглар, муваффақиятга эришиш мотивацияси тренинглари) ўтказилди. Тренинг технологияларининг натижавийлиги юқори бўлиб, бунда ўкувчиларни ҳар томонлама шакллантиришга кўмаклашди [5-илова].

### 2.3.2-жадвал

#### Ўкув жараёнида анъанавий ва акмеологик йўналтирилган ёндашувларни қиёсий таҳлили

Анъанавий ёндашув	Акмеологик ёндашув
Ахборотни таълим берувчидан таълим олувчига ўтказиш	Тизимли ёндашув асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш.
Ўқув мақсадларнинг ноаниқлиги, сухбат ва ҳикояга кўпроқ	Ўқув мақсадларини мумкин қадар аниқлаштириш ва уларни таълим олувчининг ҳатти

эътибор бериш	ҳаракатини англатувчи феълларда ифодаланиши.
Таърифлашга кўпроқ эътибор бериш; ахборотни ўз хоҳишига қараб ёдлаш, доимо эслаб қолишга ундаш; хотирада ахборотларни йиғилиши; билиш босқичларини алоҳида олинган фанлар ташкил қилиши, яхлитликнинг етишмаслиги; машғулотлар илмий салоҳиятда ва таълим олувчининг мутахассислиги билан боғланмаган ҳолда олиб борилиши.	Таълим олувчиларни уларнинг ҳатти ҳаракатлари орқали ўқитиши; созловчи қайтувчан алоқа; шаклланувчи ва тўпланувчи баҳолаш; мезоний назорат; билим вакўникмаларнинг тўла ўзлаштирилиши; белгиланган мақсадларга эришишнинг кафолатланиши; ўқитишининг самарадорлиги.

Ўқув жараёнини акмеологик ёндашув асосида ташкил этиш, фанларро боғланиш, илмий таҳминни олға сурисиши ва уни текшириш, ўқувчиларни маълумотлар йиғиш, моделлаш, тажриба ўтказиш, ижодий танқидий фикр юритиши, кўп мезонийлик, асосланганлик, қарор қабул қилиши, ролларни ижро этиши, мустақил ижодий фикрлаш, ақл-заковат, масъулият, маънавий ва ахлоқий сифатларни ривожлантирувчи янгиликларга сезгир бўлишга ундаш ва шакллантириш мумкинлигини 2.3.2-жадвал таҳлилидан кўриш мумкин.

Танлаб олинган тажриба-синов касб-хунар коллежларида ҳар бир ўқувчининг психологик хусусиятларини атрофлича ўрганиш ва унда ижодий индивидуалликни шакллантириш мақсадида ўқувчининг электрон портфолиосини яратиш йўлга қўйилди [6-илова]. “Портфолио” - (итал. portfolio-портфел, ингл. хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Электрон портфолиода ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши, жамаот ишларида қатнашиши, фан тўгаракларидаги фаолияти ва бошқа ютуқлари йиғиндиси сифатида акс эттириш йўлга қўйилди. Ҳар бир ўқувчининг портфолиоси электрон шаклдаги гурӯҳ “Портфолиолар омбори”га жойлаштирилди ва натижалар электрон усулда текшириб борилди, портфолио ва индивидуал касбий ривожланиш дастурининг бажарилиши,

ўқувчининг акмеограммаси тегишли тартибда алоҳида электрон шаклда, махсус (ўқувчининг умумий маълумотлари - Microsoft Access, фанларни ўзлаштириш баҳолари, рейтинг кўрсаткичлари - Microsoft Exsel, даражаларни аниқлаш - Microsoft Word каби) компьютер дастурларида бажарилди.

Ўқувчиларнинг янгиликка интилувчанлиги, ўз тақдирига қизикувчанлиги, эртанги кун ўз истиқболига курашувчанлигидан далолат беради. Бу йўлда уларни тўғри йўналтириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун, ўқувчини инновацион таълим муҳитидаги ўқув фаолияти тузилмаси мотивацион, креатив, технологик ва рефлексив компонентлардан иборат бўлиб, уни ташкил этиш учун гурух раҳбари ва коллеж психологи раҳбарлигига ўқувчининг истиқбол режаларини ишлаб чиқиш учун унинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниши лозим. Буни амалга ошириш учун биз ривожланган мамлакатларда кенг қўлланиладиган “SWOT” усулидан фойдаланилди.

“SWOT” қўйидаги инглизча сўзларнинг бош ҳарфларидан олинган: Strengths – kuchli tomonlar; Weaknesses – kuchsiz tomonlar; Oportunities - imkoniyatlar; Threats – tahdidlar. “SWOT” таҳлилини ўтказишида қўйидаги шаклда жойлаштирилган 4 та тўртбурчакдан иборат жадвалдан фойдаланилди [7-илова]. Таҳлил натижаларига кўра, ўқувчиларнинг ҳозирги ҳолатлари аниқланди. Ўқувчиларининг индивидуал истиқбол режалари ушбу усул ёрдамида ишлаб чиқилди.

Уларнинг келажак истиқбол режаларини белгилаш ёки мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, психологик-акмеологик маслаҳатлар олиб бориш орқали шахсий ва касбий ўсишда ўқувчиларга ёрдам берилди. Тадқиқотда касб-хунар коллекции ўқувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш, касбий тайёргарликлари, билим, кўникма, малака ва маҳоратларини, уларнинг билимларини ўзлаштиришлари ва тарбияланганлик даражаларини ҳар томонлама ўрганиш, ҳамда келгуси фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида, “Индивидуал касбий ривожлантириш дастури” [8-илова] ишлаб чиқилди. У ўқувчиларнинг келажак режаларини бажариши, касбий ва шахс ривожланишини мутаносиб олиб борилиши, акмеологик

ёндашув асосида ўқувчининг индивидуал касбий маҳорат марраларига эришиши, унинг касбий ривожланиш қонуниятларини очиш имконини беради. Унда ўқувчининг касбий йўналганлик, касбий фаолиятга оид ишларни мустақил амалга ошириш ва руҳиятнинг касбий аҳамиятга эга хусусиятлари ва шахсий сифатларнинг мавжуд даражалари педагогик-психологик ўрганилди, ҳамда ҳар бир ўқувчининг юқоридаги омиллар бўйича истиқбол режалари белгиланди.

Фиждувон политехника касб-хунар коллежи, Фиждувон “Армечан” майший хизмат кўрсатиши касб-хунар коллежи, Муборак саноат касб-хунар коллежи, Муборак ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиши касб-хунар коллежи, Навоий архитектура ва қурилиш касб-хунар коллежи, Навоий техника иқтисодиёт касб-хунар коллежи, Пахтачи хизмат кўрсатиши ва сервис касб-хунар коллежи, Пахтачи автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежларида тажриба-синовда иштирок этаётган ўқувчиларнинг индивидуал ривожлантириш дастури бўйича -касбий йўналганлик; -амалий кўникма; - шахсий сифатларнинг мавжуд даражаси ҳозирги ҳолат бўйича“паст”, “ўрта”, “юқори” кўрсаткичларда аниқланди [8-илова].

Ҳар бир ўқувчига ўзининг индивидуал кўрсаткичларини тўғри англаб етиши ва ўзининг истиқбол вазифаларини педагоглар ёрдамида тўғри белгилаши, ўзини ўзи назорат қилиб қатъий равишда индивидуал кўрсаткичларини ошириб бориши учун шарт-шароит ва муҳит ҳосил қилинишига эътибор қаратилди. Даражаларни аниқлашда 100 баллик тизимда ўқувчиларнинг индивидуал кўрсаткичлари, яъни “Касбий йўналганлик”, “Амалий кўникма”, “Шахсий сифатлар” каби индивидуал ривожланиш даражалари аниқланди. Масалан, А-23 кодидаги ўқувчининг “Касбий йўналганлик даражаси”-76 балл яъни “4”, “Амалий кўникма даражаси”- 69 балл яъни “3”, “Шахсий сифатлар даражаси”- 62 балл яъни “3” баҳога тўғри келса, унинг индивидуал кўрсаткичи “паст” яъни “3” деб белгиланди.

Ўқувчиларнинг шахсий сифатлари гурух раҳбари ва коллеж психологи ҳамкорлигига юқоридагилар сингари даражалар аниқланди. Бу ўқувчини

ўзини-ўзи назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантириш билан бир вақтда унинг ўз устида ишлаш, муваффақиятлар сари ҳаракат қилиш хусусиятларини шакллантиради.

Ўкувчиларнинг электрон портфолиоси, индивидуал касбий ривожланиш дастури, натижаларини электрон усулда қайд этиб бориш, индивидуал психологик-акмеологик маслаҳатлар, “Электротехника ва электроника асослари” фани мисолида электрон ўқув контент ёрдамида: виртуал ўқув, замонавий ахборот коммуникация, электрон-ўқитиши имкониятлари кенгайтирилди, электрон ахборот-таълим ресурслари яратилди.

Касб-хунар коллежларида таълим тизимини ташкил этишининг замонавий усуллари, воситалар ва шаклларини, акмеологик ёндашув асосида мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш билан қўйилаётган талабларни бажаришга эришиш мумкин. Акмеология усулларида (ривожланиш усуллари, технологиялар, видеотренинг жараёнлари) маданий – ижтимоий ғояларнинг тикланиши, иқтидорлиларни руҳий қўллаб-қувватлаш, умумлаштириб айтганда меъёрлар асосида ўзини ўзи йўлга солиш ва қайта тиклаш, касбидан ва жамиятдаги ютуқларидан, маданиятдан, техникадан ва ички рухиятини, ўзининг қизиқиши, эҳтиёжи, қобилиятини англаши ўз ютуқларини, камчилигини ўз фаолиятида кўра олишидир.

Яъни, акмеологиядаги мавжуд усуллар:

-Ёшлар ўзларининг ижод қобилиятини қонуний меъёр орқали бошқара олиш ва бу жараёндаги фаолиятини юқори чўққига кўтариш.

-Шахс эстетикаси ва интеллектининг юқори босқичга етишдаги объектив ва субъектив бирликлардаги ва зиддиятли таъсир омиллари.

-Ўзини ўзи ўқитиши, ўзини ўзи ташкиллаштириш ва бошқариш кабилар.

Ўқитувчининг акмеологик йўналтирилган ўқитишини ташкил этишининг асосий шакллари қуидагилар: тадқиқотчилик, мустақил изланиш, конструкциялаш, моделлаштириш, лойиҳалаш, мунозара, “Касбий жанг”, лойиҳалар тақдимоти, омилкор ўйин, психологик маслаҳатлар, тренинг ва

бошқалар бўлиб, улар шахснинг акмеологик йўналтирилганлигининг яхлит ривожига имкон беради.

Акмеологик ёндашув асосида касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида ҳар бир ўқувчининг шахсий ривожланиш ва касбий такомиллашиш даражаси амалдаги тайёрлаш даражасидан юқори кўрсаткичга эга бўлади. Ўқувчининг акмеологик йўналганлигини ташкил этиш мухим бўлиб, юқоридаги методикалар ёрдамида унинг касбий ва шахсий сифатларини акмеологик диагностика қилиш ва динамикасини аниқлаш З-бобда амалга оширилди.

Компьютерли таълим технологиялари ёрдамида ўқитишни ташкил этиш учун ахборот технологиялари ёрдамида “Электротехника ва электроника асослари” фани бўйича электрон ўқув контент яратилди ва касбий таълимга электрон ўқув контент тушунчаси киритилди.

“Электротехника ва электроника асослари” фани бўйича электрон ўқув контент (“Content” – таркиб, мазмун деган, баъзан ахборот билан тўлдирилганлик маъносини англатади) ва фан бўйича фаол ўқитиш шаклини ташкил этишга хизмат қилувчи барча турдаги электрон ўқув материаллар мажмуи ҳисобланади.

Электрон ўқув контент-муайян фан бўйича фаол, фаолиятли, индивидуал ўқитиш шаклини ташкил этишга хизмат қилувчи, электрон ўқув манбалар, электрон тест, 3D-электрон китоб, электрон видео, маъруза, анимацияли маърузалар, аудио ва видео ўқув фильмлари, график тасвирлар ва бошқа электрон ўқув материалларини ўз ичига олади.

“Электротехника ва электроника асослари” фани электрон-ўқув контент - мультимедиа –(электрон шаклдаги график, матнли, рақамли, овозли, мусиқали, видео, аудио, фотография, ҳаракатланувчи образлар (анимациялар) ва бошқалар); электрон альбом (электротехник расм, сурат, чизма (схемалар) ва бошқа график тасвирлар, уларнинг изоҳларини ўзида акс эттирувчи электрон шаклдаги тўплам); аудио ва видео визуал материаллар, ўқув ахборотларини компьютер технологияси ёрдамида овозли ва визуал шаклда қабул қилинишини

таъминловчи материаллар; презентация (тақдимот; лот. “praesentatio” – тақдим этиш) – муайян мавзу ёки муаммо бўйича ўқув (илмий, амалий) характердаги материалларнинг иш қоғозлари (оддий ёки ватман қоғозлар) ҳамда ахборот-коммуникацион воситалар (компьютер, проектор, процесор ва бошқа қурилмалар ёрдамида тақдим этиш) каби компьютер технологияларининг дастурий ва техник имкониятлари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация эфектлари асосида ўқув материалини ўқувчиларга етказиб берилишини мужассамлаштирган электрон ўқув маҳсулотлари мажмуи ҳисобланади.

Электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш-ўқитишининг мавжуд ва янги технологик шаклларини ўзаро мувофиқлаштиради, ўқувчилар томонидан ўқув ва мутахассислик фанлари асосларини мустақил ўзлаштирилиши учун қулай педагогик ва технологик шарт-шароитларни вужудга келтиради.

“Касб-хунар коллежи ўқувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш” электрон қўлланма дастури компьютер ёрдамида ўқув-тарбиявий жараённи такомиллаштиришга мўлжалланган электрон ўқув контент таркибидаги дастурий восита бўлиб, уни маҳсус фан ўқитувчилари, гурух раҳбари, коллеж психологи каби масъул шахслар дастурга кириш коди ёрдамида уни ишга тушириш, дастурдаги акмелогик технологиялар методлари, акмеология тестлари, акмеологик тренингларни амалга ошириш ва назоратнинг электрон шаклларидан унумли фойдаланиш мумкин.


Таълимнинг инновацион замонавий таркиби хилма-хил бўлиб, бериладиган ахборот ҳажми аниқ тузилишга эга бўлиши, ўқувчи уни ўзлаштириши ва кундалик фаолиятда қўллай олиши керак. Бунга мос ҳолда “Касб-хунар коллежи ўқувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш” электрон қўлланма дастури яратилди. Ушбу электрон дастур таълим жараёнида акмеологик ёндашувни жорий этиш ва таълим натижаларини электрон шаклларини жорий этишда қулай восита ҳисобланади.

Таълим жараёнини акмеологик ёндашув асосида ташкил этиш, таълим жараёнини модернизациялашга, таълим берувчи ва таълим оловчи фаоллигига ва таълимда ижобий натижаларга эришишга хизмат қиласи (2.3.2-расм).

Касбий таълимда ахборот-коммуникацион технологиялари акмеологик ёндашувни самарали жорий этишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қиласи.

Таълим жараёнини акмеологик ёндашув асосида замонавий ташкил этишда компьютерли ўқитиш, мониторинг ва баҳолашни комплекс электрон амалга ошириш учун iSpring компьютер дастури имкониятларидан фойдаланилди.

Тадқиқот ишида маҳсус фанларни ўқитишда мультимедиали ўкув курсларни яратиш имкониятини берувчи педагогик дастурий воситалар ичидаги юқори рейтингга эга бўлган iSpring дастури қўлланилди.iSpring Free дастури .PPT, .PPTX, .PPS, .PPSX форматдаги файлларни Flash (SWF) ва HTML5 форматига конвертациялаш имкониятини берадиган муаллифлик дастури хисобланади ва дастур орқали фойдаланувчилар Flash-роликлар ва YouTube-видео ресурсларни PowerPoint тақдимот слайдларига жойлаштириш мумкин.



2.3.2-расм. Таълим жараёнини акмеологик ёндашув асосида модернизациялаш

iSpring Free дастури мутлоқ текин ҳисобланади. iSpring Free дастуридан ташқари имконияти күпроқ бўлган iSpring Suite дастури ҳам мавжуд бўлиб, бу дастур орқали юқори даражада сифатли электрон ўқув контент яратилди. Бунда биринчи навбатда iSpring Suite асбоб ускуналари орқали (QuizMaker, iSpring Visuals, iSpring DialogTrainer) фанлар бўйича электрон дарсликлар, видеомаъузалар яратишга эришилди

[9-илова], QuizMaker орқали электрон назорат тестлари ва акмеологик-психологик-педагогик сўровномалар яратилди ва амалиётга жорий этилди.

Шу билан бир қаторда iSpring Visuals дастури ёрдамида 3D китоблар, глоссарийлар яратади. Кенгайтирилган iSpring Suite 7 пакети ўзида қуйидаги имкониятларга эга: PowerPoint муҳитида ўқув курслари ва Flash-тақдимотларни яратиш (iSpring Pro); интерактив тестлар, сўровномалар ва анкеталарни ишлаб чиқиш;

(iSpring Quiz Maker); электрон курсларни иллюстратив имкониятларини ошириш учун интерактив элементларни яратиш (iSpring Kinetics);

3D - китоб яратишида дастурнинг “Интерактивности” қисмида 4 турдаги интерактив элементларни яратиш мумкин: китоб (Книга), глоссарий ёки каталог (Каталог), савол-жавоб (Вопрос-ответ). Интерактив элементлар ёрдамида ихтиёрий матнли ёки график ахборотларни осонлик билан тизимлаштириш мумкин.

Дастур автоматик тарзда 3D-китоб макетини яратади. Шундан сўнг 3D-китобни интернетга жойлаш ва ўқувчиларга тақдим этиш мумкин бўлади. Китобни нашр этгандан сўнг, китобни браузер ойнаси ёки Adobe Flash Player ёрдамида кўриш мумкин.

Электрон ўқув контент ҳар бир ўқувчини касб-ҳунар колледжида таълим жараёнида юқори мэрраларга эришишини мўлжаллашда, унинг ўзини шахсий сифатларни такомиллаштиришга, муваффақиятга, маданий ривожланиш етуклигига ва ўзини-ўзи ривожлантириш жараёнидаги сифатлар, ўзини-ўзи англаш асосида маънавий-ахлоқий сифатларга эришишга интилишида муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Компьютерли таълим технологияларидан фойдаланишда электрон ўкув контент ёрдамида:

- 1) реал ишлаб чиқариш фаолиятига мос келувчи ҳажм, психологик ва мантиқий-таркибий тузилма моҳиятга кўра ўкув ахборотини тўла тақдим этилишини таъминлаш;
- 2) ўкув ахборотларининг тезкор янгиланишини инобатга олган ҳолда уларни тақдим этиш тезлигини зарур даражада бўлишига кўмаклашиш;
- 3) ўкувчиларга бажарилаётган иш-ҳаракат ёки фаолият сифати ҳақидаги маълумотни беришда тезкорликни таъминлаш;
- 4) ишлаб чиқариш устасига ўкувчи фаолиятини назорат қилиш ва унга зарур ўринларда маслаҳат, йўналиш ҳамда кўрсатмалар бериш имконияти яратилди.

Акмеологик ёндашув асосида педагогик вазиятларни ташкил этиш, ўкувчиларни касбий мулоқотга жалб этиш, тадқиқотчиликка ундаш, диалогта асосланган муаммоли-изланувчан вазиятларни ҳосил қилиш, электрон ўкув контент ёрдамида билимларни мустақил ўзлаштиришни ташкил этиш шулар жумласидандир. Касб-хунар коллекции ўкувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш тизимини яратиш ҳамда уни таълим жараёнида жорий этишдан асосий мақсад уларда касбий ва шахсий аҳамиятга эга сифатларни, эҳтиёж ва қизиқишлиарни, касбий фаолият мотивларини, билим ва кўникмаларини ривожлантиришdir.

Касб-хунар коллекцияда замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни шакллантиришда, ҳаётй талаблар даражаси, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чукурлашиб бориши, мантиқий фикрлаш қаби талаблар қондирилишини акмеологик ёндашув асосида таъминлаш мумкин.

Касбий акме-шахс - касбни эгаллашда юқори даражага эришган, ижодий салоҳияти ва иқтидорини намоён эта оловчи, мустақил касбий фикрловчи,

ўзини-ўзи ривожлантирувчи, касбий муваффақиятга интилувчи касбий фаолиятнинг етук шахси.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш” электрон қўлланма дастури, “Электротехника ва электроника асослари” фани бўйича электрон таълим ресурслари яратилди. Жумладан, электрон ўқув контент “Content” – инглиз тил. таркиб, мазмун деган, баъзан ахборот билан тўлдирилганлик маъносини англатади. Электрон ўқув контент-муайян фан бўйича фаол, фаолиятли, индивидуал ўқитиш шаклини ташкил этишга хизмат қилувчи, электрон ўқув манбалар, электрон тест, 3D-электрон китоб, электрон видео, маъруза, анимацияли маърузалар, аудио ва видео ўқув фильмлари, график тасвирлар ва бошқа электрон ўқув материалларини ўз ичига олади.

“Мутахассислар тайёрлашнинг анъанавий ёндашуви ва акмеологик йўналтирилган ёндашувларни қиёсий таҳлили орқали акмеологик ёндашув асосида таълим олувчилар шахсини ривожлантиришнинг илмий педагогик асослари, компетентли мутахассисни шакллантириш механизми, мутахассислар тайёрлашда қўлланиладиган акмеологик технологиялар таснифи, Ўқув жараёнида анъанавий ва акмеологик йўналтирилган ёндашувларни қиёсий таҳлили ишлаб чиқилди.

### **III БОБ. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ**

#### **§3.1. Назарий ва амалий касбий таълим жараёнида (“Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитиши мисолида) акмеологик ёндашувни жорий этишнинг шакли, методи ва воситалари**

Акмеологик ёндашувдан фойдаланиш бўлажак мутахассислар касбий тайёргарлигини оширишнинг ўзига хос тизимини яратиш ва унинг тузилмавий вазифавий компонентларини ишлаб чиқиши, шунингдек, амалга оширишнинг педагогик-психологик шарт-шароитларини аниқлаш ва уни амалда жорий этиш имконини беради. Акмеологик ёндашувда акмеологик тренинг технологияларининг натижавийлиги юқорилиги ва ўқувчиларни ҳар томонлама шакллантиришга қўмаклашиши нуқтаи назаридан, касбий таълимда акмеологик муҳит яратиш ва ўқувчиларга муваффақиятли касбий таълим-тарбия беришнинг акмеологик технологиялари ишлаб чиқилди [9-илова].

Касб-хунар таълими тизимида акмеологик ёндашувни амалга оширишнинг туб моҳияти, тадқиқотнинг йўналганлиги ва ўқувчиларнинг ижодий потенциалини фаоллаштиришга таъсир этишни шакллантирувчи, уларнинг касбий мотивация ва фаолиятда муваффақиятга эришиш мотивацияси, ўқувчиларда прогрессив, замонавий таълим ва тарбия методлари асосида, замонавий технологияларни, ўзини-ўзи тарбиялаш ва ўзини-ўзи ривожлантиришга шарт-шароит яратишдан ташкил топган. Акметехнологиялар, компьютер технологиялари ва замонавий таълим технологиялари ёрдамида шахсни касбий йўналтиришда юқори марраларга эришиш “Электротехника ва электроника асослари” фани мисолида тадқиқ этилди [10-илова].

Акмеологик ёндашув асосида “Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитишида таълимнинг касбий йўналганлигини таъминлашни амалга оширишда касбий мазмундаги масалалар ва амалий топшириқлардан фойдаланилди. Акмеологик ёндашув асосида касбий-амалий йўналган масалалар таълимда касбий йўналганликни таъминлашнинг тўртинчи

йўналишини, касбий ривожлантирувчи масалалар эса, иккинчи йўналишни амалга оширишнинг асоси ҳисобланади.

Акмеологик ёндашувни жорий этишни ташкил этиш методи, шакл ва воситалари “Электротехника ва электроника” ўқув предмети мисолида ишлаб чиқилди. “Электротехника” фани мисолида олинишининг сабаби, ушбу фан:

-физиканинг электр қисми бошқа (механика, кинематика каби) бўлимларига нисбатан анча мураккаб, чунки электр энергиясини ўкувчи кўзи билан кўриб, қўли билан ушлай олмайди, балки онги билан идрок этиши лозим;

-бугунги кун турмуш тарзимиз (электр чироқлари, телевизор, радио, компьютер, видео-аудио, ҳар хил турдаги электр асбоблари ва ҳоказолар) электр энергияси билан боғлиқ экан, ҳар бир инсон у ҳақида яхши, тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим;

-ушбу фан аксарият касб-хунар коллежларида техникавий, умумкасбий фан сифатида ўқитилади ва мутахассислик предметларининг асосий пойдевори ҳисобланади;

-“Электротехника ва электроника асослари” фани касб-хунар коллежларида кўпгина мутахас-сисликлар пойдевори бўлиб ҳисобланади;

-бўлимлардаги физик катталиклар анча осон бўлиб туюлади, лекин уларнинг аниқ мазмунини билиб олишда муаммолар пайдо бўлади, иккилинишларга олиб келади. Бўлимларни яхши ўзлаштириш ўкувчига навбатдаги бўлимларни яхши тушуниб олишига кенг имкон беради;

-“Электротехника” фанининг ўзи “Электр ўлчашлар”, ”Электр машиналари”, “Электр узатмалар”, “Электроника асослари”, “Электро-монтаж ишлари”, “Электр занжирлари ва назарияси” ва бошқа маҳсус фанларни ўрганишда, фанлараро алоқадорликни таъминлаш билан бир қаторда, у фанларни ўрганишда пойдевор бўлиб хизмат қиласи;

- Электромонтажчи, ЭХМ оператори, электромеханик, техник, радиотехник, электрогазпайвандчи, автомат жиҳозларини созловчи ва бошқа шу каби касблар бўйича бўлғуси мутахассислар тайёрлашда ушбу фанни пухта ўрганиш жуда муҳим.

Демак, касб-хунар коллежи ўқувчиларида касбий билим ва кўникмаларни такомиллаштириш бир-бирлари билан ўзаро боғланган тузилмавий ва функционал компонентлардан ташкил топган тизимдир. Ушбу тизим ўзига хос хусусиятга эга. Битирувчиларда касбий билим ва кўникмаларни такомиллаштириш тизимиning тузилмавий ва функционал ташкил этувчилари доимо ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлади. Бу ўзаро боғлиқлик ва таъсирни унинг яхлитлиги, интегративлиги, ривожланувчанлиги, мослашувчанлиги, технологик характерини белгилаб беради. Шу сабабли, Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитищда таълимнинг педагогик-психологик-акмеологик вазифалари интеграциясини таъминлаш асосида мунозарали акметехнология, ривожлантирувчи акметехнология, тренингли акметехнология ва ўйинли акметехнологияларни қўллаш методикалари ишлаб чиқилди.

Электротехника ва электроника асослари фанини ўқитищдан мақсад: касб-хунар коллежи ўқувчиларига электр ва магнит ҳодисалари ҳақида билим бериш, электротехник ишлаб чиқариш саноати ва майший хизматда техник қўллашнинг масалаларини ҳамда электрон қурилмаларини ўргатишдан иборат. Ундан ташқари физиковий ҳодисаларни ўргатиш билан бир вақтда ўқувчиларда амалий фаолият учун зарур бўлган ҳисоблаш методлари, масалалар, машқлар бажариш, электр занжирларни ва электрон қурилмаларни йиғиш, тадқиқ қилиш, таҳлил қилиш бўйича кўникмалар ҳосил қилишдир [2-илова]. Кўйилган талабларнинг бажарилишига эришиш ва ҳатто юқори кўрсаткичларга етишиш мақсадида, “Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитищда акмеологик ёндашув асосида касбий йўналганликни таъминлаш илмий тадқиқ қилинди.

Акмеологик ёндашув асосида “Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитища таълимнинг касбий йўналганлигини таъминлаш Р.М.Зайнининг таъкидлашича, таълимнинг касбий йўналганлигини фаолияти билан нафакат бевосита боғлиқлигини, шунингдек, унинг мазмунини ўзлаштиришда касбий аҳамиятга эга билимлардан фойдаланиш имкониятини ҳам эътиборга олиш керак.

Фикримизча, “Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитишида таълимнинг касбий йўналганлиги ўқувчиларнинг “Электротехника ва электроника асослари” фани асосларини чуқур ўрганишига, касбий қизиқишини янада ривожлантиришга, уларни амалий фаолиятда электротехник билимлардан фойдаланиш имкониятлари билан таништиришга, бўлажак мутахассислар шахсида касбий аҳамиятга эга сифатларни шакллантиришга имкон беради. Акмеологик ёндашув асосида “Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитишида таълимнинг касбий йўналганлигини таъминлашнинг беш йўналиши қўйидагича:

Биринчи йўналишда ўқувчиларда электротехника фани асосларини ўрганишига қизиқиш оширилади, уларда ўқув-билиш фаолиятига аниқ мотивациялар пайдо бўлиши учун шарт-шароитлар яратилади. Бу ўқувчининг электротехника мазмунини чуқур ўзлаштиришларига замин ҳозирлайди. Бунда касбий аҳамиятга эга маълумотлардан, замонавий таълим технологиялари, жумладан акметехнологиялардан фойдаланилади.

Иккинчи йўналишда бўлажак мутахассислар касбий фаолият жараёнида физикавий методлардан фойдаланиш имкониятлари билан таништирилади. Бунда мутахассисларнинг касбий фаолиятида қўлланиладиган электротехник билимлардан фойдаланиб, амалий топшириқлар ва масалалар ечилади, ишлаб чиқариш таълимида устоз-шогирд тизимида индивидуал ёндашиш, акмеологик мезон-касбий ижодкорликни, касбий креатив қобилиятни шакллантириш амалга оширилади.

Учинчи йўналишда эса касбий фаолиятнинг турли жиҳатларини тавсифловчи маълумотлардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг касбий фаолиятга қизиқиши, касбий мотивацияси, акмеологик йўналган таълим амалга оширилади. Касбий компетентликка эришилади.

Тўртинчи йўналишда “Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитиши жараёнида акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларда касбий аҳамиятга эга сифатлар ривожлантирилади. Акмеограмма, индивидуал ривожланиш дастур кабилар қўлланилади, касбий компетентлик шакллантирилади.

Бешинчи йўналишда “Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитиши жараёнида ўқувчи шахсида акмеологик йўналганлик, касбий акмеологик йўналганлик, касбий акмешахсни шакллантиришга эришилади.

“Электротехника ва электроника асослари” барча техник ва энергетик табиий-илмий билимларнинг методологик асоси ҳисобланади. Электротехник билимлар амалий фаолият масалаларини ечишда самара беради. Касб-хунар коллажларида электротехникани ўқитиши, ҳам ўқувчининг умумий тайёргарлигини таъминлайди, ҳам таълимни давом эттириш учун пойдевор яратади.

Фанни ўқитишида таълимнинг касбийлигини таъминлаш биринчи навбатда ўқитувчига боғлиқ бўлиб, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида электротехника ўқитишида ўқувчиларга нафақат билим бериш, балки уларда касбий ва шахсий аҳамиятга эга сифатларни, касбий мотивацияни шакллантириш мухим аҳамиятга эга.

Касбий таълимда шахснинг акмеологик йўналганлигини ташкил этиш унинг келгусидаги меҳнат маҳсулдорлиги юқори, ижодкорлиги юксак бўлади ва доимий ўз устида ишлиши натижасида юқори мэрсаларга тез эришишга олиб келади. Бу ўз навбатида корхона ва ташкилот иш унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Демак, “Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитишида таълимнинг касбий йўналганлиги: а) касбий мазмундаги масала ва топшириқлар; б) касбий-амалий йўналганлик масалалар; в) касбий ривожлантирувчи масала ва топшириқларни бажариш орқали таъминланади. Дарс жараёнида анъанавий ёндашувдан кўра, акмеологик йўналтирилган ёндашувнинг самараси юқори бўлиши мумкин (3.1.1-жадвал). Дарс жараёнида акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларнинг мустақил изланувчан ўқув-билиш фаолиятларини ривожлантириш, ўқув материалини мустақил равишда моҳиятига тушунган ҳолда ўзлаштирилишига имкон бериш, Блум таксономияси соҳаларининг (1. Когнитив (билишга оид); 2. Аффектив (хиссиётли-қадриятли); 3. Психомотор (ҳаракатга оид), шунингдек, Америкалик

олим Г.Оллпортнинг ижтимоий установка компонентли тизими (А. Когнитив компонент - установка объектига алоқадор билимлар, ғоялар, тушунча ва тасаввурлар мажмуи; Б.Аффектив компонент - установка объектига нисбатан субъект ҳис қиласидан реал ҳиссиётлар- эмоционал муносабатлар; В. Ҳаракат компоненти - субъектнинг объектга нисбатан реал шароитларда амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари мажмуи (хулқда намоён бўлиш) га эришиш мумкин [1-илова]

### 3.1.1-жадвал

#### **Дарс жараёнида анъанавий ва акмеологик йўналтирилган ёндашувларнинг қиёсий таҳлили**

Анъанавий ёндашув	Акмеологик ёндашув
Тайёр ахборотларнинг ўқитувчидан ўқувчига узатилиши	Ахборотларни ҳамкорликда излаш
Ўқувчининг мақсади аниқлаштирилмаган	Мавзу бўйича ўқувчи олдига аниқ мақсаднинг қўйилиши
Ҳикоя қилиш ва сұхбат усулига асосланган	Ўқувчининг ҳатти-ҳаракати орқали ўқитиш
Маълумотларни хотирада сақлаш	Маълумотларни ўзлаштириш орқали кўникма ҳосил қилиш
Ўқитувчи бераётган билим абсолют ва мунозара этилмайди	Альтернатив маълумотлар ва жавобларга имкон берилади
Ўқитувчи фаол, ўқувчи-талабалар нофаол	Ўқитувчи ва ўқувчилар маълумотларни излашда ва ўзлаштиришда ҳамкор

Электротехника фанини ўқитишида, мавзулар техник мавзулар бўлганлиги сабабли, уларни тезда тўғридан - тўғри ўқувчининг онгига етказиш бироз мушқул ва самарасиз.

Шунинг учун, мавзуни ўқитишини бир неча босқичда амалга ошириш, акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиш тизимида “Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитишида ўқувчининг когнитив (билишга оид); аффектив (ҳиссиётли-қадриятли); психомотор

(ҳаракатга оид) мунтазам равища ўзининг касбий маҳоратини оширишга тайёргарлик, шахсий имкониятларини долзарблаштириш ва амалга жорий этиш, мустақил равища билим, қўникма ва малакаларни ўзлаштириш қобилияти, ўзини доимо ривожлантиришга интилишига эришишнинг ўқитишида педагогик технология мониторинги ишлаб чиқилди [ 12-илова].

Бу ерда биринчи босқичда: Акмеологик ёндашув асосида “Электротехник” катталикларни электрон усулда ўрганиш, электротехник катталикларни электрон усулда ўрганишни амалга ошириш, “Электротехника ва электрника асослари” фани қонунлари, электротехник катталиклар, қоидаларни эсда сақлаш кўзда тутилди.

Иккинчи босқичда эса, электрон ўкув контент ва турли акмеологик технологияларни уйғунликда қўллаш орқали, ушбу фаннинг мавзулари моҳияти ва аҳамиятини тушуниб этиш, бунда мавзулардаги электротехник қоидалар, қонуниятлар ва формуласаларни исбот эта олиш кўзда тутилган.

Шунингдек навбатдаги босқичлар 3.1.2-жадвалда кўрсатилганидек амалга оширилади. Шунга кўра дарсни интерфаол тизими ишлаб чиқилди.

### 3.1.2- жадвал

#### **2 соатлик дарс учун акмеологик йўналган интерфаол дарс тизими (Электротехника ва электроника асослари фани мисолида)**

Психотехнология-мотивацион, когнитив, эмоционал, ривожлантириш технологияси ёрдамида мотивацияни ҳосил қилиш	5 фоиз 4 дақиқа
Янги электротехник билимлар натижаларини тасаввур этиш (акметехнология методи ёрдамида)	5 фоиз 3 дақиқа
Ўқитувчи ахбороти, (видеоусул, электрон кўргазмалар, видеомаърузалар, электрон дарсликлар - электрон ўкув контент воситасида), назарий қисм. Савол –жавоблар	15 фоиз 14 дақиқа
Касбий-ҳолатий акмеологик тренинг, мақсадга йуналтирилган дастурий-мақсадли акмеологик тренинг машқлари, амалий ва мустақил иш (Электр ускуналарда ёки компьютерда бажарилади). Баҳолаш	65 фоиз 53 дақиқа
Дарсни якунлаш, иш жойини, хонани тартибга келтириш	10 фоиз 6 дақиқа

Бундан мақсад барча ўқувчиларни дарсга баробар жалб қилиш, уларнинг касбий мотивациясини оширишдир. “Электротехника ва электроника асослари” фани бўйича 2 соатлик дарс учун акмеологик йўналган интерфаол дарс жараёни академ вақти маҳсус фоизлар ва дақиқаларга ажратилди.

Юқоридаги жадвалда 2 соатлик дарснинг умумий ҳолда 100 фоиз ҳисобида олиб, (80 дақиқа)да бажариши лозим бўлган вазифалар тақсимланиб, фоизларга ажратиб тўлиқ дарс тизими ишлаб чиқилди. Таълим жараёнини замонавий ташкил этишда компьютерли ўқитиши, мониторинг ва баҳолашни комплекс электрон амалга оширишда iSpring дастуридан фойдаланиб яратилган электрон ўқув контент қўлланилди.

“Электротехника ва электроника асослари” фани бўйича акмеологик йўналган 2 соатлик интерфаол дарс тизимида – педагогик-психологик мотивация ва янги электротехник билимлар натижаларини тасаввур этиш, яъни дарснинг ташкилий қисмида бажариладиган вазифаларга 5 фоиздан, 4, 3 дақиқа ажратилди.

Дарснинг назарий қисмида янги мавзу бўйича ўқитувчининг ахбороти, электрон ўқув контентда видеомаъруза, электрон кўргазма ёки электрон дарсликдан фойдаланиб янги мавзу ахборотларини олиш учун эса, 15 фоиз, 14 дақиқа ажратилди. Дарснинг асосий қисми, яъни акметехнологиялар методларини қўллаш, интерфаол машқлар бажариш, амалий ва мустақил ишлаш учун 65 фоиз, яъни 53 дақиқа ажратилди, бу вақт ичida ўқитувчининг ўқувчилар фаолиятини баҳолаши ҳам назарда тутилди. Дарсни якунлаш, электр жиҳозлари, компьютер ва техник воситалар ишини якунлаш, иш жойини тартибга келтириш вазифаларини бажаришга 10 фоиз, 6 дақиқа ажратилди. Шу тартибда дарс олиб борилганда яхши натижага эришилди.

“Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитишида “Устоз-шогирд” усулида ўқувчининг акмейўналганлигини шакллантиришга эришиш мухим. Бунинг учун юқорида қайд этилган акметехнологиялар, касбий ижодкорликни шакллантирувчи методлардан, ахборот технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда “Устоз” ўз билим ва тажрибаларини

ўргатади. “Шогирд” уларни ўзининг билим ва малакалари билан амалга оширади. Бунда ўқувчи назарий ва амалий билимларни тўла-тукис ўрганади. Акмеологик ёндашув асосида касбга йўналтирилган ўқитиш тизимида Электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишда “Устоз – шогирд” услубида ўқитувчи ва ўқувчи фаоллиги мазмуни ишлаб чиқилди [13-илова].

Ўқувчилар билан ишлаб чиқариш таълими жараёнида индивидуал ишлаш ва уларга индивидуал топшириқлар бериб, ҳар бир ўқувчининг фаолиятини индивидуал назорат қилиш электрон усулда олиб борилди, бунда унинг акмеограммасини ҳар семестрда шакллантириб, натижаларни ҳаммага тақдим этилиши ўқувчи фаоллигини оширади. Электротехника фани бўйича дарслар шартли равищда икки қисмга бўлинди (3.1.3-жадвал).

### 3.1.3-жадвал

#### **Акмеологик ёндашув асосида “Электротехника ва электроника асослари” фани бўйича назарий ва амалий дарсларнинг тақсимланиши**

1-қисм. Назарий	2-қисм. Амалий
Ўтилган мавзуни мустақил тақрорлаш	Чизма (схема)ни иш дафтарига чизиш
Техника хавфсизлиги қоидаларини ўрганиш	Схемаларни йиғиш ва улашни бажаришга тайёрлаш
Янги мавзуни акмеологик ёндашув асосида мотивацияни шакллантирган ва электрон ўқув контент воситаларидан фойдаланган ҳолда тушуниш	Мавзуни моҳиятини англаб етиш, формулалар ва янги ўқув материалини ўрганишга психологик тайёр бўлиш
Амалий ишлар мазмунини тушуниш	Электр асбобларни тайёрлаш, схемаларни йиғиш. Мустақил иш бажариш.
Электротехник катталиклар, қоидаларни ўрганиш. Схемалар, чизмаларни ўқий олиш, мунозарали акметехнологиялардан фойдаланиш.	Техникавий ўқув материалини ўзлаштириш. Схема (модел)ни ишга тушириш. Ўз-ўзига ишонч ҳосил бўлиши
Электрсхемалар, моделлар, электр асбоблар ва электр катталикларнинг моҳиятини англаб етиш. Ўзлаштиришниң энг юқори босқичига эришиш.	Схемадаги электр катталикларни текшириш. Назарий билимларни мустақил амалий қўллай олиш. Касбий ижодий фикрлашни шакллантириш.

Хар бир қисмда бажарилиши лозим бўлган вазифалар мажмуида акмеологик ёндашув асосида “Электротехника ва электроника асослари” фани бўйича назарий ва амалий дарсларнинг тақсимланиши ишлаб чиқилди.

Назарий ва амалий дарсларда ўқувчиларда акмеологик ёндашув асосида “Электротехника” фанини ўзлаштириш даражасини аниқловчи мезонлар ўкув жараёнида педагогик ва психологик методлардан комплекс фойдаланиш, акметехнологияларни самарали қўллаш натижасида фанни ўзлаштиришнинг юқори даражаси, ўқувчининг ўз касбий акмесига эришишини таъминлаш йўллари ишлаб чиқилди [14-илова]. Биз томонимиздан шакллантирилган методлардан бири- “Жумбоқли электр сақлагичлар” методини ўтказиш методикаси ишлаб чиқилди [15- илова ].

“Электротехника ва электроника асослари” фани мисолида акмеологик ёндашув-инновацион таълимни амалга ошириш, краетивликни шакллантиришнинг амалий асослари, акметехнологияларнинг ўқувчиларга муаммоларни, унинг ташкил қилувчи элементларни шакллантиришни ўрганишга, излашнинг бош мақсадини ажратишга, турли-туман характердаги масалалар ечимларининг ўхшашларини қидиришга имкон берувчи “Синектика” методи - ўқувчиларга муаммоларни, унинг ташкил қилувчи элементларни шакллантиришни ўрганишга, излашнинг бош мақсадини ажратишга, турли-туман характердаги масалалар ечимларининг ўхшашларини қидиришга имкон беради. Уларга мисол қилиб қуидагиларни келтириш мумкин: тўғри (муайян масалага ўхшаш масалалар қандай ечилади), шахсий (муайян масалада берилган объект образига киришга ҳаракат қилиш ва шу нуқтаи назардан мулоҳаза юритишга уриниб кўриш), символик (икки жумла орқали масаланинг моҳиятини образли аниқланишини бериш), фантастик (бу масалани эртак қаҳрамонлари қандай ечган бўлар эдилар). Бунда бўлажак мутахассисларда синектик фикрлаш қобилияти шаклланади: абстракциялаш моҳияти, музокара предметидан ҳаёлий ажralиб олиш, ҳаёлларга, фантазияларга мойиллик, ўзгаларни эшитиш маҳорати, ҳамкасб томонидан айтилган ғояларга чидамли муносабатда бўлиш, оддийдан ғайриоддийни, ғайри оддийдан оддийни топиш

одати, ўхшатишлардан моҳирлик билан фойдалана олиш қобилияти шаклланади [16-илова].

Кўрилаётган техник тизимга мос бир неча тузилмавий ёки функционал хусусиятларини ажратиш асосида, уларнинг ҳар бирига муайян алтернативлар рўйхатини тузиб, морфологик кути ёки матрица деб номланган жадвалга солинади ва турли вариантларни комбинациялаган ҳолда масаланинг янги ечимлари бўлажак мутахасислар техник масалалар ечимларининг барча мумкин бўлган элементларини комбинациялашга ўргатувчи “Техник ечимларнинг морфологик таҳлили ва синтези” методи; қасбий мотивацияни ривожлантириш ва қасбни эгаллашга қизиқтириш методларидан замонавий “SMART” методини “Электротехника ва электроника асослари” ўқув предметини ўқитишида қўллаш методикаси ишлаб чиқилди [17-илова].

“SMART”- S-specific аниқ, конкрет-ўз мақсадингизни (вазифани) аниқ ва лўнда қўйишга ҳаракат қилинг. у мавхум узун ва тушунарсиз бўлмаслиги керак; M-measurable ўлчовли - мақсадингизни (вазифани) ифодалаганингизда эришмоқчи бўлган натижани ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткичларни акс эттиринг; A-achieveable эришиладиган- қўйган мақсадингизга (вазифани) ҳақиқатда қанчалик амалга ошира оламан ва эришаман деган саволни беринг; R-relevant, real асосланган- мақсад мавзуга, ўқувчилар ёшига уларнинг билим ва қўнималари даражасига тўғри келиши лозим; T-time-bounded вақт билан чегараланган - мақсад вақт билан чегараланган бўлиши лозим.

Амалий қасбий таълимда: маҳсус фанлар бўйича амалий-лаборатория машғулотлари; маҳсус технология ёки бир неча маҳсус технология фанлари бўйича ўқув амалиёти; ишлаб чиқариш (технология) амалиёти; диплом олди амалиёти каби қасб-хунар коллежларидағи амалий қасбий таълимнинг асосий мазмуни ўқувчиларга танлаган қасбига хос бўлган ишлаб чиқариш технологияси жараёнини режалаштириш, тайёрлаш, амалга ошириш, назорат қилиш ва хизмат кўрсатиш йўлларини ўргатди. Акмеологик ёндашувни қўллаш, ушбу жараёнда, мосланувчан ва ижодий бўлишни талаб этиш билан биргалиқда, у муайян тизимга солинади, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ақлий ва

жисмоний меҳнат фаолиятини акмеологик технологиялар ёрдамида ташкил этиш натижасида тегишли касбий кўникмаларни янада самарали шакллантиришга йўналтирилади.

Амалий касбий таълимни акмеологик ёндашув асосида ташкил этишда: акмеологик мўлжалли асослар яратилади ва дастлабки кўринишида бир қатор таянч операциялар ўзлаштирилади; сўнг бу операциялар такомиллаштирилади ва янгилари ўзлаштирилади; навбат билан операциялар аста-секин мураккаблаштирилиб, мажмуавий ишлар бажарилади, касбга тегишли малакани ўзлаштирилишини юқори даражаси таъминланади.

Амалий касбий таълим жараёни - бу ўқувчини касбий фаолиятга ўргатувчи, касбий шакллантирувчи ва ривожлантирувчи жараёндир. Шунинг учун ҳам бунда акмеологик технологияларни қўлланиши ва жамиятда тўпланган ижтимоий касбий тажрибани ўзлаштириш шарт-шароитлари амалий касбий таълимни тизимли ташкил этишни тақозо этади.

- амалий касбий таълим тизимининг мазмуний жиҳати касб-хунар колледжлари ўқувчиларида касбий кўникмаларни шакллантиришга имкон берувчи, оддийдан мураккаблашиб борувчи таркибий қисмлар (амалий-лаборатория ишлари; ўқув амалиёти; ишлаб чиқариш амалиёти; диплом олди амалиёти)да акмеологик таълим муҳитини яратиш;

- амалий касбий таълим тизимининг методик жиҳати касб-хунар колледжларида амалий-лаборатория ишлари, ўқув амалиёти, ишлаб чиқариш амалиёти ва диплом олди амалиётини ўтказиш жараёнида маҳсус фанлар ўқитувчиларининг (ишлаб чиқариш таълими усталарининг) ўқитиши (ўргатиши, йўл-йўриқ бериши) фаолияти ва ўқувчиларининг ўқув (ўрганиши) фаолиятида акмеологик касбий йўналганликни таъминлаш.

Бунда, ўқитувчиларнинг (ишлаб чиқариш таълими усталарининг) ўқитиши (ўргатиши, йўл-йўриқ бериши) фаолияти қўйидагилар билан шартланади:

- ўқувчиларда тажриба ишларини ва ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатини мустақил, ижодий бажариш ва ўзини ўзи назорат этиш тўғрисида тасаввурлар, фикрлар ва ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш;

- тажриба ва ўқув-ишилаб чиқариш ишларини ижодий индивидуалликда бажаришга ўқувчиларни йўналтириш ва фаолиятга умумий раҳбарлик қилиш;
- ўқувчиларнинг тажриба ва ўқув-ишилаб чиқариш ишларини бажариш, муаммоларни мустақил ҳал қилиш, касбий қобилиятларни ривожлантириш борасидаги ютуқларини таҳлил ва назорат қилиш, касбий билим ва кўникмалар шаклланишини текшириш ва баҳолаш.

Ўқувчиларнинг ўқув (ўрганиш) фаолияти қўйидагилар билан шартланади:

- ўқитувчиларнинг (ишилаб чиқариш таълими усталарининг) йўриқли кўрсатмаларини тўлиқ тушуниш, мушоҳада қилиш ва олдинда турган ишларни мустақил режалаштириш;
- тегишли дастурлар доирасида меҳнат жараёнлари усуллари ва операцияларини бажаришга оид тажриба ишлари ва ўқув-ишилаб чиқариш меҳнатини мустақил бажариш, муваффақиятларга интилиш;
- ўзини ўзи ва гурухдаги бошқа ўқувчилар томонидан бажарилган тажриба ишлари ва ўқув-меҳнат фаолияти ҳамда бажарилган ишлар натижаларини назорат, хуоса, таҳлил қилиш.

Касб-хунар коллежлари ва таянч корхона, ташкилот ёки муассасада амалга ошириладиган тажриба-синов ишлари ҳамда ўқув-ишилаб чиқариш меҳнати жараёнлари ўқувчиларда бошланғич, оралиқ ва тугал даражадаги касбий кўникмалар мажмуининг шаклланишига имкон беради. Ўқувчиларда акмеологик ёндашув асосида касбий маҳорат асосларини шакллантиришнинг асосий кўрсаткичлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

*1.Акмеологик ёндашув асосида ўқувчилар ўқув-меҳнат фаолиятида асосида шахсий ва касбий сифатини таъминлаш:*

- тажриба ва ўқув-ишилаб чиқариш ишларини методик (технологик) асосланган ҳолда танлаш, амалий касбий таълимнинг ўқув-моддий жиҳозланишини юқори даражада таъминлаш;
- меҳнатни тўғри ташкил этиш ва унга ўргатишда педагогик-психологик-акмеологик таълим методикасини сифатли татбиқ этиш;

-ўқувчиларга ўзини ўзи назорат қилиш, когнитив, аффектив, психомотор, креатив шакллантириш усулида таълим бериш, уларнинг тажриба-синов ва ўқув-ишилаб чиқариш ишларида ўзаро ва жамоатчилик сифат назоратини қўллаш;

-ўзини-ўзи ривожлантиришга йўналган фаолиятни ташкил этиш асосида нуқсониз натижага эришиш (маҳсулот ишилаб чиқариш) тизимини йўлга қўйиш;

-тажриба ва ўқув-ишилаб чиқариш ишлари сифатини оширишда моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини жорий этиш.

*2. Акмеологик ёндашув асосида ўқувчилар ўқув-ишилаб чиқариши ишларида юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш:*

-ўқувчиларнинг тажриба ишлари ва ўқув-ишилаб чиқариш меҳнатини педагогик-физиологик жиҳатдан тўғри меъёrlаш;

-маҳсус фанлар ўқитувчилари ва ишилаб чиқариш таълими усталари томонидан ўқув-ишилаб чиқариш ишларини акмеологик технологиялар ёрдамида ташкил этиш, ўқувчиларга вақтдан, жиҳозлар, ускуналардан оқилона фойдаланишга оид йўл-йўриклар бериш;

-тажриба ва ўқув-ишилаб чиқариш ишларида ўқувчилар томонидан меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларини излаб топишга йўналтирилган маҳсус индивидуал топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш;

- тажриба ва ўқув-ишилаб чиқариш ишларини бажаришда вақтни тежашга имкон берувчи, юқори унумли технологиялар қўлланилишини йўлга қўйиш.

*3. Акмеологик ёндашув асосида ўқувчилар ўқув-ишилаб чиқариши ишларида касбий компетентликни эгаллаш:*

-касб асосларини дастлабки ўзлаштиришда меҳнатнинг тўғри усулларини пухта ўрганиш ва мустақил бажаришга эришиш;

-тажриба-синов ва ўқув-ишилаб чиқариш ишларини йўриқ хариталарни қўллаш орқали ўрганиш;

-маҳсус фанлар ўқитувчилари ва ишилаб чиқариш таълими усталари томонидан амалий касбий таълимнинг барча босқичларида ўқувчиларнинг

мехнат усулларидан тўғри, самарали фойдаланишига доимий талабчанликни таъминлаш, касбий мотивацияни ривожлантириш;

- ўқувчиларнинг тажриба ва ўқув-ишлиб чиқариш ишларида машқ жиҳозлари ва мосламаларидан фойдаланиш, касбий фикрлаш, меҳнатнинг тўғри, самарали усулларини таркиб топтириш;

-меҳнат усулларининг тўғри бажарилишини тажриба-синов ва ўқув-ишлиб чиқариш ишларини баҳолашнинг муҳим мезонларидан бири сифатида белгилаш.

*4. Акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларнинг ўқув-ишлиб чиқариш ишларида меҳнатнинг илғор усулларини эгаллаш:*

-ўқувчиларга амалий касбий таълимнинг дастлабки босқичларидан бошлаб эгаллаш мумкин бўлган энг илғор, янги меҳнат усулларини ўргатиш;

-меҳнатнинг илғор, янги усулларини эгаллашга имкон берувчи тажриба-синов ва ўқув-ишлиб чиқариш ишларини танлаш;

-ўқувчиларнинг меҳнатнинг янги, илғор усулларини эгаллашлари бўйича маҳсус машқлар, акмеологик йўналган топшириқларни бажаришни ташкил қилиш;

-ўқувчиларнинг малакали ишчи ёки мутахассис иш ўринларида меҳнатнинг илғор усулларини бевосита ўрганишларини акмеологик йўналганликни ташкил этиш.

*5. Акмеологик ёндашув асосида ўқувчилар ўқув-ишлиб чиқариш ишларида техникавий маданиятни шакллантириши:*

-тажриба ва ўқув-ишлиб чиқариш ишларини мустақил-изланувчан бажариш жараёнида ўқувчиларнинг назарий билимларини амалда қўллашини рағбатлантириш;

-ўқувчиларни йўл-йўриқлар ва технологик интизомга амал қилишнинг педагогик-психологик-акмеологик шарт-шароитларини яратиш;

-ўқувчиларнинг ишлиб чиқариш (технологик) ва диплом олди амалиётини илғор, замонавий технологияли ишлиб чиқиш жараёнида ташкил қилиш;

-янги замонавий жиҳозларнинг технологик имкониятларидан унумли фойдаланишга имкон берувчи тажриба-синов ва ўқув-ишлаб чиқариш ишлари, технологиялари ва режимларини танлаш;

-ўқувчиларнинг янги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштиришлари учун ҳаракатланувчи машина ва ускуналарда (машқ жиҳозлари ва мосламаларида) маҳсус машқлар, викториналар, мусобақалар ташкил этиш.

*6. Акмеологик ёндашув асосида ўқувчилар ўқув-ишлаб чиқариши ишларидағи мустақиллигини шакллантириши:*

-ўқувчиларни тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш ишлари жараёнида мустақил қарор қабул қилиш талаб этиладиган шароитларга (вазиятларга) тушириш;

-турли хил тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш ишлари вазиятларида ўқувчиларнинг мустақил қарорлар қабул қилишларига имкон беоувчи маҳсус машқлар, топшириқ, лойиҳаларни бажарилишини ташкил этиш;

-ўқувчилар билан тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш ишларига оид ўйинли акметехнологияларни ўтказиш;

-ўқувчилар томонидан дарсларда ва уй вазифаларини бажариш жараёнларида акмеологик ташхис қўйиш ва олдиндан айтиш мазмунидаги технологик топшириқларни ечиш;

-ўқувчиларни доимий равишда ишларнинг бориши бўйича ўзини-ўзи назорат қилишга, акмеограмма, электрон портфолио, индивидуал касбий ривожланиш дастурини юритиш кабиларни ўргатиш.

-ўқувчиларни жорий хатоликлар, мураккабликлар ҳамда иш натижалари таҳлилига кенг жалб қилиб, ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг сифати ва самарадорлигини ошириш йўлларини ҳамкорлиқда излаш.

*7. Акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариши ишларида касбий креатив қобилиятни шакллантириши:*

-ўқувчиларни тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш ишларида мумкин қадар тез-тез билим ва кўнималарини ижодий қўллаш шароитларига тушириш;

-акмеологик ёндашув методлари, амалий касбий таълимнинг фаол шакл ва усулларини (сухбат, мунозара, технологик топширикларни ечиш, ўқувчиларнинг ихтирочилик таклифларини муҳокама этиш, ўқувчилар томонидан технологик жараёнларни мустақил ишлаб чиқиш кабилар) кенг жорий этиш;

-ўқувчиларнинг ижодий мазмундаги топширикларни бажариши (носозликларни излаш, ихтирочилик, мосламаларни конструкциялаш, модернизация, технологияларни таомиллаштириш ва х.к.);

-ўқувчиларнинг ижодий ютуқларини кенг намойиш этиш; ўқувчилар ижодий фаолияти бўйича тажриба алмашинувини ташкил этиш.

8. Акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариши ишларида касбий маданиятни шакллантириши:

-ўқувчиларни ўзлари томонидан амалга ошириладиган тажриба-синов ишлари ва ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатини, амалий иш лойиҳаларини батафсил режалаштиришга ўргатиш;

-ўқувчиларда касб этикаси, эстетикаси, саришталик, виждонлилик, шараф ва ғуур, касбий маданият, касбий нафосат фазилатлари ва меҳнат жараёнида ўзаро муомала маданиятини шакллантириш;

-ўқувчиларнинг тажриба ишлари ва ўқув-ишлаб чиқариш меҳнати учун хавфсиз шарт-шароитлар яратиш;

-ўқувчиларга тажриба ишлари ва ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришда хавфсизлик қоидалари ҳақида мунтазам йўл-йўриклар бериб бориш, мустақил изланувчанликни шакллантириш;

-ўқувчиларнинг тажриба ишлари ва ўқув-ишлаб чиқариш ишлари жараёнида хавфсизлик қоидаларига амал қилинишини мунтазам назоратга олиш.

9. Акмеологик ёндашув асосида ўқувчилар ўқув-ишлаб чиқариши ишларидаги меҳнат фаолиятининг иқтисодий-экологик мақсадга мувофиқлигини шакллантириши:

-ўқувчиларда ўзи бажараётган меҳнат фаолиятини иқтисодий-экологик таҳлил этиш, касбий қизиқиш қобилияларини ривожлантириш;

-ўқувчиларнинг тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш ишларида иқтисодий-экологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ технологияларни танлашини рағбатлантириш;

-акмеологик технологиялар ёрдамида ўқувчиларни бажарилаётган меҳнат жараёнларини иқтисодий-экологик асослашга, имкони борича иқтисодий ҳисоб-китобларни бажаришга, ишларни бажаришнинг иқтисодий-экологик жиҳатдан қулай ва хавфсиз усулларини қўллашга ўргатиш.

Тажриба-синов сўнггида касб-хунар коллежларида ўқув машғулотлар самарадорлигини оширишда, акмеологик ёндашув технологияларини қўллаш натижасида касбга бўлган муносабат, дунёкараш яна бир бор аниқланди ва олдинги ҳолатидан фарқ қилувчи ҳолат вужудга келди.

Касб-хунар коллежларида битирувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини оширишда акмеологик ёндашув асосида пухта ишланган индивидуал касбий ривожланиш дастур, ўқувчининг электрон портфолиоси, SWOTT-таҳлили ва истиқбол режаларни ишлаб чиқиш, касбий компетентликни шакллантириш методлари, акмеограмма натижалари, касб-хунар таълими акмеологияси махсус ўқув курси, инновацион таълим жараёни асосида, аниқ мақсад ва фаолият мазмунини белгиланган ҳолда олиб борилган ўқув жараёни ўқувчилар томонидан касбий фанларни чуқур ўзлаштирилишига эришиш уларда ўзини-ўзи тарбиялаш, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўз муваффақиятларига интилиш фаолияти кўникма ва малакаларнинг таркиб топтириш ҳамда ўқувчиларнинг бу борадаги фаолликларини таъминлашга олиб келди.

“Альтернативлар, имкониятлар, танлов” (АИТ) методи. Ушбу метод диққат - эътиборни йўналтиришнинг бир усулидир. Фикрлаш жараёнида илгарига ҳаракат қилмай биз “параллел” имкониятларни қараймиз. Оддий сўз ўйини бир сўзнинг альтернатив кўринишларидан фойдаланишга асосланган.

Альтернативлар турли тоифали бўлиши мумкин:

Идрок этиш. Бир нарса турли позициялардан қаралиши мумкин.

Фаолият. Муайян вазиятда фаолиятнинг турли усуллари мавжуд.

Ечим. Муаммонинг ечимини альтернатив варианлари.

Ёндашувлар. Муаммонинг ечимини топиш мақсадида унга турлича ёндашувлар,

Тушунтиришлар. Рўй берган ҳодиса, воқеа ва шу кабиларни альтернатив тушунтириш. Фанда - альтернатив гипотезалар.

Дизайн. Дизайннинг альтернатив варианлари (иншоатлар, машиналар, реклама ва бошқаларнинг кўринишлари).

Альтернатив варианларни излашга қарор қилиб, қандай мақсадни кўзлаётганимизни аниқ тасаввур қила олишимиз лозим.

АИТ мақсадга йўналтирилган ҳолда қўлланилсагина, унинг самарадорлиги юкори бўлади.

Ҳар бир бўлғуси гуруҳдан саволнинг жавоблари тўғрилик даражасига кўра альтернатив вариантилар рўйхати шакллантирилиб, муҳокама қилинади.

### **§3.2. Акмеологик ёндашув асосида мустақил таълим ва аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этиш**

Тадқиқотнинг кўрсатишича, ўзини-ўзи ривожлантирувчи механизмлар субъект-субъектли ўзаро таъсиранувда шахснинг акмеологик ривожланишини амалга оширади, ўзини асослашни, ўзи фаолият юритишни, шахснинг мустақиллигини шакллантиради ва шахс руҳиятининг ёшга қараб ривожланиши хусусиятларини шакллантириш ҳисобига илк ёш даврида шахснинг акмеологик ривожланишини таъминлайди, бунда илк ёшлик даврида шахснинг акмеологик ривожланиш компонентлари ривожининг бир хил бўлмаслиги, бир жинсли бўлмаслиги, турли суръатда ривожланиши ҳисобга олинади.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчиларнинг ҳафталик мустақил ишларининг умумий ҳажми 16 соатни ташкил этади. Тайёрлов йўналишларининг фанлар бўйича ўқувчиларнинг мустақил ишига раҳбарлик қилиш юклamasи (ишчи ўқув режасининг 11-устунида келтирилган) фан

ўқитувчиларининг шахсий иш режасининг ташкилий-услубий бўлимида 400 соат доирасида акс эттирилган. Педагогик кузатишларда мустақил таълим ва аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этиш, ўқувчиларнинг мустақил ишларни бажаришларида илмий-амалий ишларни кучайтириш, касбий акмеологик йўналганлик, касбий креативликни шакллантириш зарурлиги аниқланди.

Касбий акмеологик йўналганликнинг таркибий қисми ижодий фикрлаш, ижодий ўкув, тарбиявий, тадқиқотчилик, фаолиятга креатив қобилиятлилик, янгилик яратувчанлик, интилувчанлик, касбий вазифаларни оқилона мустақил ҳал этиш, ўз фаолиятини мустақил лойиҳалай олиш, касбий ижодий вазифаларни ҳал этишга имкон берувчи фикр, вазиятларни лойиҳалаштириш ва моделлаштиришни шакллантириш кабиларни қамраб олади (3.2.1 -жадвал).

Касб-хунар коллежи ўқувчиларида креативликни шакллантиришда Drapeau Patti томонидан таклиф этилган креативлик харитасидан фойдаланиш мумкин. Фан ўқитувчилари акмеологик ёндашув асосида касбга йўналтирилган ўқитиши жараёнида ўқувчиларнинг электротехник билимларни ўзлаштиришида креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш, амалий креатив ҳаракат кўникмаларини ривожлантириш, креатив фаолият жараёнларини ташкил этиш, креатив ишланмалардан фойдаланишга эришиш билан ўқувчиларда касбий-ижодий, креатив ривожланиш ҳосил қилишга эришилади.

### 3.2.1-жадвал

#### **Акмеологик ёндашув асосида бўлажак мутахассисларда касбий креативликни шакллантириш босқичлари**

Босқичлар	Мазмуни
Назарий билимларни ўзлаштириш босқичи	Акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиши тизимида фанларнинг назарий асосларини ўзлаштириш, инновацион таълим акмеологик касбий таълим ва тарбия асосида касбий билимларни ўзлаштириш
Амалий кўникмаларни шакллантириш босқичи	Акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиши тизимида ўзлаштирилган назарий билимларни ишлаб чиқариш таълими, ўкув амалиёти ва ишлаб чиқариш амалиёти даврида, шунингдек, амалий машғулотлар, мустақил таълим жараёнида амалиётга тадбиқ этиш

	кўникмаларини ҳосил қилиш, мустақил касбий лойиҳаларни бажариш
Амалий кўникмаларни малакага айланишига эришиш босқичи	Акмеологик ёндашув асосида касбий йуналтирилган ўқитиш тизимида касбий билимларни мустақил равишида ўрганиш ва ижодий изланиш асосида ҳосил қилинган амалий кўникмаларнинг малакаларга айланишига эришиш, касбий ижодий фикрлаш
Касбий креативликка тайёрланиш босқичи	Мавжуд назарий билим, амалий кўникма ва малакаларга таянган ҳолда касбий фаолиятни самарали ташкил этиш, касбий креативликка педагогик-психологик-акмеологик жиҳатдан тайёрланиш

Маълумки, педагоглар раҳбарлиги ва назорати остида ўқувчи умумтаълим ва касбий фанлар, касб ва ихтисослик бўйича назарий ва амалий ишларни мустақил равишида бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш, ривожлантириш, фикрлаш ва ижодкорлигини ошириш, ахборот коммуникацион технологиялар билан мустақил ишлаш қобилияtlарини юксалтириш мақсадида мустақил таълим ва дарсдан ташқари машғулотлар ташкил этилади. Бунда, акмеологик ёндашув асосида ўқувчилар томонидан касбий билим, кўникма ва малакалар тизимини онгли ва пухта ва юқори даражада ўзлаштирилишини таъминлаш учун мутахассислик бўйича мустақил ишлар ва аудиториядан ташқари ишларни жиддий ўйлаб танлаш лозим бўлади.

Саёҳат, маслаҳат, уй иши, ўқув конференциялари, қўшимча машғулотлар, семинар - практикумлар, синов ва имтиҳонлар, дарсдан ташқари машғулотлар, ўқувчиларнинг мустақил ишлари ёки машқ қилишлари турлича, улар педагогик жиҳатдан илмий асосланган, дидактик қонун-қоидаларга биноан тузилган тизим бўлиб, технологик жиҳатдан маълум кетма-кетлиқда кўзланган билимларни эгаллашни, акмеологик ёндашув ёрдамида юқори даражага кўтариш назарда тутилди.

Касбий билимларни такомиллаштириш, кўникма ва малака даражасида шакллантириш мақсадида мустақил таълим ва аудиториядан ташқари тўгарак,

қўшимча машғулот кабиларда, машқ мосланмалари жиҳозлари, қурилмалари, техник, технологик объектлар тузилиши ва вазифаларини моделлаштириш; назария билан амалиётнинг ўзаро алоқасини таъминлаш, техник-технологик объектларнинг турли иш режимларини қўп марта такорий бажариб кўриш; ўзини-ўзини назорат қилиш қобилиятини шакллантирувчи акмеологик йўналган машқлардан фойдаланилди.

Бунда, ўқувчининг ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйготиш, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб, берилган топшириқларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўргатиб борилди. Шунингдек, таълим мақсадлари ҳам қўйидагicha: билим, маълумотни ривожлантириш; маълумотни янги босқичда эгаллаш; далилларни ҳосил қилиш; маълумотлардан фойдаланиш, машғулот жараёнида билим, кўникмани ривожлантириш; янги сифатларни ҳосил қилиш; билиш қизиқишиларни қондириш каби белгиланди.

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини, ижодий ва ижтимоий фаолликка, касбга бўлган қизиқишиларини шакллантириш, ижодий қобилиятларини, касбий фаолияти давомида зарур бўладиган билим ва маҳоратни олишга бўлган интилишларини ривожлантиришга, дунёқарashi ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиришга, шунингдек ўз мавқенини белгилаш ва қобилиятларини руёбга чиқаришдек хусусиятларни юзага чиқаришга қаратилган акмеологик ёндашув асосида мустақил таълим ва аудиториядан ташқари машғулотлар (фанларни мустақил ўрганишда кутубхона фондида мавжуд бўлган ўкув адабиётларидан фойдаланиш; берилган вазифаларни ўз вақтида бажариш; танлаган мутахассислиги ва касби бўйича билим ва кўникмаларни мустақил равишда ўзлаштиришда фан ўқитувчилари ва муҳандис-педагоглар маслаҳатларидан фойдаланиш; электрон дарсликлар,

электрон мультимедиали ўкув қўлланмаларидан ҳамда касбга оид бошқа маълумотларни фан ўқитувчилари ва муҳандис-педагоглар ёрдамида ўзлаштириш; интернет ва электрон почта тармоғидан фойдаланишни ўзлаштириш; мустақил иш ва топшириқ, лойиҳаларнинг натижаларини касбий фанлар кафедраларида гурӯҳ иштирокчилари иштирокида тақдим қилиш (реферат, курс иши, турли модел ва схемалар) ва бошқалар) акмеологик ёндашув асосида ташкил этилди.

Бунда, аудиториядан ташқари (тўгарак, коллоквиум, тренинг, танлов, конкурс каби) машғулотлар ва мустақил таълимнинг ташкилий шакллари: айрим касбий фанларнинг назарий мавзуларини ўкув адабиётлари, дидактик материаллар ҳамда электрон ўкув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш; таълим муассасасининг ўқувчилар конференциялари ва семинарлари маъruzалари билан қатнашиш; лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш; курс иши (ложиҳаси) ни бажариш; ўкув ва ишлаб чиқариш амалиётидаги амалий кўникмаларни махсус адабиётлардан фойдаланиб мустаҳкамлаш; фанлардан уйга берилган топшириқларни бажариш; турли кўргазма, конкурс ва танловларда мустақил иш натижалари бўйича ижодий иш намуналари билан (касб ва ихтисосликларга оид моделлар, схемалар ва деталлардан намуналар тайёрлаш) қатнашиш; анжуман ва кўрик танловларда ўз ижодий иши билан қатнашиш, муайян мутахассислик бўйича касбий билим ва хатти-ҳаракат усусларини замонавий асбоб-ускуналар, мосламалар ва иш қуролларидан фойдаланилган ҳолда таркиб топишига, танлаган касбий меҳнатини ижтимоий-иқтисодий ҳаёт билан яқиндан таништириш, мустақиллик даражаси ва ижодий фаоллигини оширишга шароит яратилди ҳамда асосан қўйидаги малакаларни шакллантиришга эътибор қаратилди:

*Конструктив техникавий малакалар-* ўқувчиларнинг касбий таълимини лойиҳалаш, техник қурилмаларнинг технологик жараёнини лойиҳалаш ва конструкциялаш: талабаларнинг ўкув ишлаб чиқариш фаолиятини лойиҳалаш, конструкторлик ишларни бажариш, технологик карталарни тузиш, талабаларнинг техник ижодкорлигини ташкил этиш, техник қурилмаларнинг

ишлатиш бўйича политехник малакалар.

*Ўқувчиларнинг ўқув-касбий фаолиятини шакллантириши малакалари-таълим олувчи шахснинг касбий йўналишини шакллантириш, ўз-ўзини бошқариш ва тарбиялашни ташкил этиш ҳамда ўзаро ҳаракатнинг воситаларини танлаш ва ривожлантириш бўйича малакалар.*

*Шахс касбий йўналишини шакллантириши малакалари ўқув ишлаб чиқариш материаллари тушуниш, техник объектнинг шу усулларини намойиш этиш бўйича малакалар.*

Маълумки, саёҳат, маслаҳат, уй иши, ўқув конференциялари, қўшимча машғулотлар, семинар - практикумлар, синов ва имтиҳонлар, дарсдан ташқари машғулотлар турлича бўлиб, ўқитувчидан ижодий ёндашув, эрудицияни талаб этади. Одатда, саёҳатлар атроф олам ва табиатни кузатиш, саноат ва қишлоқ хўжалик обьектлари ва ижтимоий ҳамда майший муносабатлар, санъат, адабиёт соҳаларини ўрганиш мақсадларини кўзда тутиб ташкил этилади. Саёҳатларни назарий ва амалий машғулотлар билан ўзаро узвий алоқадорликни ҳисобга олган ҳолда акмеологик технологиянинг тегишли турлари асосида ташкил этилди.

Шахснинг акмеологик йўналганлиги - касбий фаолият жараёни ва таркибига муваффақиятга эришиш; қизиқиш мотивациясига эга бўлиш; касбий фаолиятнинг аҳамиятлилигини ҳис этиш; ўзини-ўзи ривожлантиришга ҳаракат қилиши; сифатли касб эгаси бўлишга эҳтиёж; касбий ижодий фаолиятга тайёрлик; ҳаётда керакли инсон бўлиш; эгилувчанлик ва ўзини-ўзи рефлексиялаш ҳамда рефлексияга бўлган қобилият; касбнинг, инсон қадрини тушунишда намоён бўлади.

Дарсдан ташқари машғулотлар, тадбирлар ва мустақил таълимни ташкил этишда ўқув вазифаларини, қасбий топшириқларни ечишнинг оптималь шароитларини биргаликда излаш ва таҳлил қилиш, акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини мустақил ташкиллаштириш ва баҳолаш, ўзлаштириш жараёнининг кечишида ўқувчиларнинг функциялари, мустақил изланишни қўллаб-қувватлаш, вазифаларнинг тўғри ечимини

кўрсатиш амалга оширилди. Электрон таълим ресурслари, эектрон ўқув контент, ижодий топшириқлар, конкурс, электрон портфолио, турли конкурс ва мусобақаларда, шунингдек, акмеологик ёндашув асосида, дарсдан ва коллеждан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тўгарақ ишларини мунтазам равишда маҳсус режага биноан амалга ошириш; услубий ишларнинг самарадорлигини ошириш; ишлаб чиқариш амалиёти ва дарсдан ташқари тадбирларда фаол қатнашиш; ўқитувчи, муҳандис-педагог ва тарбиячиларнинг иш фаолияти, тажрибалари; техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш; уй вазифаларининг ҳажми ва мазмуни, назорат ишларини бажарилиши ва шу кабилар такомиллаштирилди.

Акмеологик ёндашув асосида бўлажак мутахассисларда касбий ижодкорликни шакллантириш тизимининг марказий бўғини бўлиб, самарали ижодий фаолиятга қобилиятлиликни акс эттирувчи креатив таркибий қисм ҳисобланади. Касбий акмеологик йўналганликни шакллантириш ва ривожлантириш акмеологик ёндашув асосида бўлади. Бўлғуси мутахассисларда касбий ижодкорликни шакллантириш бош мақсадларидан бири ҳисобланади.

Тажриба-синов гурӯхларида акмеологик ёндашув асосида касбий йўналганликни таъминлашда мутахассислик йўналиши бўйича – 1) “Хавфсизлик муҳофазаси”, 2) “Касбий фанлар”, 3) “Қайта тикланувчи энергия манбалари”, 4) “Маҳсус фанлар” блоклари – ўқув режадаги жами касбий ва маҳсус фанлар 4 та блокка ажратилган ҳолда касбга йўналтирилган ўқитиши жараёнида шахс креативлигини ривожлантирувчи интерфаол методлар қўлланилди.

Касб-хунар коллекции таълим йуналишларининг маҳсус, умумкасбий фанлари таълим жараёнида ҳар бир шахсни ривожлантириш, унинг танлаган мутахассислиги бўйича фанларни ўзаро алоқадорликда ўқитишида билим, иқтидор ва кўникмаларни малакага айлантириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Касбий фаолиятга тайёрликни (касбий ижодкорлик, касбийлашув ва мутахассиснинг индивидуал хусусиятларини акс эттирилиши) касбий такомиллашув мажмууда кўриш мумкин. Касбий маданият-бўлғуси

мутахассиснинг кундалик иш фаолиятидаги усуллари, индивидуаллик потенциалининг мавжудлиги, шунингдек, “акме”га эришиш шарт-шароитлари билан боғлиқ.

Касб-хунар колледжи ўқувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашда, ўқувчи шахсининг касбий таълим-тарбия жараёнида юксакликка эришишини, ёш даврларида ижодий етуклигининг шаклланиши ва ўз акмесига эришиш йўлларини ўрганишда инсоний қадриятларга таянилади. Чунки, акмеология ижодий етуклик қонуниятлари ва инсоннинг акмесига эришиши ҳақидаги фан сифатида психология ва унинг асосий йуналишлари билан ўзаро боғланган. Акмеологик усуллар, акме-технологиялар шахсий ва касбий муваффақиятларга тегишли саволларни ечишга амалий ёрдам беради. Тажриба-синов гурухларида акметехнологиялар қўлланилганда, масалан, Фиждувон политехника касб-хунар колледжида дастлабки ҳолатда 25 та ўқувчи 4 ва 5 баҳоларга маҳсус фанларни ўзлаштирган бўлса, ўйинли акметехнологиялардан кейин уларнинг сони 34 тага етди, фанларни яхши баҳоларга ўзлаштирувчилар сони 9 тага ортди, бунда умумий таълим муассасаларида ўйинли акметехнологияларгача умумий сифат ўзлаштириш умумий барча тажриба-синов гурухлари бўйича 35,7 % ташкил этган бўлса, акметехнологиялардан кейинги сифат ўзлаштириш 44,5 %га ошганлиги яъни 8,8 фоизга сифат ўзлаштиришдаги ижобий ўзгаришга эришилганлигини кўриш мумкин [18-и洛ва].

Биз томонимиздан мустақил изланиш ва лойиҳалаштириш технологияларига асосланган “Case study”, “SCORE” интерфаол услуби “Электроэнергетика” таълим йўналиши гурухларида қўлланилди [19-и洛ва].

“Case study” технологияси .Тадқиқот ишида энергетикага оид касбий ахборотларни идрок қилиш ва ўзлаштиришни ташкил этиш учун ўқувчилар диққатини фаоллаштиришнинг ва назарий мазмунга қизиқишни уйғотиш методлари, назарий материалларни мустаҳкамлашнинг мнемик фаолият усуллари қулланилди. Бунга “Case study” технологиясини мисол келтириш мумкин. “Case study” технологияси (ингл. “case” – чемодан, метод, “study” –

муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) – 1) ўқувчиларда аниқ, реал муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантиларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласидиган технология. “Электротехника ва электроника асослари” фанида қуидагича кейслардан фойдаландик:

Кейс баёни. Ўзгарувчан ток занжирида электр энергиясининг бир қисмини ёки ҳаммасини бошқа турдаги фойдали энергияга, масалан, иссиқликка, ёргуликка ёки механик энергияга айлантирувчи занжир элементининг қаршилиги актив қаршилик дейилади. Истеъмолчиларнинг ўзгарувчан токка кўрсатган актив қаршилиги қиймати юза деб аталувчи эфект ҳисобига ўзгармас токдаги  $R = \frac{pl}{S}$  электр қаршилигига нисбатан бироз катта бўлади.

Кейс саволлари:

1. Актив қаршиликка нималарни мисол қилиб келтириш мумкин?
2. Индуктивлиги ҳам, сифими ҳам бўлмаган ўтказгичнинг ўзгарувчан токка қаршилиги бўлиши мумкинми агар бўлса у нима деб аталади?

Ўқитувчининг ечими:

- 1.Актив қаршилик элементларига мисол қилиб чўғланиш лампаси, иссиқлик асбоблари, резистор ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин.
- 2.Индуктивлиги ҳам, сифими ҳам бўлмаган ўтказгичнинг ўзгарувчан токка қаршилиги бўлиши мумкин. У актив қаршилик деб аталади. Тажриба шуни кўрсатадики, ўзгарувчан ток частотаси ошганда  $R$  қаршилик ҳам ортади. Частота ортиши билан ўтказгичнинг актив қаршилиги ҳам ошади.

“SCORE”- методида, кетма-кетликда муаммонинг ечими топилади ва тақдимот аввал муаммонинг –белгиси ( $S$ ), кейин унинг сабаби ( $C$ ), сунгра натижаси ( $O$ ), манбаи ( $R$ ) ва самараси ( $E$ ) тартибида олиб борилади. Барча гурухларнинг тақдимоти ниҳоясига еткач, билдирилган фикрлар, тақдимот материаллари умумлаштирилиб, хулоса қилинади.

Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда гурухлар фаолиятига баҳо беради, машғулотга яқун ясайди, ўқувчиларнинг лойиха ҳақидаги фикрларини

аниқлайди. Буни акмеологик ёндашув технологияси орқали амалга ошириш мумкин. Акмеологик ёндашувда мутахассиснинг имкониятларини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадлари ўкув мазмунини танлаш ва тузишга ижодий ёндашувни талаб этади.

Акмеологик касбий йўналтирилган ўқитиш тизимида, ўқувчининг индивидуал истиқбол режаларини ишлаб чиқиш, индивидуал касбий ривожлантириш дастури билан ишлаш, касбий компетенцияни шакллантириш, ўқувчининг электрон портфолиони юритиш, касбий таълим акмеологияси факультатив махсус курсни олиб бориш, акметехнологияларни, краетивликни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи методларни қўллаш, гурӯҳ раҳбарининг маънавият машғулотларини мукаммаллаштириш, касбий йўналтириш фаол ўкув машғулотларини олиб бориш каби ишларни амалга ошириш натижасида ҳар бир ўқувчидаги ўзига хос микро акмеларга ва уларнинг мажмуасида касбий тайёрлик макроакмесига эришилди.

Машғулотларда биз томонимиздан шакллантирилган методлардан ”Мен адашмайман“ методининг ўтказиш методикаси қўйидагича: Иштирокчилар айлана бўйлаб ўтиришади, навбат билан мавзу бўйича масалан, “Ўзгарувчан ток электр занжирларига оид атама, тушунча ёки формула”ни тўғри ва аниқ баён этиш билан биргаликда нима учун ва қаерда турмушда қўлланилишига ҳам изоҳ бериши қарама-қарши гурӯҳ эса изоҳга қараб уни номи ёки схемасини кўрсатиши талаб этилади. Ушбу методда бўлғуси гурӯҳнинг ҳар бир аъзоси электротехник изоҳли атамалар, қоидалар, формулаларни жумбоқли саволлар кўринишида тақдим этиши, уни қаерда қандай мақсадда қўлланилишини изоҳлаб бериши керак. Электротехник катталиклар ва тушунчаларни адашмасдан ифода эта олган ўқувчи кейинги босқичга ўтади, жараёнда мағлуб бўлган, адашган ўқувчи ўйиндан чиқади. Методнинг навбатдаги босқичи мураккаблашиб боради, яъни биринчи босқичда электротехник атамалар, изоҳлари; иккинчи босқичда электротехник формулалар, қоидалар; учинчи босқичда электротехник схемаларни ўқиш, тузиш, улаш каби оддийдан мураккабга қараб борувчи босқичларда фан

мавзулари бўйича дикқатни жамлаш ва ихтиёрий дикқат қилиш, уни тақсимлай олишни ривожлантиради.

Касб-хунар таълими тизимида акмеологик ёндашувни амалга оширишнинг инновацион дидактик моделига кўра, касб-хунар таълими тизимида акмеологик ёндашувни амалга ошириш босқичлари кетма-кетлигининг психологик-педагогик шартини қуидагича мазмунда ташкил этдик:

1. Ташкилий босқич: мутахассисларни фаолиятга тайёрлашда акмеологик ёндашувни амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар: педагогларнинг акмеологик билимларини долзарблаштириш; акмеологик-йўналтирувчи таълим методлари ва воситаларини эгаллаши; шахсий касбий фаолият мазмуни бўйича ва таълим олувчиларга муносабатлар бўйича битирувчиларнинг касбий позициясининг ўзгаришини аниqlаш.

Тажриба-синов касб-хунар коллежлари тажриба гуруҳлари фан ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими усталари ва педагогик жамоага илмий семинарлар ташкил этилиши, уларда акмеологик тушунчалар ҳосил қилиш, ҳамда акмеологик ёндашувни амалга оширишида бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаш, ўқув-методик манбалар ишлаб чиқиши.

2. Аниқловчи босқич: Касб-хунар таълимида акмеологик ёндашувни амалга оширишга қаратилган мақсадли – таълим таълим олувчи шахсини акмеологик йўналганлигининг шаклланиши, педагогнинг ўқув-тарбиявий фаолиятда психологик-педагогик мақсаддага йўналтирилган шартини кўллаш.

Тадқиқот ишида касб-хунар коллежларининг 3310200-Электроэнегетика тайёрлов йўналишининг “3310201- Электр станциялари ва электр тармоқлари ускунларига хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва монтаж қилиш бўйича электромонтёр” касби бўйича “Электр энергетикасининг тармоқлари ва йўналишлари бўйича электр тармоқлари ва ускуналарига хизмат кўрсатувчи” мутахассислар тайёрлаш жараёнида акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиш тизимида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида ўқувчиларнинг акмеологик йўналганлиги шакллантирилди.

Акмеологик йўналган ташкилий ишлар, акмеологик йўналган тарбия, акмеологик йўналган таълим-тарбия йўлга қўйилди.

-акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик-шарт-шароитлари ўрганилди, бўлғуси мутахассислар касбий компетентлиги тамойили, концепцияси, касб-хунар коллежида акмеологик ёндашувни қўллаш модели ва механизми ишлаб чиқилди;

-касб-хунар таълимида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда акмеологик ёндашувни жорий этишнинг шакл, метод ва воситалари (“Электротехника ва электроника асослари” фани мисолида) ишлаб чиқилди;

-акмеологик ёндашув асосида касбий компетентликни ривожлантиришга имкон берувчи замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш (“Электротехника ва электроника асослари” фани мисолида) йўллари ишлаб чиқилди;

-инновацион таълим, яъни акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида акметехнологиялар, компьютер технологиялари ва шахсга йўналтирилган технологиянинг янги методларини қўллаш методикаси ишлаб чиқилди.

3. Диагностик-коррекцион босқич: шахснинг акмеологик йўналганликда шаклланганлиги даражасини ташхислаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш ва унга асосланган ҳолда ўқув-тарбиявий жараёнга тузатиш киритиш.

Акмеологик ёндашувни муваффақиятли амалга оширишда мақсадга йуналтирилган психолого-педагогик шартини ташкил этиш, (шунигдек, шахсни акмеологик йуналтиришни шакллантирувчи методлар ва усуллар), педагогик таъсир йуналишининг ижобийлиги ўзгаришига риоя этиш таъминланади.

Касб-хунар коллежида акмеологик ёндашувни жорий этишда олиб борилган изланиш ҳам муаммонинг узвий давоми сифатида ўқувчиларнинг касбий шаклланиш жараёнини ўрганишга бағишлиган бўлиб, унда касбий камолотни характерловчи бир қатор омиллар орасидаги ўзаро муносабат масаласи мавжуд. Акмеологик ёндашув нуқтаи назаридан мазкур муаммо

комплекс ўрганишда намоён бўлади, бу жараён эрта ёшлик даврида шахснинг ривожланиш йуналиши, унинг индивидуалликка кўтарилишини ва шахснинг қўйилган мақсадларга мувофиқ ривожланишига, йуналишини, шу жумладан илғор шахсий ривожига йуналтирилишини муаммоли –интегратив, яхлит субъектли акмеологик ва рефлексив-акмеологик жиҳатдан белгилаб беради.

Шахснинг акмеологик ривожланиши онтогенез жараённи ташкил этувчи, ўкув-касбий фаолиятда шахсни кўп босқичли даражали ўзини намоён қилишга эҳтиёжнинг (тузилиши, мазмунни, ифодаланиш даражаси ва таъминланганлиги бўйича ўзгарувчи) бир вақтда юзага келиши рўй беради. Бу эса янгиликнинг - шахсни ўзи англаши, ўзини билиб олиши, ўз режаларини белгилаши, ўзини ифодаллаши, ўзини тақдим этиши кабилар ўзини намоён қилишга тайёргарликни пайдо бўлишига олиб келади.

Акмеологик ёндашув асосида касбий таълим жараёнини ривожлантириш мақсадида: истиқболли келажак режалар; таълимни инновацион ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; кадрлар салоҳиятини мунтазам ошириб бориш; янги таълим технологиялари, ахборот коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш пировардида ёш авлодни юксак билимли ва интеллектуал ривожлантиришга эришиш мақсадида маҳсус фанларни ўқитишда мультимедиали ўкув курсларни яратиш имкониятини берувчи педагогик дастурий воситалар ичida юқори рейтингга эга бўлган iSpring дастури имкониятларидан фойдаланиб яратилган электрон ўкув контент, яъни касбий таълимда электрон ўкув контент – яъни, компьютер технологияларининг дастурий ва техник имкониятлари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация эффектлари асосида ўкув материалини ўкувчиларга етказиб берилишини мужассамлаштирган маҳсулотлар мажмуи тайёрланди ва амалда қўлланилди.

Шахснинг касбий аҳамиятга эга сифатлари турлича талқин қилинади. Куйида мазкур тушунчага уч хил ёндашувни келтириб ўтамиз.

1.Шахснинг касбий аҳамиятга эга сифатлари-бу фаолият субъектининг индивидуал сифатларидир. Улар фаолият самарадорлигига ва уни муваффақиятли ўзлаштиришга таъсир кўрсатади.

2.Иккинчи ёндашувга кўра, ҳар бир касб шахсдан муайян жисмоний ва психологияк хусусиятларни талаб этади. Касбий фаолиятдаги муваффақият ҳамда касбдан қониқиши шахснинг индивидуал сифатлари ва касбий талабларнинг мос келишига боғлик.

3.Шахснинг касбий аҳамиятга эга сифатлари-бу шундай сифатларки, у бирор аниқ меҳнат фаолияти жараёнида инсонга ўзини-ўзи тўла намоён этиш имконини беради.

Демак, акмеологик ёндашув асосида “Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитишида таълимнинг касбий йўналганлиги:

- а) касбий мазмундаги масала ва топшириқлар;
- б) касбий-амалий йўналган масалалар;
- в) касбий ривожлантирувчи масала ва топшириқларни бажаришни акмеологик ташкил этилиши орқали таъминланади.

Тажриба-синов натижалари шундан далолат берадики, касб-хунар таълими тизимида таълим жараёнида акмеологик ёндашувни кетма-кет ва мақсадга мувофиқ амалга ошириш, шахсни касбий мухимлик орасидаги боғланишларни фаоллаштирувчи ўзини-ўзи мустақил намойиш этиш ва ўзини-ўзи такомиллаштиришга интилиши ижодий ва мустақил характерни таъминлайди.

Машғулотларни ўйинли лойиҳалаш қўринишида ўтказиш технологиялари турли-туман бўлиши мумкин, лекин улар асосида учта асосий элемент ётади: 1) лойиҳани ишлаб чиқиши алгоритми; 2) эксперт баҳолаш механизми ёки лойиҳани ўйин тарзида «ҳаракатда синаш»; 3) бўлажак мутахассислар - ўйинли лойиҳалаш қатнашчиларини функционал-ролли қизиқишиларини аниқлаш механизми. Бу элементларнинг ҳар бири бўлажак мутахассисни тайёрлашда мухим рол ўйнайди. Дастробки икки элементда иштирок этиш уларнинг ишлаб чиқаришда инновацион жараёнларни ташкил қилишни ўрганишларига шароит

яратади. Күйида биз томонимиздан касбий таълимга мослаштирилган ва ўтказилган “Метафора” ўйинлари қуйидагича амалга оширилди:

Метафора ўйинлари-бу янги таълим методи бўлиб, фаолиятнинг янги турини ривожлантиришга ва хулқ-автор установкасини ўзгартиришга йўналтирилган, метафорага бўлгуси гуруҳ тузилади ва муаммони ечиш йўлини топишга жалб қилинади, ҳаракатлар стратегияси аниқланади. Ҳар бир метафора ўз йўналиши бўйича муаммонинг ечимини топади. Ўйин тугаллангандан сўнг муаммо мухокама қилинади ва унинг натижасида муаммонинг энг самарали ечими топилиб уни амалиётга татбиқ этишга йўллади. Метафора асосан касбий муаммоларни ечишга бағишлиган бўлиб, у таълим олувчиларни ижодий тафаккурга, илмий изланишга чорлайди. Бу уларнинг касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Метафора фан, мутахассислик, йўналиш, соҳа бўйича долзарб масалалар ва муаммоларни касбий жиҳатдан ўрганишга қаратилган. Тадқиқот ишининг тажриба гурухларида “Электр симларида энергия сарфини камайтириш”, “Электродвигателларнинг шовқинини камайтириш”, “Трансформаторларда энергия сарфи” каби саноат ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечишга ҳаракат қилиш устида иш олиб борилди.

Мунозарали акметехнологиялар методлари, жумладан “Вазиятли ишлаб чиқариш масалалари” методи ўқув масалаларидан тубдан фарқ қиласди. Агар ўқув масалаларида ҳар доим аниқ белгиланган шарт (нима берилган?) ва талаб (нимани аниқлаш зарур?) мавжуд бўлса, вазиятли ишлаб чиқариш масаласида (илмий муаммода), одатда униси ҳам, буниси ҳам йўқ. Бўлажак мутахассисга масалани ечиш давомида, ҳақиқий вазиятларда бўлганидек, энг аввало ҳолатни ўрганиш, муаммо борми ва у нимадан иборатлигини аниқлаш зарур. Яъни асосланган қарорга қелиш учун унинг ўзи нима маълум ва нимани аниқлаш кераклигини белгилайди. Шунинг учун бундай масалаларни ҳал қилиш технологиясини ўргатиш ўқув масалаларини ечиш технологиясини ўргатишдан тубдан фарқ қиласди.

Бундан ташқари вазиятли масала ҳар доим ҳам олдиндан маълум алгоритмлардан фойдаланиб ечилмайди. Бўлажак мутахассис бундай масалани ўзи (ёки жамоа билан бирга) ҳал қилаётиб, уни ечишнинг ўз алгоритмини ишлаб чиқиши керак, чунки ундан масалани оддий ечишни эмас, балки муаммоли вазиятни таҳлил қилишнинг рационал усулларини ва уни ҳал қилиш йўлларини аниқлаш талаб қилинади. Ўқувчиларнинг билиш фаолияти бу ҳолда тадқиқий, лойиҳалаш-конструкторлик характеристига эга бўлади.

Бундай масалани ҳал қилиш варианtlарини ишлаб чиқишининг самарали методи бўлиб баҳс-мунозаралардан фойдаланилди. Баҳс - мунозара жараёнида ўқувчилар бош ролни бажариб, ўқитувчига эса қўйидагиларни амалга оширишни назарда тутувчи муҳим роль ажратилди: фикрлар алмашишини бошқариш, ишончли далиллар асосида ўз фикрида турға олиш ва мухолиф томоннинг фикрини мунозара қилиш малакасини ривожлантириш, ўқувчиларни фаол фикрлаш фаолиятига ундовчи, айтилаётган мулоҳазалар, хулосалар ва таклифларни асослаш, билимларни долзарблаштириш, ўз фикрини баён қилишгина эмас, балки бошқаларни тинглаш маҳоратини ривожлантириш. Масалан, касб-хунар коллежида “Энергетика соҳасида тадқиқотчилик фаолияти” мавзуси бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди ва ўқувчиларга қўйидагича топшириқ берилди:

1. Энергетика соҳасини яқиндан ўрганиш ва қузатиш учун дастур ишлаб чиқиш;
2. Қизиқишлиар ва камчиликларни ўрганиш учун ёпиқ анкета тузиш;
3. Жамоанинг билиш фаоллигини ўрганиш;
4. Энергетика саноатининг долзарб муаммоларини аниқлаш ва ўрганиш;
5. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора тадбирлар лойиҳаларини яратиш.

З-босқич ўқувчиларининг лойиҳа иши ҳимоясида баҳс-мунозара туридаги ўйин ташкил этилди. Бунда берилган лойиҳа мавзусининг бажарилишини назорат қилиш яъни лойиҳалар тақдимоти ва уни асослаш вазифаси берилди. Бу лойиҳа дебат ўйин шаклида ўрганилди. Мунозарада кўплаб ёқлаб овоз олган

маърузалар келгусида ўувчига ушбу мавзуда битирув малакавий иши ёзиш имкониятини беради, шунингдек илмий изланувчилар клубига аъзо қилинади, фаолиятга қараб рағбатлантириб борилади.

Бундай лойиҳалар устида иш олиб бориш ва машғулотлардаги мунозара - ўйинларда:

-бўлажак мутахассисларни муайян ишлаб чиқаришдаги вазиятлар, ишлаб чиқариш мутахасислари ва ўқувчиларни ёзма ва оғзаки маърузаларини ёки мулоҳазаларини тақдим қилиш асосида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг моҳияти, мазмуни ва бориши ҳақида ахборот алмашишга ўргатиш;

-бўлажак мутахассисларга ўз нуқтаи-назари, қарашларини исботлаш ва ҳимоя қила олиш маҳоратини шакллантириш, ўзгалар билдириган ғояларининг моҳиятига кириб бориш, ишлаб чиқаришдаги илмий тадқиқот ишларининг муайян босқичлари бўйича қарорлар қабул қилиш кўникмаларини барпо этишдан иборат.

Мунозара-ўйинлар бўлажак мутахассисларда, илмий ишлаб чиқариш муаммоларини қўйиш ва уни ҳал қилишга қизиқиши, тадқиқот ишларига холисона (турли нуқтаи назарларни қабул қила олиш маҳорати) ёндашишга тарбиялади: ўқувчиларда муаммони қўйиш, унинг бориши ва ечими натижаларини муҳокамасида, ҳақиқий мунозаралар ва илмий-амалий анжуманлар ва уларда муҳокама қилинаётган масалалар бўйича қарашлар, ғоялар, билимлар ва тажрибаларни эркин алмаштиришда ўзини муайян тутиш кўникмаларини ҳосил қиласи.

Касбий ишларнинг мотивацион-феъл-атвор йўналганлиги жихати акмеологик-йуналтирилган хулқ-атворга асосланган касбий муваффақиятга эришишда, ижодий ўз-ўзини намоён этишга эҳтиёжда, касбий ўз-ўзини ривожлантириш ва касбий фаолиятда доимий-турғун мотивацияни ўқувчиларда шакллантиришга қаратилган. Бунга қуйидаги усуллар ва методларни қўллаш ҳисобига эришиш мумкин:

- ижтимоий-психологик ва таққослаш идентификацияси
- фаолиятни ижобий баҳолаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш,

- танлаш вазияти ва муаммоли вазият яратиш,
- мусобақавий ва ўйин методлари,
- идеал объектларни ижодий моделлаштириш усуллари .

Махсус тренинглар (рефлексив, руҳий тренинглар, мақсадни кўзлаган тренинглар, муваффақиятга эришиш мотивацияси тренинги), шахснинг акмеологик йўналганлигининг ақлни ривожлантиришга қаратилган ва ташкил этилган аниқ компонентлари муҳим рол ўйнайди.

Шахснинг акмеологик йўналганлиги компонентларини ривожлантириш мос методлар, усулларни қўллаш ва ўқув-тарбиявий фаолият шаклини ташкил этиш орқали амалга оширилди. Интегратив функцияни гурӯҳ раҳбари бажаради, таълим олувчиларнинг мақсадга йуналтирилган руҳиятини, онгли ва қайта ишланган фикрга асосланган шахсий мотивлар, касбий ва шунингдек умум ҳаётий мақсадлар, қизиқишилар, эҳтиёжлар ва қобилиятларга ундаш кабилар.

Ривожлантирувчи акметехнологияларнинг ўқувчиларда креативлик, ижодий фикрлашни шакллантиришга хизмат қилувчи методлари қўлланилди.

Акмеологик усуллар, акметехнологиялар шахсий ва касбий муваффақиятларга тегишли саволларни ечишга амалий ёрдам беради:

Ўйинли акметехнологиялар методлари, масалан “Вазиятли – ўйин” методи-бўлажак мутахассисни ҳақиқий фаолиятини, унинг ўқув тарбия ва илмий-текшириш ишларини ташкил қилишда, имитация (таклид) қилиш, назарий билим ва қўникмалардан касбий-амалий билим ва қўникмаларга ўтиш мустақил шаклланиш имконини беради. Биз томонимиздан техникий мутахассислик йўналишларига шакллантирилган ўйин методларидан бирини мисол келтирамиз:

*1-ўйин топшириги.* Ўзини касб эгаси сифатида ҳис этиши. "Бўлғуси энергетик сифатида, ўзини таништириш, ишнинг бошланиши" ҳолатида касб эгасидан талаб этиладиган ҳатти – ҳаракатларни, ишни бошлаш ва олиб бориш шартларига мос равишда мазкур вазиятда ўз ҳатти -ҳаракатларингизни хаёлан ижро этинг.

*2-йин топшириги. Иш қуроллари, энергетик воситаларнии функциясини ўрганишини кенгайтириши.* Техник-электрик предметларни хусусият ёки иш функциясини новербал ифодалаб узатиш. Ўкувчи тахмин қилинган бирон предметни новербал муносабат билдириб, давра бўйлаб узатади. Предметни олган ўкувчи ўз муносабатини ифодалаб, яна кейинги кишига узатади. Машқни тахлил килишда иштирокчиларнинг кайфияти, муносабати, тасаввурларнинг бойлиги, акс таъсири эътиборга олинади.

*3-йин топшириги. Қобилиятларни ривожлантириши.* Электр, сифим, қаршилик, ток, қувват, кучланиш, амперметр, вольтметр, ваттметр, конденсатор, резистор, магнитланиш, зарядланиш, электр заряди, қаршилик, индукция, электр юритувчи куч ва ҳакозо сўзларини қатнаштириб бирор энегетика ёки электротехник катталик, формула кабиларнинг тушунчасини таърифини 5 дақиқада тузиш орқали ўкувчилар интеллектуал қобилиятларини намоён этишга ҳаракат қилишади ва ўз қобилиятларини ривожлантирадилар.

*4-йин топшириги. “Хайрлашув” маши. Иштирокчилар сонига тенг бўлган сўзлардан тузилган шеърни худди бир киши айтгаётгандек қилиб айтилади.*

Ўкувчиларнинг билим олиш ва тадқиқот фаолиятлари бунда ўрганилаёттан объектни бевосита жамоатчилик лойихалаш характеристига эга бўлади. У функционал ролли ва объектни яратилиш ва такомиллаштиришнинг тикланадиган механизмлари нуқтаи-назаридан амалга оширилади. Бундай ҳолат, одатда муайян объектни ўрганишда амалий топширикларни, курс ишларини бажаришда ўкувчиларнинг мақсад ва қизиқишлирага асосланган бўлади.

### **§.3.3 Касбий таълимда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш методикаси**

Мунозарали акметехнологиянинг методлари самарали қўлланилди, улардан “Мақсадга қандай эришиш мумкин... ёки 8 қадам” методи [20-илова] намуна сифатида келтирилди. Акмеологик ёндашувдан фойдаланиш касбий 148

таълим мазмуни, таълим технологияси, ўрта маҳсус касб-хунар таълими ўкув муассасаси таълим сифатини ошириш имконини бериши тажриба синов йўли билан аниқланди.

Касбий ўз-ўзини фаоллаштиришга оид ўйинли акметехнологиялардан ўзида ижодий ишчи қайфият, ишга ҳиссий-психологик тайёрлик туйғусини уйғотишига мўлжалланган ўйин. “Агар мен....бўлсан” ўйини биз томонимиздан шакллантирилди ва уни қўллаш методикаси қўйидагича ишлаб чиқилди: Дарсни асосий босқичининг иккинчи ярмида ўқувчиларга янги мавзуни мукаммал ўзлаштириш ва унга ижодий ёндошишига эришишини таъминлаш мақсадида, турли интерфаол методлар ёрдамида янги мавзуни мустаҳкамлашда қўлланилди. Ҳар бир ўқувчи турли электротехник восита, мосламалардан фойдаланиши, "Агар мен Ўзбекистоннинг энергетика вазири бўлсан..." тасаввуридаги ҳолатни пайдо этиши, иш мазмунига киришиш, хотирада унинг мантиқи ва образини яратиши, ўзининг энергетикани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва асослаб бериши талаб этилди.

Акме” – юононча, камолот, юксалиш, етуклиқ маъноларини англатади.

Акмеологияга доир қарашларнинг тарихий илдизлари - шарқ маънавий-ахлоқий, маърифий ғоялари мазмунида ўз аксини топган. Бу қарашлар ўз вақтида мутафаккирларнинг комил инсон ҳақидаги таълимотлари билан уйғунлашади.

Комил инсон ғояси халқимизнинг эзгу орзуси, миллат маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Зардўштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳалол меҳнат комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилган. Комил инсон ғояси ислом фалсафасидан озиқланиб, Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг таълимотларида янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. Масалан, Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида комил инсоннинг сифатлари, хусусиятларини таснифлаб, алоҳида таълимот сифатида эътироф этади. Бу таълимот коинот ва инсон тизимида сайқал берилган умуминсоний қадрият бўлиб, зоҳирий ва ботиний, ақлий ва амалий, ташқи ва

ички, руҳий ва моддий, дунёвий ва илоҳий қарашларни ўзида мужассамлаштирган.

Ривожлантирувчи акметехнологиялар методларини қўллаган ҳолда, миллий достонлар (Алпомиш, Гўрўғли, Кунтуғмиш ва бошқалар), миллий куй ва қўшиқлар, Ватан мадҳи, юрт меҳрига оид миллий афсоналар, ривоятлар, ҳикматлардан атрофлича фойдаланган ҳолда, тизимли тартибли равища ўқувчиларнинг ёшига мос ҳолда тарбиявий ишлар олиб бориш ташкил этилди [1-илова]. Ўқув машғулотлар яқунида сўровномалар ўтказилиб тажриба-синов ва назорат гуруҳи ўқувчилари ўртасидаги мустақил мушоҳада қилиш ва тафаккурлар фарқи ўрганилди (3.3.1-жадвал).

### 3.3.1-жадвал

#### Ўқувчиларнинг сўровномалари натижалари

1.Мослашув деганда нимани тушунасиз?

т/р	<b>Тажриба-синов гуруҳидаги ўқувчининг жавоби</b>	<b>Назорат гуруҳидаги ўқувчининг жавоби</b>
1	Биз инсон ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро мослашуви	Мавжуд шарт-шароитга мослашиш

2.Касбий мослашув деганда нимани тушунасиз?

т/р	<b>Тажриба-синов гуруҳидаги ўқувчининг жавоби</b>	<b>Назорат гуруҳидаги ўқувчининг жавоби</b>
1	Шахс ва касбий муҳитнинг ўзаро таъсирилашиш жараёни тушунилади	Шахснинг фаолият жараёнида шаклланиши

3.Касбий ўз-ўзини мувофиқлаштириш компетенцияси деганда нимани тушунасиз?

т/р	<b>Тажриба-синов гуруҳидаги ўқувчининг жавоби</b>	<b>Назорат гуруҳидаги ўқувчининг жавоби</b>
1	Янги билимларни ва тажрибаларни эгаллашга, ўзининг иқтидорини баҳолашга, касбий ва шахсий сифатларни ривожлантиришга, ўзининг касбий ривожланишини таъминлаш учун мураккаб масалаларни ечишга тайёр ва қодир эканлигини билдиради.	Касбий тушунчалар ва қўнималарни мустақил ривожлантириш жараёни.

Ушбу жадвалдаги тажриба-синов гурухи ва назорат гурухи ўқувчисининг битта саволга берган ҳар хил жавоби ва мустақил мушоҳада, фикрлаш, тафаккурнинг даражасидаги фарқни қўриш мумкин. Демак, акмеологик йўналган тарбия ўқувчининг акме-шахс бўлиб шаклланишида муҳим аҳамиятга эга экан.

Миллий ўзини-ўзи англашни такомиллаштириш асосан гуруҳ раҳбарининг маънавият соатлари мазмунига мифологик дунёқарашни ривожлантиришга хизмат қилувчи мавзулар киритиб, машғулотларни мукаммаллаштириб, унда турли тренинглар, давра сұхбатлари ўтказилди, психологик маслаҳатлар, ривожлантирувчи акметехнологиялар қўлланилди.

Мустақил Ватанимизнинг улкан умиди бўлган ёш авлодни келажакда билимдон, мустақил фикрловчи, ўз Ватани ва миллатини севувчи инсонлар қилиб тарбиялаш, демократик қадриятларни ҳар бир акмешахс онгига сингдириб, маънавий-ахлоқий тарбияни қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратиш, акмеологик муҳитни яратиш, касб-ҳунар колледжидага таълимда акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитишга асосланган машғулотларни ташкил этиш, акмеология тамойиллари орқали ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, акмеологик йўналган тарбияни амалга ошириш мумкин.

Гуруҳ раҳбари шунингдек, онгли руҳиятга асосланган ўқувчиларга таълим бериш ва мақсадга бошлиш, касбий муаммоларни ижодий усуллари, шахсий ўз-ўзини ривожлантиришни ва касбий ўз-ўзини такомиллаштиришни режалаштиришга ўргатиши йўлга қўйилди. У раҳбарлигига ўқувчиларнинг тренинг топшириқларини бажариши, сұхбатлар ва мунозараларда қатнашиши, шахснинг акмеологик йўналганлигини ривожлантирувчи ва тизимли касбий билимларга эришишини таъминловчи, предметлараво боғланишларни англаб етувчи иш ўйинлари ташкил этилди ва ўтказилди, булар акмеологик-йўналганлик ишлари ҳисобланади.

Маълумки, тарбия методлари - ўқитувчи ва ўқучиларнинг тарбия вазифаларини хал қилишга йўналтирилган ўзаро хамкорликдаги фаолият усули

бўлиб ҳисобланади ва тарбия методлар ижтимоий-тарбиявий муҳит, ёш ва индивидуал-типовогик хусисиятлар асосида белгиланадиган педагогик мақсадга мувофиқ равишда танланади ва қўлланилади. Педагогика фанида тарбия методлари турлича гурухланади. Жумладан: онгни шаклантирувчи (тушунтириш; хикоя ва сухбат; ўрнак бўлиш; ишонтириш; баҳолаш; мунозара; кўндириш; ўйинлар); ижтимоий ахлоқни шаклантирувчи (машқ ўргатиш; топшириқлар; одатлантириш; педагогик талаб; жамоа фикри; тарбиявий вазиятлар); рағбатлантирувчи (мусобақа; мақтов ва жазо; маъқуллаш ва танбеҳ бериш; хулқни назорат қилиш); ўзини-ўзи тарбиялаш (турли хил фаолиятда ўзини намоён қилиш)га қаратилган методлар мавжуд бўлиб, тадқиқот жараёнида улардан унумли фойдаланилди. Шахснинг тарбиявий сифатларини ривожлантиришда якка тартибли (сухбат; танловлар; шахсий кўргазмалар; ижодий ишлар; мусобақалар; предмет тўгараклари); гурухли (гурух тадбирлари; саёҳатлар; байрам тадбирлари; анънавий тадбирлар; сиёсий ахбарот; олимпиадалар; ижодий топшириқлар ва бошқалар) ҳамда оммавий (сайллар; танловлар; мусобақалар; фестиваллар; байрамлар; оғзаки журналлар; кечалар ва дискотекалар; учрашувлар; китобхонлар кечаси; анжуманлар ва бошқа тарбия шаклларидан фойдаланилди.

Тадқиқотда акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиши тизимида ўқитишини ташкил этишда ўқув и мавзусига кўра қўплаб замонавий таълим технологияларининг методлари қўлланилди ва инновацион таълим методлари қўлланди. Ушбу акмеологик йўналган таълим-тарбиянинг натижаларини ҳамда мазкур жараённинг кечиши ҳолатини кузатиш учун педагогик-акмеологик диагностика қўлланди ва касбий тайёргарлик, тарбияланганликнинг ривожланиш индекси ўрганиб борилди. Диагностика ўкувчининг касбий йўналганлиги ва тайёргарлигини тўғри аниқлаш, таълим-тарбия ишини тўғри ташкил этиш учун йўлланма бўлади.

Ўкувчиларнинг акмеологик йўналган таълим-тарбия олишида зарур бўладиган хулқ-атворни ташкил этишда, касбий тайёргарликнинг юқори босқичига эришишда шундай энг муҳим сифатлар танлаб олиндики, буларсиз

талаб даражасидаги касбий таълим ва тарбияга эга бўла олмайди (3.3.2-ва 3.3.3-жадваллар).

### 3.3.2-жадвал

#### **Касб-хунар коллекшионистининг шахсий сифатлар тавсифи**

т/р	Сифатлар	Сифатларнинг таъриф ва таснифи
1.	Одоб ва ахлоқ	<p>Кишиларнинг бир-бирларига, оиласа, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган ҳатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, одоблари мажмуи. Жамиятда қабул қилинган меъёrlар асосидаги ҳатти ҳаракатлар мажмуи. Одоб инсоннинг қимматини ошириб, улуғлик сари етаклайди. Ахлоқ шахс маънавиятини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади.</p> <p>Ҳар бир инсон ўзининг шахсий одоб ва ахлоқини гўзал бўлиши учун курашмоғи лозим. Бунинг учун шахс одоб ва ахлоқнинг масъулиятини ҳис этган ҳолда уни ривожлантириши, ўзи ва атрофидагиларнинг хурмат ва эътиборини жойига қувиши ва бундай фазилатга эришиши ҳаётини гўзал кечишга олиб келади.</p>
2.	Ирода	<p>Инсоннинг ўз фаолияти ва психик жараёнларини ўзи бошқаришда намоён бўладиган қобилияти. Инсон фаолиятининг барча турлари ва ҳар қандай меҳнат кишидан мустаҳкам иродани талаб қилади.</p> <p>Ироданинг муҳим сифатлари: ўзини тута билиш, дадиллик, қатъийлик, чидам ва тоқат, принципиаллик, мустақиллик ирода кучи шу сифатларнинг қай даражада намоён бўлишига қараб белгиланади.</p> <p>Киши юксак ғояларга асосланган онгли қатъият ва сабот билан ўз ҳаракати йўлидаги тўсиқдларни енгар экан, у кучли ирода эгаси ҳисобланади.</p>
3.	Маънавиятлилик	Инсоннинг руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурларга эга эканлиги. Маънавиятга муттасил ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириш орқалигина эришилади. Маънавиятли инсон

		яшашдан мақсад нималигини аниқ билади, умрини мазмунли ўтказиш йўлини излаб топади, муомала қилиш маданиятини эгаллайди, ҳар бир масалага инсоф ва адолат нуқтаи назаридан ёндошиди.
4.	Илмсеварлик	Илм-ўқиши ўрганиш ҳамда ҳаётий тажриба асосида орттирилган билим ва малакалар мажмуидир. Инсоннинг бутун ҳаётини меҳнат қамраб олади. Ҳар қандай меҳнатни мазмунли ва самарали бўлиши учун энг аввало илм зарур. Илмсеварлик биринчи ҳаётий зарурат ва одатга айлангандагина, ҳаётнинг илм билан боғлиқ тарзи инсонни ахлоқий ва руҳий жиҳатдан юксалтиради.
5.	Маъсулиятлилик	Ҳар қандай ютуқнинг бош омили масъулиятдир. Масъулиятлилик боис инсон ўз вазифаларини ўз вақтида сидқидилдан ва мукаммал амалга оширади, нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилмайди.
6.	Ташаббускорлик	Ҳар қандай ишда ташаббус кўрсатиш, ўз бурчи ва вазифаларини фаол, пухта амалга ошириб қолмасдан, тенгдошлари, атрофидагиларни ҳам унумли илм олиш, мукаммал касбни эгаллаш, муваффақиятларга интилишга ундейди ва ўз ортидан эргаштиради. Бундай ўқувчилар ўз имкониятларидан омилкорлик билан фойдаланиб ўзгаларга ҳам ижобий ташаббус кўрсатади.

Ушбу мажмуадан ўрин олган шахсий сифатларга аввалдан эътибор қаратиб келинган бўлсада, уларнинг барчаси касбий таълимда бир вақтнинг ўзида фойдаланиш учун қамраб олинган эмас. Мазкур мажмуа ёрдамида ушбу сифатларга бир вақтнинг ўзида эришишга ҳаракат қилиниши билан яхлит қуч пайдо бўладики, бошқа барча ҳолатларни ҳаракатга келтиради. Сифатларнинг барчасини ўқувчиларда бир бутун мажмуа сифатида қарор топиб, бир бутунликни ташкил этиши, унинг тарбияли хулқ авторини таъминлайди. Касбий таълимни тўғри ташкил этиш асосан ушбу инсоний сифатлардан тўғри фойдаланиш натижасида содир бўлади.

Акмеологик ёндашув асосида касб-хунар коллежи ўқувчисининг касбий фаолиятга тайёрлашда касбий сифатлар тавсифи юқори, ўрта ва паст даражаларга ажратилган ҳолда ишлаб чиқилди (3.3.3-жадвал).

Ҳар бир ўқувчининг хулқ-атвори, касбий қизиқиши, қобилияти, билим, умуман олганда шахсий ва касбий сифатлари турлича бўлади. Шунинг учун тадқиқот жараёнида уларга индивидуал муносабатда бўлиш йўлга қўйилди.

### 3.3.3-жадвал

#### **Касб-хунар коллежи ўқувчисининг касбий сифатлар тавсифи**

Юқори даража	Ўрта даража	Паст даража
<b>Касбий қобилият</b>		
Барқарор касбий қизиқиш; Мунтазам равища касбий масалаларни ечишда фаол иштирок этиш; Топшириқларни мунтазам равища мустақил бажариш; Илмий анжуманларда конкурсларда мунтазам иштирок этиш; Касбий масала ва топшириқларни бажаришга ижодий ёндошиш; Касбий билимларни эгаллашга қизиқиш; лойиҳаларни бажаришда ўзини-ўзи ривожлантириш, бошқариш, назорат қилиш; Ўқув дастуридан ташқари ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришга харакат қилиш	Бекарор касбий қизиқиш; Касбий масалаларни ечишда (гурухий, индивидуал) номунтазам фаол иштирок этиш; Топшириқларни кўп ҳолларда мустақил бажариш; Илмий анжуманларда конкурсларда даврий иштирок этиш; Касбий масала ва топшириқларни бажаришда қийинчиликарни енгишга ҳаракат қилиш; Топшириқларни ўз вақтида бажариш; Ўқув материалининг содда ёки қийинлигига кўра касбий билимларни эгаллашга қизиқиш билдириш; ЛОИҲАЛАРНИ БАЖАРИШДА ЎЗ-ЎЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХАРАКАТ ҚИЛМАСЛИК, МУСТАҚИЛ ЎҚИТУВЧИ ЁРДАМИСИЗ КАСБИЙ ТОПШИРИҚ ВА МАСАЛАЛАРНИ БАЖАРА ОЛМАСЛИК	Баъзи ҳолларда касбий қизиқиш мажудлиги; Касбий масалаларни ечишда (гурухий, индивидуал) нофаол иштирок этиш; Баъзи ҳолларда топшириқларни мустақил бажариши ва илмий анжуманларда, конкурсларда иштирок этиши; Касбий масала ва топшириқларни бажариш касбий билимларни эгаллашга баъзи ҳолларда қизиқиш билдириш; лойиҳаларни бажаришда ўз-ўзини ривожлантиришга ҳаракат қиласлиқ, мустақил ўқитувчи ёрдамисиз касбий топшириқ ва масалаларни бажара олмаслик Ўқув дастуридан

	ҳаракат қилиш; (ўқитувчи томонидан қўллаб-куватлаш талаб этилади).	ташқари ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришга ҳаракат қиласлик.
--	--------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------

### **Касбий компетентлик**

